1. Консуллик муассасаси раҳбарини тайинлашдан олдин юборувчи давлат дипломатик ёки бошқа тегишли каналлар орқали тавсия қилинган шахсга нисбатан қабул қилувчи давлатнинг розилигини олиш керак.

Агар қабул қилувчи давлат бирон бир шахсни консуллик муассасаси раҳбари этиб тайинланишига розилик бермаса, у юборувчи давлатга бундай рад этишнинг сабабларини изоҳлаб бериши шарт эмас.

2. Қабул қилувчи давлатдан дастлабки розилик олингандан сўнг, юборувчи давлат дипломатик каналлар орқали қабул қилувчи давлатнинг ташқи ишлар вазирига консуллик муассасаси раҳбарини тайинлаш тўғрисида консуллик патенти ёки бошқа айнан шундай ҳужжатни юборади. Ушбу ҳужжатда консуллик муассасаси раҳбарининг тўла исми ва фамилияси, унинг фуқаролиги, даражаси, у консуллик вазифаларини бажарадиган консуллик округи, шунингдек консуллик муассасасининг манзилгоҳи кўрсатилиши керак.

3. Қабул қилувчи давлат консуллик муассасаси раҳбари этиб тайинланиши ҳақида консуллик патенти ёки бошқа айнан шундай ҳужжат олгандан сўнг унга экзекватура деб номланадиган рухсатни беради.

Экзекватура беришни рад этаётган қабул қилувчи давлат юборувчи давлатга бундай рад этишнинг сабабларини изоҳлаб бериши шарт эмас.

4. Ушбу модданинг 5-бандида ва 4-моддада кўзда тутилган ҳолатлардан ташқари, консуллик муассасаси раҳбари экзекватурани олмасдан ўз вазифаларини бажариши мумкин эмас.

5. Қабул қилувчи давлат экзекватура бергунга қадар консуллик муассасаси раҳбарига ўз вазифаларини вақтинча бажаришига рухсат бериши мумкин. Мазкур ҳолда ушбу Конвенциянинг қоидалари қўлланилади.

6. Консуллик муассасаси раҳбарига ўз вазифаларини бажаришга рухсат берилиши биланок, бу вақтинчалик бўлса ҳам, қабул қилувчи давлат бу ҳақда консуллик округининг ваколатли органларига зудлик билан хабар беради. У консуллик муассасаси раҳбарига ўз вазифасини бажариши ва ушбу Конвенциядан келиб чиқувчи афзалликлардан фойдаланиш учун барча зарур чораларни кўради.

### **4-модда**

#### **Консуллик муассасаси раҳбари вазифасини вақтинча бажариш**

1. Агар консуллик муассасаси раҳбари ўз вазифасини бажара олмаса ёки консуллик муассасаси раҳбари ўрни бўш бўлса, юборувчи давлат консуллик муассасаси раҳбарининг вазифасини вақтинчалик қабул қилувчи давлатдаги ўзини ушбу ёки бошқа консулхонасининг консуллик мансабдор шахсига ёки қабул қилувчи давлат-

даги ўзининг дипломатик ваколатхонасининг дипломатик ходимига вақтинча консуллик муассасаси раҳбари вазифасини бажаришни топшириши мумкин. Консуллик муассасаси раҳбари вазифасини вақтинча бажарувчининг тўлиқ исми ва фамилияси, қабул қилувчи давлатнинг ташқи ишлар вазирлигига ёки ушбу вазирлик томонидан кўрсатилган органга дипломатик ваколатхона орқали ёзма равишда хабар қилинади. Агар қабул қилувчи давлатда бундай ваколатхона мавжуд бўлмаса, хабарни консуллик муассасаси раҳбари ёки агар у буни қила олмаса, юборувчи давлатнинг бошқа тегишли органи қилиши мумкин. Қоидага кўра, ушбу хабар олдиндан берилади.

2. Консуллик муассасаси раҳбари вазифасини бажарувчи ушбу Конвенцияда консуллик муассасаси раҳбарига бериладиган имтиёз ва иммунитетлардан фойдаланади.

3. Агар ушбу модданинг 1-бандига мувофиқ юборувчи давлат консулхона муассасаси раҳбари вазифасини бажарувчи сифатида қабул қилувчи давлатда юборувчи давлатнинг дипломатик ваколатхонасининг дипломатик ходимлари аъзоси тайинланса, бу шахс ўзининг дипломатик мақомига мувофиқ дипломатик имтиёзлар ва иммунитетларидан фойдаланишни давом эттиради.

#### **5-модда**

#### **Консуллик хизмати ходимларини тайинлаш**

1. Юборувчи давлат консуллик хизмати ходимларини бемалол тайинлашга ҳақлидир, ушбу Конвенциянинг 7- ва 8-моддаларида кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно.

2. Қабул қилувчи давлат хоҳлаган вақтда ушбу Конвенция 8-модда 3-бандида кўзда тутилган ҳуқуқларини амалга ошириши учун юборувчи давлат қабул қилувчи давлатга консуллик муассасаси раҳбаридан ташқари барча консуллик мансабдор шахсларнинг тўлиқ исми ва фамилияси, уларнинг даражаси ва тоифаси тўғрисида олдиндан хабар беради.

#### **6-модда**

#### **Ишга тайинланиш, келиш ва жўнаб кетиш тўғрисида хабардор қилиш**

1. Юборувчи давлат қабул қилувчи давлатнинг Ташқи ишлар вазирлигини ёки ушбу вазирлик томонидан кўрсатилган органини қуйидагилар тўғрисида ёзма равишда хабардор қилади:

а) консуллик муассасаси ходимларининг ишга тайинланиши, уларнинг тайинланганидан кейин консуллик муассасасига келиши, жўнаб кетиши ёки уларнинг вазифалари тугатилиши ҳамда консуллик муассасасида ишлаш мобайнида уларнинг мақомидаги дахлдор бўлган ҳар қандай ўзгаришлар тўғрисида;

б) консуллик муассасаси ходимининг оила аъзоси бўлган ва у билан доимо бирга яшаётган шахснинг келиши ёки жўнаб кетиши ва тегишли ҳолатларда, бирон-бир шахс оила аъзоллигига киргани ёки чиққанлиги тўғрисида;

в) хусусий уй хизматчиларининг келиши ва жўнаб кетиши ҳамда тегишли ҳолатларда, уларнинг шу сифатида хизматларининг тугатилиши тўғрисида;

г) қабул қилувчи давлатда доимий яшаётган, имтиёз ва иммунитетлардан фойдаланиш ҳуқуқларига эга бўлган консуллик муассасаси ходимлари ёки хусусий уй хизматчиси сифатида ёлланган ёки бўшатишган шахслар тўғрисида.

2. Келиш ёки жўнаб кетиш тўғрисидаги хабар имкониятга қараб олдиндан берилиши лозим.

#### **7-модда**

##### **Консуллик мансабдор шахсларининг фуқаролиги**

1. Умуман олганда, консуллик мансабдор шахслари юборувчи давлат фуқаролари бўлиши лозим.

2. Қабул қилувчи давлатнинг аниқ изҳор этилган розилиги ва бу розилик ҳар қандай вақтда бекор қилиниши мумкин бўлган ҳолда, ушбу давлатнинг фуқароларидан консуллик мансабдор шахслари тайинланиши мумкин.

3. Қабул қилувчи давлат учинчи давлат ва бир вақтда юборувчи давлат фуқароси бўлмаган фуқароларга ҳам шунга ўхшаш ҳуқуқлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлишини айтиб ўтиши мумкин.

#### **8-модда**

##### **«Persona non grata» деб топилган шахслар**

1. Қабул қилувчи давлат исталган вақтда у ёки бу консуллик мансабдор шахсининг «persona non grata» ёки консуллик хизмати ходимларининг бирортасини номақбул шахс деб топганлиги тўғрисида юборувчи давлатни хабардор қилиши мумкин. Бундай ҳолда юборувчи давлат оқилона муддат ичида ушбу шахсни чақириб олиши ёки унинг консуллик муассасасидаги вазифаларини тўхтатиши лозим.

2. Агар юборувчи давлат ушбу модданинг 1-бандида кўзда тутилган мажбуриятларни оқилона муддат ичида бажаришдан воз кечса ёки бажара олмаса, қабул қилувчи давлат бу шахснинг экзекватурасини бекор қилиши ёки консуллик хизмати ходими деб тан олишдан воз кечиши мумкин.

3. Консуллик муассасаси ходими сифатида тайинланган шахс қабул қилувчи давлат ҳудудига келишидан олдин ёки, агар ушбу давлатда келиб турган бўлса, у консуллик муассасасида ўз мажбуриятларини бажаришга киришгунга қадар, номақбул шахс деб эълон қилиниши мумкин. Ҳар қандай бундай вазиятларда юборувчи давлат унинг тайинланишини бекор қилади.

4. Ушбу модданинг 1- ва 3-бандларида кўрсатилган ҳолатларда қабул қилувчи давлат юборувчи давлатга ўз қарорининг сабабларини изоҳлаб беришга мажбур эмас.

#### **9-модда**

##### **Консуллик муассасаси ходимлари учун консуллик ва турар жойларни сотиб олиш**

1. Қабул қилувчи давлатнинг қонунларига мувофиқ ва ушбу давлатнинг розилиги билан юборувчи давлат ўз номидан ёки у томонидан ваколатланган жисмоний ёхуд юридик шахс орқали қуйидагиларни сотиб олиш, ижарага олиш ва бошқа бирон-бир шаклда эгалик қилиш ҳуқуқига эга:

а) консуллик муассасаси учун мўлжалланган, қабул қилувчи давлатнинг фуқароси бўлмаган ва ушбу давлатда доимий яшаш жойига эга бўлмаган ҳар қандай консуллик мансабдор шахси, консуллик хизматчиси ёки хизмат қилувчи ходими учун турар жой биносини ёки бионинг бир қисмини;

б) консуллик муассасаси ва турар жой биносини қуриш учун мўлжалланган ер майдонини.

2. Ушбу модданинг 1-бандида кўрсатилган шартларга мувофиқ, юборувчи давлат консуллик муассасаси ёки турар жой биноси учун мўлжалланган бинони ёки

бинонинг бир қисмини ёхуд уларни қуриш учун ажратилган ер майдонини яхшилаш ва мувофиқлаштириш мумкин.

3. Қабул қилувчи давлат, зарур бўлганда, ушбу модданинг 1- ва 2-бандларида кўрсатилган ҳуқуқларни амалга оширишда юборувчи давлатга тегишли ёрдам ва кўмак кўрсатади.

4. Ушбу моддадаги ҳеч қайси қоида, қабул қилувчи давлатнинг қурилиш, шаҳарни режалаштириш, туманларга бўлиш, ердан фойдаланиш, тегишли ер майдонлари, бинолар ва биноларнинг қисмлари жойлашган аҳоли пунктларида маданий ёдгорликларни ҳимоя қилишни тартибга солувчи қонунларга риоя этмагани учун юборувчи давлатни жавобгарликдан озод этади деб шарҳланмаслиги керак.

#### **10-модда**

##### **Фахрий консуллик мансабдор шахслари**

Агар иккала Аҳдлашувчи Томон фахрий консуллик мансабдор шахсларини тайинлашга келишиб олсалар, улар фахрий консуллик мансабдор шахсга нисбатан қўлланадиган режимни аниқлаш мақсадида ушбу Конвенция қоидалари ҳамда халқаро ҳуқуқ меъёрлари асосида тегишли келишувларни тузиш масаласи бўйича ўзаро маслаҳатлашувлар ўтказадилар.

#### **11-модда**

##### **Консуллик муассасалари ва уларнинг ходимларининг ишига кўмак кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш**

Қабул қилувчи давлат консуллик муассасасига ўз вазифаларини бажариш учун барча шарт-шароитларни яратади. У консуллик муассасаси ходимларини ҳимоя қиладди ва ушбу Конвенция қоидаларига асосан ходимларга консуллик ўз вазифаларини бажариш, имтиёз ва иммунитетлардан фойдаланиш учун зарур чораларни кўради.

#### **12-модда**

##### **Давлат байроғи ва гербидан фойдаланиш**

1. Ушбу модданинг қоидаларига мувофиқ юборувчи давлат ўз давлат байроғи ва гербидан қабул қилувчи давлатда фойдаланиш ҳуқуқига эга.

2. Юборувчи давлат байроғи ва унинг герби консуллик муассасаси жойлашган биносига, унинг кириш эшиклари, шунингдек консуллик муассасаси раҳбари қароргоҳига ҳамда хизмат вазифаларини бажараётганда транспорт воситаларига ўрнатилиши мумкин.

3. Ушбу моддада кўзда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланишда, юборувчи давлат қабул қилувчи давлат қонунларига ва урф-одатларига риоя қиладди.

#### **13-модда**

##### **Консуллик бинолари ва консуллик мансабдор шахслари турар жойларининг дахлсизлиги**

1. Ушбу модданинг қоидаларига мувофиқ консуллик бинолари ва консуллик мансабдор шахсларининг турар жойлари дахлсиздир.

2. Қабул қилувчи давлат ваколатли органларининг вакиллари фақат консуллик ишлари амалга оширилаётган биноларга консуллик муассасаси раҳбари ёки қабул қилувчи давлатдаги дипломатик ваколатхона раҳбарининг ёхуд уларнинг бирон бири томонидан тайинланган шахснинг рухсатисиз кира олмайди.

3. Қабул қилувчи давлатга консуллик бинолари ҳар қандай бостириб кириш-

дан ёки зарар етказишдан ҳимоя қилиш ҳамда консуллик муассасаси тинчлигини ҳар қандай бузиш ёки унинг кадр-қимматини ерга уришнинг олдини олиш бўйича махсус мажбурият юклатилади.

4. Консуллик муассасаси биноти, унинг асбоб-анжомлари ва консуллик муассасасининг мулк, шунингдек унинг транспорт воситалари мажбурий равишда давлат мудофааси ёки жамоат эҳтиёжлари мақсадларида олиб қўйишнинг ҳар қандай турига қарши иммунитетга эгадир.

5. Ушбу модданинг 1-, 2-, 3- ва 4-бандларининг қоидалари консуллик мансабдор шахслари яшайдиган биноларга нисбатан ҳам қўлланилади.

#### **14-модда**

##### **Консуллик архивлари ва ҳужжатларнинг дахлсизлиги**

Консуллик архивлари ва ҳужжатлари уларнинг жойлашган жойидан қатъи назар, хашиша дахлсиздир.

#### **15-модда**

##### **Консуллик муассасаси биноларининг солиқ ва йиғимлардан озод қилиниши**

1. Юборувчи давлат эгалик қилган ёки ижарага олган, ёки унинг номидан фаолиятни юритадиган ҳар қандай шахс барча давлат, туман ва маҳаллий солиқ ва йиғимлардан озод қилинади, бунда алоҳида турдаги хизматлар учун тўланадиган тўловлар бундан мустасно.

2. Ушбу модданинг 1-бандида кўрсатилган солиқ тўловлари юборувчи давлат ёки унинг номидан фаолият юритадиган шахслар билан шартнома тузган шахсдан қабул қилувчи давлат қонунларига мувофиқ олинадиган солиқ ва йиғимларга нисбатан қўлланилмайди.

#### **16-модда**

##### **Ҳаракат эркинлиги**

Кириш тақиқланган ёки кириш давлат хавфсизлиги нуқтаи назаридан тартибга солинган ҳудудлар тўғрисидаги қонунларга зид бўлмагани учун қабул қилувчи давлат консуллик муассасасининг барча ходимлари ва уларнинг оила аъзоларига унинг ҳудудида ҳаракатланиш эркинлигини таъминлайди.

#### **17-модда**

##### **Алоқа эркинлиги**

1. Қабул қилувчи давлат консуллик муассасасининг барча расмий мақсадлар учун алоқалар эркинлигига руҳсат этади ва ҳимоя қилади. Консуллик муассасаси юборувчи давлат ҳукумати, дипломатик ваколатхоналари ва бошқа консуллик муассасалари билан алоқа қилишда, улар қаерда жойлашган бўлишларидан қатъи назар, барча мос келадиган воситалардан, жумладан: дипломатик ва консуллик курьерларидан, дипломатик ва консуллик вализаларидан, кодланган ёки шифрланган депешалардан фойдаланиши мумкин. Бироқ, консуллик муассасаси фақат қабул қилувчи давлат розилиги билан узатгич ўрнатиши ва ундан фойдаланиши мумкин.

2. Консуллик муассасасининг расмий хат-хабарлари дахлсиздир. Расмий хат-хабарлар тушунчаси остида консулхона консуллик ва унинг вазифаларига тааллуқли барча хат-хабарлар тушунилади.

3. Консуллик вализаси унинг характерини кўрсатувчи кўзга ташланадиган ташқи

белгиларга эга бўлиши ва фақатгина расмий хат-хабарлар ва ҳужжатлар ёки фақат расмий фойдаланиш учун мўлжалланган ашёлардан иборат бўлиши лозим.

4. Консуллик вализаси очилиши ҳам, ушланиши ҳам мумкин эмас. Бироқ, қабул қилувчи давлатнинг ваколатли идораларида консулхона вализаси ичида ушбу модданинг 3-бандида кўрсатилган ҳужжат ва ашёлардан ташқари бошқа бирор нарсанинг борлигига жиддий асослар бўлса, улар вализани уларнинг ҳузурида юборувчи давлат вакили томонидан очилишини талаб қилишлари мумкин. Агар юборувчи давлат вакиллари бу талабни бажаришдан бош тортсалар, вализа жўнатилган жойига қайтарилади.

5. Консуллик куръери, унинг мақомини ва консуллик вализасини ташкил қилувчи пакетлар сонини кўрсатувчи расмий ҳужжат билан таъминланиши лозим. Қабул қилувчи давлат розилиги мавжуд бўлган ҳолатдан ташқари, у на қабул қилувчи давлат фуқароси, на, агар юборувчи давлат фуқароси бўлмаса, қабул қилувчи давлатда доимий яшаётган шахс бўла олмайди. Ўз вазифаларини бажариш жараёнида у қабул қилувчи давлатнинг ҳимоясида бўлади. У шахсий дахлсизликдан фойдаланади ва қандай шаклда бўлишидан қатъи назар, уни ушлаш ҳамда ҳибсга олиш мумкин эмас.

6. Юборувчи давлат, унинг дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси консуллик куръерларини ad hoc тарзида тайинлаши мумкин. Бундай ҳолларда, шунингдек ушбу модданинг 5-банди қодалари қўлланилади, бироқ бундай куръернинг иммунитетлари унга топширилган консуллик вализасини манзилга етказиб топшириши билан тугайди.

7. Консуллик вализаси келишига рухсат берилган манзилга бораётган ҳаво кемаси командирига ёки денгиз кемаси капитанига топширилиши мумкин. Бу командир ёки капитан вализани ташкил этган жойларнинг сони кўрсатилган расмий ҳужжатга эга бўлиши керак, аммо у консуллик куръери бўлиб ҳисобланмайди. Консуллик муассасаси ўз ходимларидан бирини ҳаво кемаси командири ёки денгиз кемаси капитанига консулхона вализасини бевосита ва бемалол топшириш ва улардан консулхона вализасини қабул қилиб олиш учун юбориши мумкин. Консулхона вализасини олиш-бериш тартиби қабул қилувчи давлатнинг ваколатли органлари билан келишилади.

#### **18-модда**

##### **Консуллик мансабдор шахсларининг шахсий дахлсизлиги**

1. Консуллик мансабдор шахслари ва уларнинг оила аъзолари шахсий дахлсизликдан фойдаланадилар. Ушбу Конвенциянинг 32-моддасида кўрсатилган ҳоллардан ташқари, уларни ушлаш ҳамда ҳибсга олиш мумкин эмас.

2. Қабул қилувчи давлат консуллик мансабдор шахслари ва уларнинг оила аъзоларига ҳурмат билан қараши ва уларнинг шахсияти, эркинлиги ва кадр-қиммати килинадиган тажовузларга қарши зарур чораларни кўриши лозим.

#### **19-модда**

##### **Юрисдикциядан иммунитет**

1. Консуллик мансабдор шахслари ва уларнинг оила аъзолари қўйида келтирилган фуқаролик даъволаридан ташқари ҳолатларда қабул қилувчи давлатда жиний, фуқаролик ва маъмурий юрисдикцияга қарши иммунитетга эгадирлар:

а) юборувчи давлат агенти сифатида мажбуриятни тўғридан-тўғри ёки қисман олмасдан консуллик мансабдор шахслари томонидан тузилган шартномалардан келиб чиқадиган ҳолатларда;

б) қабул қилувчи давлатда йўл транспорт воситаси, кема ёки ҳаво кемаси томонидан учинчи томонга зарар етказилган ҳолатларда;

в) қабул қилувчи давлатдаги шахсий кўчмас мулкка нисбатан мол-мулк даъвоси кўрилатган ҳолатларда, агар консуллик мансабдор шахси юборувчи давлат номидан унинг устидан эгалик қилмаётган бўлса;

г) меросга нисбатан консуллик мансабдор шахси васият ижрочиси, мерос мулки устидан васийлик қилувчи, меросхўр ёки рад қилинган меросни олувчи сифатида юборувчи давлат номидан эмас, балки хусусий шахс бўлиб даъво қилса;

д) алимент тўлаш мажбуриятдан келиб чиқадиган даъво ҳолларида.

2. Ушбу модданинг 1-бандида кўрсатилган фуқаролик даъволаридан ташқари ҳолатларда, консуллик хизматчилари хизмат доирасида амалга ошираётган фаолиятларига нисбатан қабул қилувчи давлатда жиноий, фуқаролик ва маъмурий юрисдикцияга қарши иммунитетга эгадирлар.

#### **20-модда**

##### **Ушланиш, ҳибсга олиниш ва судда ишни кўриб чиқиш тўғрисида хабар бериш**

Қабул қилувчи давлат фуқароси бўлган ёки унда доимий яшаётган консуллик муассасаси хизматчиси ва хизмат қилувчи ходими, шунингдек консуллик мансабдор шахси ушланган, дастлабки ҳибсга олинган тақдирда ёки унга нисбатан жиноий иш қўзғатилган ҳолатда, қабул қилувчи давлат ушбу ҳақда консуллик муассасаси раҳбарини зудлик билан хабардор қилади.

Агар қабул қилувчи давлат фуқароси бўлган ёки унда доимий яшаётган консуллик муассасаси раҳбари ўзи бундай чораларга дуч келса, қабул қилувчи давлат ушбу ҳақда дипломатик каналлар орқали юборувчи давлатни хабардор қилади.

#### **21-модда**

##### **Гувоҳлик кўрсатмаларини бериш мажбурияти**

1. Консуллик муассасаси ходимлари қабул қилувчи давлатда суд ёки маъмурий ишлар юргизилаётганда гувоҳлик кўрсатмаларини бериш учун чақирилиши мумкин. Консуллик хизматчиси ёки хизмат кўрсатувчи ходим гувоҳлик кўрсатмаларини беришдан бош тортишлари мумкин эмас, ушбу модданинг 3-бандида кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно. Агар консулхона муассасаси ходими гувоҳлик кўрсатмаларини беришдан бош тортса, унга нисбатан ҳеч қандай мажбурий ёки жазо чоралари кўрилиши мумкин эмас.

2. Консуллик муассасаси ходимининг кўрсатмаси керак бўлган орган, бу шахснинг ўз хизмат мажбуриятларини бажаришига халақит бермасликлари лозим. У ўша шахснинг кўрсатмаларини имконият бўлганида унинг яшаш жойида ёки консуллик муассасаси биносида эшитишлари ёхуд ундан ёзма равишда кўрсатмаларни қабул қилишлари мумкин.

3. Консуллик муассасаси ходимлари ўзларининг вазифаларига оид масалалар бўйича кўрсатма беришга ёки уларнинг вазифаларига оид ҳужжат ва хат-хабарларини кўрсатишга мажбур эмас. Улар юборувчи давлат қонунларини талқин қилувчи кўрсатмаларни ҳам беришлари мажбурий эмас.

#### **22-модда**

##### **Имтиёз ва иммунитетлардан воз кечилиши**

1. Юборувчи давлат ушбу Конвенциянинг 18-, 19- ва 21-моддаларида кўрсатил-

ган, консуллик муассасаси ходимлари ва уларнинг оила аъзолари фойдаланадиган имтиёз ва иммунитетлардан воз кечиши мумкин.

2. Ушбу модданинг 3-бандида кўрсатилган ҳолатдан ташқари, бундай воз кечиш аниқ ифодаланган бўлиши ва бу тўғрида қабул қилувчи давлатга ёзма равишда билдирилиши лозим.

3. Консуллик муассасаси ходими томонидан ушбу Конвенциянинг 19-моддасига мувофиқ юрисдикцияга қарши иммунитетдан фойдаланиши мумкин бўлган ҳолларда фуқаролик ёки маъмурий иш кўзғатса, асосий даъво билан боғлиқ қарши даъво нисбатан юрисдикцияга қарши иммунитет хавола қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

4. Фуқаролик ёки маъмурий ишларга нисбатан юрисдикцияга қарши иммунитетдан воз кечиш суд қарорларининг ижроси бўйича иммунитетдан воз кечишни англамайди. Бунга нисбатан ёзма равишда алоҳида воз кечиш лозим.

### **23-модда**

#### **Чет элликларнинг рўйхатдан ўтиши ва яшаш учун рухсат олишдан озод қилиниши**

1. Консуллик мансабдор шахслари, консуллик хизматчилари ва уларнинг оила аъзолари қабул қилувчи давлатнинг чет элликларнинг рўйхатдан ўтиши ва яшаши учун рухсат олинишига оид қонунларида кўрсатилган барча мажбуриятлардан ҳам озод қилинадилар.

2. Қабул қилувчи давлат консуллик муассасаси ходимлари ва уларнинг оила аъзоларига консуллик муассасасининг ходимлари ва оила аъзоларининг мақомларини тасдиқловчи шахсий гувоҳномалар билан таъминлайди.

3. Ушбу модданинг 1-бандининг қоидалари юборувчи давлатнинг доимий хизматчиси бўлмаган, қабул қилинувчи давлатда даромад олиш мақсадида хусусий фаолият кўрсатаётган консуллик хизматчилари, шунингдек уларнинг оила аъзоларига нисбатан қўлланилмайди.

### **24-модда**

#### **Ишлаш учун рухсат олишдан озод қилиниши**

1. Консуллик муассасаси ходимлари юборувчи давлат учун ишларни бажариш жараёнида қабул қилувчи давлат чет элликларни ишга ёллашга оид қонунлари билан ўрнатилган ишга олиш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай мажбуриятлардан озод қилинадилар.

2. Консуллик мансабдор шахслари ва консуллик хизматчиларининг хусусий уй хизматчилари, агар улар қабул қилувчи давлатда даромад олиш мақсадида ҳеч қандай бошқа фаолият билан шуғулланмасалар, ушбу модданинг 1-бандида кўрсатилган мажбуриятлардан озод қилинадилар.

### **25-модда**

#### **Ижтимоий таъминотга доир истиснолар**

1. Қабул қилувчи давлатда амалда бўлган ижтимоий таъминотга тааллуқли қоидалар консуллик муассасаси ходимларига ва уларнинг оила аъзоларига улар юборувчи давлат учун бажарадиган иш борасида тааллуқли бўлмайди, ушбу модданинг 3-бандида кўзда тутилган ҳоллар бундан истисно.

2. Ушбу модданинг 1-бандида кўрсатилган истиснолар, жумладан фақатгина консулхона муассасаси ходимларининг хизматида бўлган хусусий уй хизматчиларига ҳам тааллуқли бўлади, агар қуйидаги шартлар бажарилса:



а) улар қабул қилувчи давлат фуқаролари бўлмасалар ва унда доимий равишда истиқомат қилмасалар;

б) уларга юборувчи давлатда ёки учинчи давлатда амал қилувчи ижтимоий таъминот тўғрисидаги қоидалар тегишли бўлмаса.

3. Ушбу модданинг 2-бандида кўрсатилган қоидалар тааллуқли бўлмайдиган шахсларни ёлловчи консулхона муассасаси ходимлари қабул қилувчи давлат қонунларига мувофиқ ёлловчиларга юклатиладиган мажбуриятларни бажаришлари лозим.

4. Ушбу модданинг 1- ва 2-бандларида кўзда тутилган истиснолар қабул қилувчи давлатда ижтимоий таъминот тизимида қўнгилли иштирок этишга, бундай иштирок этишга бу давлат рухсат бериши шарти билан тўсқинлик қилмайди.

## **26-модда**

### **Солиқларга доир истиснолар**

1. Консуллик мансабдор шахслари ва консулхона хизматчилари, шунингдек уларнинг оила аъзолари барча шахсий ва мулкӣ, давлат, туман ва муниципал солиқ ва божлардан озод этилади, бундан қуйидагилар мустасно:

а) товар ва хизмат баҳосига одатда киритиладиган билвосита солиқлар;

б) қабул қилувчи давлат ҳудудида жойлашган хусусий кўчмас мулкдан ундириладиган йиғим ва солиқлар, 15-модданинг қоидаларида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно;

в) қабул қилувчи давлат томонидан мерос мулкидан ундириладиган солиқлар ёки мерос олиш билан боғлиқ божлар ёки мулкнинг ўтишига солиқлар, 28-модда «б» бандининг қоидаларида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно;

г) қабул қилувчи давлатда манбага эга бўлган сармоянинг фозини ўз ичига олган хусусий даромадлардан ундириладиган солиқ ва йиғимлар, шунингдек қабул қилувчи давлатда жойлашган савдо ёки молиявий корхоналардаги сарфланган сармоялардан келиб тушган қиримдан ундириладиган солиқлар;

д) аниқ хизмат турлари учун олинадиган йиғимлар;

е) рўйхатга олиш, суд ва реестрлар божлари, ипотека ва герб йиғимлари, 15-модданинг қоидаларида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

2. Хизмат кўрсатувчи ходимлар ўз ишлари учун оладиган иш ҳақидан ундириладиган солиқ, йиғим ва божлардан озод қилинадилар.

3. Қабул қилувчи давлатда иш ҳақи даромад солиғидан озод қилинмаган шахсларни ёллаган консуллик муассасаси ходимлари бу давлатнинг даромад солиғи солинишини белгилаган қонунлардаги ёлловчиларга юклайдиган мажбуриятларни бажарадилар.

## **27-модда**

### **Божхона божлари ва кўригидан озод қилиш**

1. Қабул қилувчи давлат ўз қонунларига мувофиқ қуйидагиларни олиб киришга рухсат беради ҳамда сақлаш, ташиш ва шунга ўхшаш хизматлар учун йиғимлардан ташқари барча божхона божлари, солиқлари ва бу билан боғлиқ йиғимлардан озод қилади:

а) консуллик муассасасининг расмий фойдаланиши учун мўлжалланган буюмлар;

б) консуллик мансабдор шахси ёки у билан бирга истиқомат қилувчи оила аъзоларининг шахсий фойдаланиши жумладан уйларни жиҳозлаш учун мўлжалланган буюмларни. Истеъмол товарларининг миқдори тегишли шахсларнинг бевосита фойдаланиши учун зарур миқдордан ошмаслиги керак.

2. Консуллик хизматчилари дастлабки жойлашишлари вақтида олиб кирилган буюмларга нисбатан ушбу модданинг 1-бандида кўрсатилган имтиёз ва озод қилишлардан фойдаланадилар.

3. Консуллик мансабдор шахслари ва улар билан бирга яшовчи уларнинг оила аъзоларининг бу шахслар билан бирга келтириладиган шахсий юклари кўриқдан озод этилади. Ушбу модданинг 1-банди «б» кичик бандида кўрсатилган буюмлардан бошқа ёки олиб келиш ва олиб чиқиш қабул қилувчи давлат қонунларида ёхуд унинг карантин қоидаларида тақиқланган нарсалар бор деб ҳисоблашга жиддий асослар мавжуд бўлганида у текширилиши мумкин. Бундай текшириш фақатгина тегишли консуллик мансабдор шахси ёки унинг оила аъзолари иштирокида ўтказилиши лозим.

### **28-модда**

#### **Консуллик муассасаси ходимлари ёки уларнинг оила аъзоларининг мерос мулки**

Консуллик муассасаси ходими ёки унинг оила аъзоси вафот этган ҳолда, қабул қилувчи давлат:

а) вафот этган шахснинг қабул қилувчи давлатда сотиб олган ва у вафот этган вақтда олиб кетилиши ман қилинган мулкдан ташқари кўчар мулкини олиб кетишга рухсат беради;

б) вафот этган шахс қабул қилувчи давлатда консуллик муассасаси ходими ёки унинг оила аъзоси бўлганлиги сабабли, бу давлатда жойлашган меросидан ундириладиган давлат ёки муниципал солиқларини ва кўчар мулкка меросхўрлик қилиш учун олинадиган божларни ундирмайди.

### **29-модда**

#### **Шахсий мажбурийликдан озод этиш**

Қабул қилувчи давлат консуллик муассасаси ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини, ҳар қандай шахсий мажбурийликдан ва ижтимоий мажбуриятлардан, уларнинг қандай мазмунга эга бўлишидан қатъи назар, реквизиция, контрибуция ва ҳарбий қўноқ каби ҳарбий мажбурийликдан озод этиши лозим.

### **30-модда**

#### **Консуллик имтиёзлари ва иммунитетларнинг бошланиши ва тугатилиши**

1. Консуллик муассасасининг ҳар бир ходими ушбу Конвенцияда кўрсатилган имтиёз ва иммунитетлардан қабул қилувчи давлат ҳудудига кириб ўз иш жойига кетаётган вақтдан бошлаб, ёки у шу давлат ҳудудида бўлса, ўз вазифасини бажаришга киришган пайтдан бошлаб фойдаланади.

2. Консуллик муассасаси ходимининг оила аъзолари ва унинг шахсий уй хизматчилари ушбу Конвенцияда кўрсатилган имтиёз ва иммунитетлардан ушбу модданинг 1-бандига мувофиқ консуллик муассасаси ходимига имтиёз ва иммунитетлар берилган муддатдан бошлаб ёки уларнинг қабул қилувчи давлат ҳудудига кириб келиш вақтидан бошлаб улар унинг оила аъзолари ёки хусусий уй хизматчилари ҳисоблана бошлаган пайтдан, бундан нима аввалроқ бўлганлигига қараб, фойдаланадилар.

3. Консуллик муассасаси ходимининг вазифаси тугаганда, унинг имтиёз ва иммунитетлари, ҳамда унинг оила аъзолари ёки шахсий уй хизматчиларининг им-

тиёз ва иммунитетлари ҳам одатда мазкур шахснинг қабул қилувчи давлатни тарк этиши биланоқ тўхтайти ёки бунинг учун ажратилган оқилона муддат тугагунга қадар қайси фурсат аввалроқ келишига қараб, ҳатто қуролли тўқнашув ҳолатида ҳам уларнинг имтиёз ва иммунитетлари сақланиб қолинади. Ушбу модданинг 2-бандида кўрсатилган шахсларнинг имтиёз ва иммунитетлари улар консуллик муассасаси ходимининг оила аъзоси бўлишдан тўхтаганларида ёки шахсий хизматлари бўшашлари билан тўхтатилади, аммо бундай шахслар қабул қилувчи давлатни оқилона муддат ичида тарк этишни кўзлаган бўлсалар, уларнинг имтиёз ва иммунитетлари жўнаб кетгунларига қадар сақланиб қолади.

4. Бироқ консуллик мансабдор шахси ёки консуллик хизматчиси томонидан ўзининг вазифаларини бажариши жараёнида амалга ошираётган ҳаракатларига нисбатан юрисдикциядан иммунитет маълум бир муддат билан чекланмаган ҳолда амал қилади.

5. Консуллик муассасаси ходими вафот этган ҳолда, унинг оила аъзолари берилган имтиёз ва иммунитетлардан қабул қилувчи давлатдан чиқиб кетгунга қадар ёки қабул қилувчи давлатдан чиқиб кетиш учун оқилона муддат ўтгунга қадар, бундан нима аввалроқ бўлганлигига қараб, фойдаланишда давом этадилар.

### **31-модда**

#### **Қабул қилувчи давлат қонунларини ҳурмат қилиш**

1. Имтиёз ва иммунитетлардан фойдаланувчи ҳар бир шахс ўзининг имтиёз ва иммунитетларига зиён етказмасдан қабул қилувчи давлат қонунларини ҳурмат қилиши шарт. Шунингдек, у бу давлатнинг ички ишларига аралашмаслиги лозим.

2. Консуллик биноларидан консуллик вазифаларини бажаришга тўғри келмайдиган мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

3. Ушбу модданинг 2-бандидаги қоидалар бинонинг консулхона жойлашган қисмида консуллик муассасаси фойдаланаётган хоналардан бўлак равишда ажратилган девонхона ва бошқа идора ёки ташкилотни жойлаштириш эҳтимолини инкор қилмайди. Бу ҳолда бундай девонхоналар ушбу Конвенцияга мувофиқ консуллик муассасасининг қисми бўлиб ҳисобланмайди.

4. Консуллик муассасаси ходимлари йўл транспорт воситалари, кема ва ҳаво кемасидан фойдаланиш туфайли учинчи шахсга етказилиши мумкин бўлган зарардан суғурта қилиш борасидаги қабул қилувчи давлатнинг қонунларидан келиб чиқадиган барча талабларга риоя қилишлари шарт.

5. Консуллик мансабдор шахслари шахсий даромад олиш мақсадида қабул қилувчи давлатда тижорат ва касбий фаолият билан шуғулланмаслиги лозим.

6. Ушбу Конвенцияда кўрсатилган имтиёз ва иммунитетлар:

а) қабул қилувчи давлатда даромад олиш мақсадида хусусий фаолият билан шуғулланувчи консуллик хизматчиси ёки хизмат қилувчи ходимга нисбатан;

б) ушбу банднинг «а» кичик бандида кўрсатилган шахснинг оила аъзолари ёки шахсий уй хизматчиларига нисбатан;

в) консуллик муассасаси ходимининг даромад олиш мақсадида қабул қилувчи давлатда хусусий фаолият билан шуғулланувчи оила аъзоларига нисбатан берилмайди.

### **32-модда**

#### **Қабул қилувчи давлат фуқаролари ва унда доимий яшовчи шахслар**

1. Агар қабул қилувчи давлат фуқароси ёки унда доимий яшовчи бўлган консуллик мансабдор шахсга қабул қилувчи давлат қўшимча афзаллик, имтиёз ва им-

мунитетларни тақдим этмаса, улар 21-модданинг 3-бандида назарда тутилган ўзининг фаолиятини амалга ошириш чоғида расмий ҳаракатларга ва имтиёзларга нисбатан юрисдикциядан иммунитет ва шахсий дахлсизлигидан фойдаланади.

Агар ушбу консуллик мансабдор шахсга нисбатан жиноий иш, суд иши қўзғатилган бўлса, консуллик вазифаларини амалга оширишда имкон даражасида таъсир этмаслиги лозим, ҳибсга олиш ёки ушлаш ҳоллари бундан мустасно.

2. Агар қабул қилувчи давлат фуқаролари ёки унда доимий яшовчи бўлган консуллик муассасасининг бошқа ходимлари, уларнинг оила аъзолари ва ушбу модданинг 1-бандида назарда тутилган консуллик мансабдор шахсининг оила аъзолари фақат қабул қилувчи давлат томонидан тақдим этилган даражасидаги афзаллик имтиёз ва иммунитетлардан фойдаланадилар. Қабул қилувчи давлат фуқаролари ёки унда доимий яшовчи бўлган консуллик муассасаси ходимларининг оила аъзолари ҳам қабул қилувчи давлат томонидан тақдим этилган даражасидаги афзаллик имтиёз ва иммунитетлардан фойдаланадилар.

Лекин қабул қилувчи давлат ушбу шахсларга нисбатан ўз юрисдикциясини амалга оширишда консуллик муассасаси вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилмаслиги лозим.

### **33-модда**

#### **Консуллик вазифаларини бажариш**

Консуллик вазифалари консуллик муассасаси томонидан амалга оширилади. Ушбу Конвенциянинг қоидаларига мувофиқ консуллик вазифалари дипломатик ваколатхоналар томонидан ҳам бажарилади.

### **34-модда**

#### **Дипломатик ваколатхоналар томонидан консуллик вазифаларининг бажарилиши**

1. Ушбу Конвенция қоидалари дипломатик ваколатхоналар томонидан консуллик вазифалари бажарилган ҳолларда, вазиятдан келиб чиқиб татбиқ қилинади.

2. Консуллик вазифаларини бажариш топширилган дипломатик ваколатхона ходимларининг исми ва фамилиялари қабул қилувчи давлат Ташқи ишлар вазирлигига ёки ушбу вазирлик томонидан кўрсатилган органга хабар қилинади.

3. Консуллик вазифаларини бажариш доирасида дипломатик ваколатхона, қабул қилувчи давлатнинг ҳам маҳаллий, ҳам марказий маъмуриятларига қабул қилувчи давлат қонунлари ва аънаналари рухсат берган даражада мурожаат қилиши мумкин.

4. Ушбу модданинг 2-бандида назарда тутилган дипломатик ваколатхона ходимларининг имтиёз ва иммунитетлари дипломатик алоқаларга тегишли халқаро ҳуқуқ нормалари билан белгиланади.

### **35-модда**

#### **Консуллик вазифаларининг консуллик округида ва ташқарисида, учинчи давлатда ёки учинчи давлат номидан бажарилиши**

1. Консуллик мансабдор шахси ўз консуллик округида ушбу Конвенцияда кўрсатилган консуллик вазифаларини бажариш ҳуқуқига эга. Консуллик мансабдор шахси юборувчи давлат томонидан топширилган, қабул қилувчи давлат қонунларига зид бўлмаган ёки қабул қилувчи давлатнинг ҳеч қандай эътирози бўлмаган ёки ушбу

ҳаракатлар юборувчи давлат ва қабул қилувчи давлат ўртасида ҳаракатдаги халқаро шартномаларда назарда тутилган бошқа функцияларни ҳам бажариши мумкин.

2. Консуллик мансабдор шахси қабул қилувчи давлат розилигига биноан консуллик вазифаларини ўзининг консуллик округидан ташқарида ҳам бажариши мумкин.

3. Агар қабул қилувчи давлатнинг қатъий қаршилиги бўлмаса, юборувчи давлат манфаатдор давлатларни хабардор қилганидан сўнг қабул қилувчи давлатда очилган консуллик муассасасига учинчи давлатда консуллик функцияларини бажаришни топшириши мумкин.

4. Агар қабул қилувчи давлатнинг эътирози бўлмаса, юборувчи давлат консуллик муассасаси қабул қилувчи давлатни хабардор қилганидан сўнг ушбу давлатда учинчи давлат номидан консуллик вазифаларини бажариши мумкин.

### **36-модда**

#### **Юборувчи давлат, унинг фуқаролари ва юридик шахсларининг манфаатларини ҳимоя қилиш**

Консуллик мансабдор шахси қабул қилувчи давлатда халқаро нормалар доирасида юборувчи давлат, унинг фуқаролари ва юридик шахслари манфаатларини ҳимоя қилади.

### **37-модда**

#### **Юборувчи давлат ва қабул қилувчи давлат ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашиш**

Консуллик мансабдор шахс юборувчи давлат ва қабул қилувчи давлат ўртасидаги савдо, иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий, туристик, экологик, илмий-техникавий, ахборот, маданий, инсонпарварлик, спорт ва бошқа алоқаларини ривожлантиришга ҳамда улар ўртасидаги дўстона муносабатларни бошқа йўллар билан ривожлантиришга кўмаклашади.

### **38-модда**

#### **Ахборот соҳасидаги вазифалари**

Консуллик мансабдор шахс қабул қилувчи давлатдаги савдо, иқтисодий, маданий ва фан соҳасидаги ривожланиш ва унинг шароитларини барча қонуний йўллар билан аниқлаши, булар тўғрисида юборувчи давлат ҳукуматини хабардор қилиши ҳамда манфаатдор шахсларга маълумот тақдим этиши мумкин.

### **39-модда**

#### **Паспортлар ва визалар билан боғлиқ вазифалари**

Консуллик мансабдор шахси юборувчи давлат фуқароларига паспортини ёки бошқа чет эл сафар ҳужжатларини бериши, бекор қилиши, унга ўзгартириш киритиши, амал қилиши муддатини узайтириши, олиб қўйиш ёки ушлаб туриши, шунингдек юборувчи давлат ҳудудига бориш учун визаларни бериши, амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиши ҳамда юборувчи давлат конунларига мувофиқ уларга керакли ўзгартиришлар киритиши мумкин.

**40-модда**

**Юборувчи давлат фуқаролари билан алоқалар ва ушбу фуқароларга ёрдам кўрсатиш ва кўмаклашиш**

Консуллик мансабдор шахси:

а) ўзининг консуллик округида юборувчи давлат фуқаролари билан эркин муносабатда бўлиш, уларга маслаҳатлар бериш ва ҳар қандай ёрдам кўрсатиш ва кўмаклашиш, шу билан бирга уларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ёки ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш учун чоралар кўриши.

Қабул қилувчи давлат юборувчи давлат фуқароларининг консуллик мансабдор шахс билан алоқаларини ҳеч қандай йўл билан чегараламайди ва уларнинг консуллик муассасасига киришларига тўсқинлик қилмайди;

б) қабул қилувчи давлатда амалда бўлган амалиёт ва тартибни инобатга олган ҳолда, юборувчи давлат фуқаролари ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ўз вақтида ҳимоя қила олмаганлиги ва бошқа сабабларга кўра қабул қилувчи давлат қонунларига биноан ушбу фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини чегаралашда олдиндан кўриладиган чора-тадбирлар тўғрисидаги кўрсатмаларни олиш мақсадида юборувчи давлат фуқароларининг суд ёки бошқа органлар олдидаги вакиллигини таъминлаш чора-тадбирларини кўриши.

Шахс олдидаги вакиллик ушбу шахс ўзининг вакилини тайинлаганидан ёки ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни ўз қўлига олганидан сўнг тугатилади;

в) юборувчи давлат фуқароларининг яшаш шароитини ёки уларга инсонпарварлик ёрдамини кўрсатиш мақсадида уларнинг яшаш жойларини аниқлашда ҳамда бедарак йўқолган шахсларни қидириб топишда ваколатли органларга мурожаат қилиши мумкин.

**41-модда**

**Юборувчи давлат фуқароларини ҳибсга олиш ва уларни ушлаш борасидаги вазифалар**

1. Агар юборувчи давлатнинг бирон-бир фуқароси консуллик округи ҳудудида ҳибсга олинган бўлса, у ҳолда қабул қилувчи давлат ваколатли органлари бу ҳақда кечиктирмасдан юборувчи давлат консуллик муассасасини хабардор қилади.

2. Юборувчи давлатнинг ҳибсга олинган фуқаросини ушбу консуллик муассасаси номига йўллаётган ҳар қандай мурожаати қабул қилувчи давлат ваколатли органлари томонидан кечиктирилмасдан етказилади.

3. Консуллик мансабдор шахси юборувчи давлатнинг ҳибсдаги фуқароси билан суҳбат ўтказиш, унга хабарларни ва бошқа почта жўнатмаларини топшириш ёки уларни олиш ҳамда унинг юридик вакиллигини таъминлаш чораларини амалга ошириш ҳуқуқига эга. Қабул қилувчи давлат ушбу учрашувларнинг биринчисига рухсатни имкон қадар қисқа муддат ичида беради.

Кейинги учрашувларга рухсат қабул қилувчи давлат қонунчилиги доирасида берилади.

4. Консуллик мансабдор шахслари юборувчи давлатнинг фуқароси номидан ҳар қандай чоралар кўришдан, агар мазкур фуқаро консуллик консулхона мансабдор шахсининг иштирокида очиқдан-очиқ бундай ҳаракатларга эътироз билдирса, бета-раф қолади.

5. Қабул қилувчи давлат юборувчи давлатнинг ҳибсдаги ёки судга ҳавола қилинган ёки бошқа иш кўришга тааллуқли бўлган фуқароларини ушбу модданинг қоидалари тўғрисида хабардор қилади.

6. Ушбу моддада ҳибсдаги шахс ўз ичига қабул қилувчи давлат ҳудудида қўриқда сақланаётган, ҳибсга олинган ёки озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган, шахс эркинлигини чегараловчи, шу каби бошқа ҳолатларни назарда тутди.

7. Ушбу моддада баён қилинган ҳуқуқлар, назарда тутилган мўлжалланган мақсадларга тўлиқ эришиш имконини берган тақдирда, қабул қилувчи давлат қонунларига мувофиқ амалга оширилади.

#### **42-модда**

##### **Нотариус вазифаларини бажариш**

Агар ушбу ҳаракатлар қабул қилувчи давлат қонунларига зид бўлмаса, консуллик мансабдор шахси юборувчи давлат қонунларига таянган ҳолда нотариус вазифаларини бажаради.

#### **43-модда**

##### **Меросга дахлдор вазифалар**

1. Қабул қилувчи давлат ваколатли органлари мавжуд мерос мулки, агар вафот этган шахс юборувчи давлат фуқароси бўлса, ҳамда вафот этган шахс фуқаролигидан қатъи назар, қолдирилган мулк меросхўри юборувчи давлат фуқароси бўлса, мерос мулки, меросхўрлар ва васиятнома тўғрисидаги тўлиқ маълумот консуллик мансабдор шахсига зудлик билан хабар қилинади.

2. Консуллик мансабдор шахсининг қабул қилувчи давлат ҳудудида меросга дахлдор вазифалари қабул қилувчи давлат қонунлари ва халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ белгиланади.

#### **44-модда**

##### **Фуқаролик ҳолати масалаларига дахлдор вазифалар**

1. Консуллик мансабдор шахси:

а) юборувчи давлат фуқароларининг туғилиш ва ўлимини қайд этиш;

б) шахсларнинг никоҳларини қайд этиш, агар никоҳ аҳдини расмийлаштираётган ҳар иккаласи юборувчи давлат фуқароси бўлса ва бу унинг қонунларига зид бўлмаса;

в) туғилиш, ўлим ва никоҳ тузиш борасидаги ҳамда юборувчи давлат фуқароларининг оилавий аҳволини ўзгартириш билан боғлиқ бўлган маълумот ва ҳужжатларни олиш ҳуқуқига эга.

2. Агар қабул қилувчи давлат қонунлари талаб қилса, консуллик мансабдор шахси у томонидан амалга оширилган, ушбу модданинг 1-банди «а», «б» ва «в» кичик бандларида кўрсатилган ҳаракатлар тўғрисида қабул қилувчи давлат ваколатли органларига хабар қилади.

3. Ушбу модданинг 1-банди «а» ва «б» кичик бандларида кўрсатилган ҳолатлар манфаатдор шахсларнинг қабул қилувчи давлат қонунларига риоя қилиш мажбуриятидан озод қилмайди.

#### **45-модда**

##### **Васийлик ва ҳомийлик**

1. Қабул қилувчи давлатнинг ваколатли органлари тасарруфида тегишли аҳборот бор бўлган тақдирда улар ваколатли консулхона муассасасини кечиктирмасдан васий ёки ҳомийни тайинлаганда юборувчи давлат фуқароси бўлган вояга етмаган ёки лаёқати чекланган шахс манфаатларига жавоб берувчи ҳар қандай ҳол ҳақида хабар қилишлари лозим.

2. Консуллик мансабдор шахси қабул қилувчи давлат ваколатли органларига васийлик ёки ҳомийлик тайинлаш учун мос келувчи шахс таклифини киритиш ҳуқуқига эга.

#### **46-модда**

#### **Суд топшириқларини бажариш, судга тааллуқли ва бошқа ҳужжатларни узатиш**

Консуллик мансабдор шахси консуллик округи ҳудудида бўлган юборувчи давлат фуқароларига нисбатан суд чақирув қоғозлари ва судга тааллуқли бошқа ҳужжатларни етказиш билан боғлиқ суд топшириқларини бажаради.

Топшириқлар қабул қилувчи давлат қонунлари ва халқаро ҳуқуқ нормаларига зид бўлмаган усул билан амалга оширилади.

#### **47-модда**

#### **Юборувчи давлат ҳаво кемаларига ёрдам кўрсатиш**

1. Консуллик мансабдор шахси консуллик округи доирасида қабул қилувчи давлатнинг аэропортларида бўлган юборувчи давлат ҳаво кемаларига тегишли ёрдам ва кўмак кўрсатиш ҳуқуқига эга.

2. Консуллик мансабдор шахси қабул қилувчи давлат қонунларига риоя қилган ҳолда ҳаво кемаси бортига чиқиши, унинг командири ва экипаж аъзолари билан алоқа ўрнатиш ҳуқуқига эга.

3. Консуллик мансабдор шахси қабул қилувчи давлатнинг ваколатли органларига юборувчи давлат ҳаво кемаси ҳамда унинг командири, экипаж аъзолари ва йўловчилар билан боғлиқ барча масалалар юзасидан ўз вазифаларини бажаришда муурожаат қилиши ва улардан кўмак сўраши мумкин.

#### **48-модда**

#### **Командир ва экипаж аъзоларига ёрдам кўрсатиш**

1. Консуллик мансабдор шахси консуллик округи доирасида қабул қилувчи давлат қонунларига зид бўлмаган даражадаги қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга:

а) юборувчи давлат ҳаво кемаси бортида содир бўлган ҳар қандай тўқнашувларни ҳар томонлама текшириб кўриш, ушбу тўқнашувлар муносабати билан командир ва экипажнинг ҳар қандай аъзосини сўроқ қилиш, парвоз ҳужжатларини текшириш, илтимосларни қабул қилиш, ҳаво кемасининг реислари ва унинг етиб бориш пунктлари тўғрисидаги маълумотларни олиш, ҳамда унинг парвози, қўниши ва тўхтаб туришини ташкиллаштириш билан боғлиқ бўлган ёрдамлар бериш;

б) командир ва экипаж аъзолари ўртасидаги баҳсларни ҳал қилиш;

в) юборувчи давлат фуқаролари бўлган командир, экипаж аъзолари ва йўловчиларга имкон қадар тиббий хизмат кўрсатишни таъминлаш ва уларни юборувчи давлатга қайтиш чораларини таъминлаш;

г) юборувчи давлат ҳаво кемаси, унинг экипаж аъзолари, йўловчилари ёки унинг юки хусусидаги юборувчи давлат қонунларига мувофиқ турли хил аризаларни ёки бошқа ҳужжатларни қабул қилиш, тузиш, тасдиқлаш ёки уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш;

д) юборувчи давлат парвоз билан боғлиқ қонунларига риоя қилишни таъминлаш мақсадида бошқа чораларни кўриш.

2. Консуллик мансабдор шахс қабул қилувчи давлат қонунларига риоя қилган



ҳолда, командир ёки экипажнинг ҳар қандай аъзоларига ёрдам кўрсатиш мақсадида қабул қилувчи давлат судлари ёки бошқа ваколатли органларида ҳамроҳлик қилиш ҳуқуқига эга.

#### 49-модда

##### **Юборувчи давлат ҳаво кемасида тергов олиб бориш ёки мажбурий чоралар кўриш ҳолларида манфаатларни ҳимоя қилиш**

1. Агар қабул қилувчи давлат судлари ёки бошқа ваколатли органлари юборувчи давлат ҳаво кемасида мажбурий чоралар кўриш ёки тергов олиб бориш истаги мавжуд бўлса, у ҳолда, қабул қилувчи давлат ваколатли органлари бу ҳақда консуллик мансабдор шахсни кўрилайётган ушбу чораларда иштирок этиш имконини бериш мақсадида олдиндан хабардор қилади. Агар консуллик мансабдор шахси ушбу чораларни кўришда иштирок этмаса, қабул қилувчи давлат ваколатли органлари унинг илтимосига биноан бу ҳақда уни ёзма равишда хабардор қилдилар. Агар зудлик билан чора кўрилиши лозим бўлган ҳолат консуллик мансабдор шахсига бу тўғрисида олдиндан хабар қилиш имконини бермаса, у ҳолда қабул қилувчи давлат ваколатли органлари консуллик мансабдор шахсига унинг илтимоси бўлмаган тақдирда ҳам қисқа фурсатда ушбу факт ва кўрилган чоралар тўғрисидаги тўлиқ маълумотни ёзма равишда хабар қилади.

2. Ушбу модданинг 1-банди қоидалари, шунингдек қабул қилувчи давлатнинг ваколатли органлари юборувчи давлат ҳаво кемаси командири ёки экипажнинг бирон бир аъзосини ҳаво кемасига тааллуқли масалалари юзасидан соҳилга чақирган ҳолда ҳам амал қилдилар.

3. Консуллик мансабдор шахси ёки ҳаво кемаси командири илтимоси билан ёки рухсати бўлган ҳоллардан ташқари, қабул қилувчи давлат судлари ёки бошқа ваколатли органлари ҳаво кемасининг экипаж аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатлари, меҳнат муносабатлари, ҳаво кемаси бортидаги интизом ва ички мазмундаги бошқа тартибларга тааллуқли бўлган масалаларга ҳаво кемаси бортидаги ички ишларига аралашмайди. Ушбу ҳаракатларни амалга оширишда қабул қилувчи давлатнинг тинчлиги ва хавфсизлиги тўғрисидаги қонунлар бузилмаслиги лозим.

4. Аммо ушбу модданинг қоидалари божхона кўриги, чегара ва санитар назорати билан боғлиқ оддий чораларга ёки қабул қилувчи давлатнинг ваколатли органларининг ҳаво кемасининг командири илтимоси ё розилиги билан кўриладиган бошқа чораларига нисбатан қўлланмайди.

Ушбу модда Аҳдлашувчи Томонларнинг улар ўртасида амалдаги кўп томонлама ва икки томонлама шартномалардан келиб чиқувчи ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахл қилмайди.

#### 50-модда

##### **Юборувчи давлат ҳаво кемаси зарар олган ҳолларда ёрдам кўрсатиш**

1. Агар қабул қилувчи давлат ҳудудида юборувчи давлат ҳаво кемаси ҳалокатга учраганида ёки бошқа фалокат юз берганида ёки қабул қилувчи давлат ҳудудида топилган учинчи давлат ҳаво кемаси юкининг таркибий қисми талафот кўрган ва бу юк эгаси юборувчи давлат фуқароси бўлса ёки қабул қилувчи давлат ҳукумати-га берилган бўлса, қабул қилувчи давлат ваколатли органлари консуллик мансабдор шахсига ушбу ҳақида маълум қилдилар ва ҳаво кемаси йўловчиларини, экипажини ва унинг юкини қутқариш борасида қилинган чоралар тўғрисида қисқа вақт ичида хабар берадилар.

2. Консуллик мансабдор шахс фалокатга учраган юбуровчи давлат ҳаво кемасига, унинг экипаж аъзоларига ва юбуровчи давлат фуқаролари бўлган йўловчиларга ҳар қандай ёрдам кўрсатиши мумкин. Ушбу мақсадларда у қабул қилувчи давлат ваколатли органларига ёрдам сўраб мурожаат қилиши мумкин.

3. Агар юбуровчи давлатга тегишли бўлган ҳаво кемаси ёки бошқа нарса ҳалокатга учраб қабул қилувчи давлат ҳудудида топилган бўлса ва унинг командири ҳам, эгаси ҳам ва агенти ҳам мулкни қўриқлаш ёки уни тасарруф қилиш учун зарур чора кўриш ҳолатида бўлмаса, юбуровчи давлат консуллик мансабдор шахси унинг эгаси кўриши мумкин бўлган чораларни эгаси номидан бажаришга ваколатли ҳисобланади.

### **51-модда**

#### **Ўлим тўғрисида хабардор қилиш**

Ваколатли органлар юбуровчи давлат фуқаросининг ўлими юзага келган ҳолатда ўлим содир бўлган округ консуллик муассасасини бу ҳақда зудлик билан хабардор қилади.

### **52-модда**

#### **Юбуровчи давлат кемаларига нисбатан вазифалар**

Ушбу Конвенциянинг 47—50-моддалари Ахдлашувчи Томонлар ўртасидаги савдо учун кемада сузиш ҳақидаги ҳар қандай халқаро битимларга зид бўлмаган даражада юбуровчи давлат кемаларига нисбатан ҳам қўлланилади.

### **53-модда**

#### **Қабул қилувчи давлат органлари билан муносабат**

Консуллик мансабдор шахси ўз вазифаларини бажариши жараёнида қуйидагиларга мурожаат қилиши мумкин:

- а) консуллик округида жойлашган қабул қилувчи ваколатли маҳаллий органларига;
- б) қабул қилувчи давлат қонунлари ва одатлари ёки тегишли халқаро шартномалар рухсат берган даражада қабул қилувчи марказий органларига.

### **54-модда**

#### **Консуллик йиғимлари**

1. Консуллик муассасаси қабул қилувчи давлат ҳудудида юбуровчи давлат қонунларида назарда тутилган консуллик йиғимларини ундириши мумкин.

2. Ушбу модданинг 1-бандида назарда тутилган тўпланган пуллар ва ушбу йиғимлар олингани тўғрисидаги квитанциялар қабул қилувчи давлатда барча солиқ ва йиғимлардан озод қилинади.

3. Қабул қилувчи давлат консуллик муассасасига шу йўсинда тўпланган пулларни унинг расмий банк ҳисоб рақамига ўтказишга рухсат беради.

### **55-модда**

#### **Консуллик муассасаси ходимлари вазифаларининг тўхтатилиши**

2. Любое сообщение, адресуемое этому консульскому учреждению подданным представляемого государства, находящимся под арестом, безотлагательно передается компетентными органами государства пребывания.

3. Консульское должностное лицо имеет право посещать находящегося под арестом подданного представляемого государства для беседы с ним, передачи ему или получения от него корреспонденции и других почтовых отправлений, а также для принятия мер к обеспечению для него юридического представительства. Государство пребывания дает разрешение на первое из этих посещений в возможно кратчайшие сроки.

Разрешения для дальнейших посещений даются в рамках законодательства государства пребывания.

4. Консульские должностные лица воздерживаются от принятия любых действий от имени находящегося под арестом подданного представляемого государства, если данный подданный в присутствии консульского должностного лица прямо возражает против таких действий.

5. Государство пребывания информирует подданных представляемого государства, находящихся под стражей или подлежащих суду или иному разбирательству, о положениях настоящей статьи.

6. В настоящей статье ссылка на лицо, находящееся под арестом, включает ссылку на лицо, находящееся под стражей, арестованное или подвергнутое какой-либо иной форме ограничения свободы личности, включая лицо, отбывающее наказание в местах лишения свободы на территории государства пребывания.

7. Права, изложенные в настоящей статье, осуществляются в соответствии с законодательством государства пребывания при условии, что оно позволяет полностью достичь целей, для которых предназначены эти права.

**Статья 42**  
**Выполнение функций нотариуса**

Консульское должностное лицо выполняет функции нотариуса, руководствуясь соответствующими действующими законами представляемого государства, если это не противоречит законодательству государства пребывания.

**Статья 43**  
**Функции в отношении наследства**

1. Компетентные органы государства пребывания уведомляют немедленно консульское должностное лицо о наличии наследственного имущества, если умерший является подданным представляемого государства, а также о наличии наследственного имущества, независимо от гражданства умершего лица, если подданный пред-

ставляемого государства является наследником, предоставляя всю наличную информацию о наследственном имуществе, наследниках, а также о наличии завещания.

2. Функции консульского должностного лица в отношении наследственного имущества на территории государства пребывания регламентируются законами государства пребывания и нормами международного права.

#### **Статья 44**

##### **Функции по вопросам гражданского состояния**

1. Консульское должностное лицо имеет право:

а) регистрировать рождение и смерть подданных представляемого государства;  
б) регистрировать браки, при условии, что оба лица, вступающие в брак, являются подданными представляемого государства и если это не противоречит его законодательству;

в) получать сведения и документы о рождении, смерти и заключении брака, в том числе и документы об изменении семейного состояния подданных представляемого государства и регистрировать их.

2. Консульское должностное лицо уведомляет компетентные органы государства пребывания о выполненных им функциях, указанных в подпунктах «а», «б» и «в» пункта 1 настоящей статьи, если это требуется законодательством государства пребывания.

3. Положения подпунктов «а» и «б» пункта 1 настоящей статьи не освобождают заинтересованных лиц от обязанности соблюдать законодательство государства пребывания.

#### **Статья 45**

##### **Опека и попечительство**

1. В случае наличия у компетентных органов государства пребывания соответствующей информации они обязаны безотлагательно уведомлять консульское должностное лицо о любом случае, когда назначение опекуна или попечителя отвечает интересам несовершеннолетнего или другого лица с ограниченной дееспособностью и являющегося подданным представляемого государства.

2. Консульское должностное лицо имеет право предложить компетентным органам государства пребывания подходящих лиц для назначения их опекунами или попечителями.

#### **Статья 46**

##### **Выполнение судебных поручений, передача судебных и иных документов**

Консульское должностное лицо исполняет в отношении подданных представляемого государства, находящихся на территории его округа, судебные поручения в связи с вручением судебных повесток и других судебных документов.

Поручения выполняются способом, не противоречащим законодательству государства пребывания и нормам международного права.

#### **Статья 47**

##### **Оказание помощи воздушным судам представляемого государства**

1. Консульское должностное лицо имеет право в пределах консульского округа оказывать надлежащую помощь и содействие воздушным судам представляемого государства, находящимся в аэропортах государства пребывания.

2. Консульское должностное лицо имеет право вступать на борт воздушного судна, установить и поддерживать связь с его командиром и членами экипажа, в соответствии с законодательством государства пребывания.

3. Консульское должностное лицо может обращаться к компетентным органам государства пребывания и просить их поддержки в осуществлении его функций в отношении всех вопросов, касающихся воздушного судна представляемого государства, а также в отношении командира, членов экипажа и пассажиров.

#### **Статья 48**

##### **Оказание помощи командиру и членам экипажа**

1. В той мере, в какой нижеследующие действия не противоречат законодательству государства пребывания, консульское должностное лицо в пределах консульского округа имеет право:

а) расследовать любые инциденты, имевшие место на борту воздушного судна представляемого государства, опрашивать командира и любого члена экипажа в связи с такими инцидентами, проверять полетные документы, принимать просьбы, получать информацию относительно рейса и пункта назначения воздушного судна, а также оказывать помощь в связи с организацией его взлета, посадки и стоянки;

б) разрешать споры между командиром и членами экипажа;

в) по возможности обеспечивать медицинское обслуживание командира, членов экипажа или пассажиров, являющихся подданными представляемого государства, и принимать меры к их возвращению в представляемое государство;

г) получать, составлять, заверять или продлевать срок действия любого заявления или иного документа, предусматриваемого законодательством представляемого государства, в отношении воздушного судна представляемого государства, его экипажа, пассажиров или его груза;

д) принимать другие меры для соблюдения законодательства представляемого государства в отношении воздухоплавания.

2. Консульское должностное лицо имеет право в соответствии с законодательством государства пребывания сопровождать командира или любого члена экипажа в суде или других компетентных органах государства пребывания для оказания им необходимой помощи.

#### **Статья 49**

##### **Защита интересов в случае принудительных мер или расследований на борту воздушного судна представляемого государства**

1. Если суды или другие компетентные органы государства пребывания намерены принять принудительные меры или провести расследование на борту воздушного судна представляемого государства, компетентные органы государства пребывания должны заранее уведомить об этом консульское должностное лицо с тем, чтобы оно имело возможность присутствовать при принятии таких мер. Если консульское должностное лицо не присутствует при принятии таких мер, компетентные органы государства пребывания по его просьбе информируют его об этом в письменной форме. Если срочный характер мер, которые необходимо принять, не позволяет направить заблаговременное уведомление консульскому должностному лицу, компетентные органы государства пребывания предоставляют консульскому должностному лицу в кратчайшие сроки в письменной форме полную информацию об этом факте и о предпринятых мерах даже при отсутствии соответствующей просьбы консульского должностного лица.

2. Положения пункта 1 настоящей статьи также применяются в том случае, когда компетентные органы государства пребывания вызывают командира воздушного судна или какого-либо члена экипажа представляемого государства для дачи показаний на территории государства пребывания по вопросам, касающимся воздушного судна.

3. За исключением тех случаев, когда это осуществляется по просьбе или с разрешения консульского должностного лица или командира воздушного судна, судебные или другие компетентные органы государства пребывания не вмешиваются на борту воздушного судна представляемого государства во внутренние дела воздушного судна по вопросам, касающимся взаимоотношений между членами экипажа, трудовых отношений, дисциплины на борту воздушного судна и других правил внутреннего характера, при условии, что при этом не нарушается законодательство, касающееся обеспечения спокойствия и безопасности государства пребывания.

4. Положения настоящей статьи не применяются, однако, в отношении обычных мер, связанных с таможенным, пограничным или санитарным контролем или в отношении других мер, принимаемых компетентными органами государства пребывания по просьбе или с согласия командира воздушного судна.

Настоящая статья не затрагивает прав и обязанностей Договаривающихся Сторон, вытекающих из многосторонних договоров и двусторонних договоров, действующих между ними.

#### **Статья 50**

#### **Помощь в случае повреждения воздушных судов представляемого государства**

1. Если воздушное судно представляемого государства потерпело крушение или другое бедствие на территории государства пребывания, или если какой бы то ни было предмет, являющийся составной частью груза потерпевшего бедствие воздушного судна третьего государства, собственником которого является подданный представляемого государства, найден на территории государства пребывания или передан властям государства пребывания, компетентные органы государства пребывания в кратчайшие сроки информируют об этом консульское должностное лицо и сообщают ему о мерах, принятых для спасения пассажиров, экипажа воздушного судна и его груза.

2. Консульское должностное лицо может оказывать любую помощь потерпевшему бедствие воздушному судну представляемого государства, членам его экипажа и тем пассажирам, которые являются подданными представляемого государства. С такой целью оно может обращаться за содействием к компетентным органам государства пребывания.

3. Если потерпевшее бедствие воздушное судно или любой иной предмет, который принадлежит ему, были найдены на территории государства пребывания и ни командир воздушного судна, ни его владелец или же агент не в состоянии принять необходимые меры для обеспечения охраны или распоряжения указанным имуществом, консульское должностное лицо представляемого государства считается уполномоченным предпринять от имени владельца такие меры, какие предпринял бы для этой цели сам владелец.

#### **Статья 51**

#### **Уведомление о смерти**

Компетентные органы обязаны в случае смерти подданного представляемого

государства безотлагательно уведомить об этом консульское учреждение, в округе которого произошла смерть.

#### **Статья 52**

##### **Функции в отношении судов представляемого государства**

Положения статей 47—50 настоящей Конвенции применяются также в отношении судов представляемого государства в той мере, в какой они не противоречат любому международному соглашению по торговому судоходству, действующему между Договаривающимися Сторонами.

#### **Статья 53**

##### **Сношения с органами государства пребывания**

При выполнении своих функций консульские должностные лица могут обращаться:

- а) в компетентные местные органы своего консульского округа;
- б) в компетентные центральные органы государства пребывания в той степени, в какой это допускается законодательством и обычаями государства пребывания или соответствующими международными договорами.

#### **Статья 54**

##### **Консульские сборы**

1. Консульское учреждение имеет право взимать на территории государства пребывания консульские сборы, предусмотренные законодательством представляемого государства.

2. Собранные суммы, о которых упоминается в пункте 1 настоящей статьи, и квитанции о получении таких сумм освобождаются в государстве пребывания от всех налогов и сборов.

3. Государство пребывания разрешает консульскому учреждению размещать собранные таким образом суммы на его официальный банковский счет.

#### **Статья 55**

##### **Прекращение функций работников консульского учреждения**

Функции работника консульского учреждения прекращаются, в частности:

- а) по уведомлении государства пребывания представляемым государством о том, что его функции прекращаются;
- б) по аннулированию экзекватуры, выданной государством пребывания согласно статье 3 настоящей Конвенции;
- в) по уведомлении государством пребывания представляемого государства о том, что государство пребывания перестало считать его работником консульского персонала.

#### **Статья 56**

##### **Отбытие из государства пребывания**

Государство пребывания обязано даже в случае вооруженного конфликта предоставить работникам консульского учреждения и частным домашним работникам, не являющимся подданными государства пребывания, а также членам их семей, проживающим вместе с ними, независимо от их гражданства, время и наиболее благоприятные условия, необходимые для того, чтобы они могли подготовиться к



отъезду и выехать как можно скорее после прекращения функций соответствующих работников. В частности, оно должно предоставить в случае необходимости в их распоряжение транспортные средства, которые требуются для них самих или для их имущества, за исключением имущества, приобретенного в государстве пребывания, вывоз которого во время отбытия запрещен.

### **Статья 57**

#### **Охрана консульских помещений и архивов, а также интересов представляемого государства при исключительных обстоятельствах**

1. В случае разрыва консульских отношений между Договаривающимися Сторонами:

а) государство пребывания должно даже в случае вооруженного конфликта уважать и охранять консульские помещения, а также имущество консульского учреждения и консульский архив;

б) представляемое государство можетверить охрану консульских помещений, а также имущества, которое в них находится, и консульского архива третьему государству, приемлемому для государства пребывания;

в) представляемое государство можетверить защиту своих интересов и интересов своих подданных третьему государству, приемлемому для государства пребывания.

2. В случае временного или окончательного закрытия консульского учреждения применяются положения подпункта «а» пункта 1 настоящей статьи. Кроме того:

а) если представляемое государство не имеет в государстве пребывания дипломатического представительства, но имеет на территории этого государства другое консульское учреждение, этому консульскому учреждению может быть вверена охрана помещений закрытого консульского учреждения вместе с находящимся в нем имуществом и консульским архивом и, с согласия государства пребывания, выполнение консульских функций в округе этого консульского учреждения; или

б) если представляемое государство не имеет в государстве пребывания дипломатического представительства или другого консульского учреждения, применяются положения подпунктов «б» и «в» пункта 1 настоящей статьи.

### **Статья 58**

#### **Вступление в силу и срок действия**

1. Настоящая Конвенция подлежит ратификации и вступает в силу на тридцатый день после обмена ратификационными грамотами.

2. Настоящая Конвенция заключается на неопределенный срок и прекращает свое действие по истечении трех месяцев с даты, когда одна из Договаривающихся Сторон по дипломатическим каналам представит другой Договаривающейся Стороне письменное уведомление о своем решении прекратить действие настоящей Конвенции.

3. Любые изменения в данной Конвенции, о которых Стороны договорились, осуществляются путем обмена нотами.

Совершено в городе Риге 7 апреля 2004 года в двух подлинных экземплярах, каждый на узбекском, латышском и русском языках, причем все тексты имеют одинаковую силу.

В случае различия при толковании текстов на узбекском и латышском языках, за основу берется текст на русском языке.

(подписи)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Польша  
Республикаси Ҳукумати ўртасида божхона ишларида  
ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида  
БИТИМ**

*(2006 йил 7 мартдан кучга кирган)\**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Польша Республикаси Ҳукумати, бундан кейин «Аҳдлашувчи Томонлар» деб аталувчилар,

божхона қонунларининг бузилиши улар давлатларининг ижтимоий, иқтисодий ва савдо манфаатларига зиён етказишидан келиб чиқиб,

ғиёҳвандлик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланиши жамият манфаатлари ва давлатга таҳдид солишини эътиборга олиб,

товарларни импорт ва экспорт қилишда ундириладиган божхона божлари ва бошқа йиғимларни аниқ ҳисоблаш ҳамда йиғиш, шунингдек тақиқлаш, чеклаш ва назоратга доир тегишли чораларни бажариш муҳимлигини инобатга олиб,

божхона қонунларининг бузилишини олдини олиш, шунингдек божхона божлари, солиқлар ва бошқа йиғимларнинг тўғри ундирилиши уларнинг божхона маъмуриятлари ўртасидаги яқин ҳамкорлик ёрдамида янада самарали бўлади деб ҳисоблаб,

божхона ҳамкорлиги Кенгашининг ўзаро маъмурий кўмак тўғрисида 1953 йил 5 декабрдаги Тавсияларини эътиборга олиб;

**қуйидагилар тўғрисида аҳдлашиб олдилар:**

**Атамалар**

**1-модда**

Ушбу Битимда фойдаланилган атамалар қуйидагиларни англатади:

1. «Божхона органи» — атамаси Ўзбекистон Республикасида: Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасини, ва Польша Республикасида: Молия вазирлигини англатади;

2. «Божхона қонунлари» — атамаси Ўзбекистон Республикаси ва Польша Республикаси ҳудудида товарлар, транспорт воситаларини олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит қилиш, тўлов воситалари, божхона божларини ундириш ёки бошқа йиғимлар, шунингдек божхона органлари томонидан қўлланиладиган тақиқлаш, чеклаш ёки назорат қилиш бўйича чораларга тааллуқли қўлланиладиган меъёрий ҳужжатларни англатади;

3. «Сўраётган орган» — атамаси божхона ишида кўмак тўғрисида сўров юборган ёки шундай кўмак олган божхона органини англатади;

4. «Сўралаётган орган» — атамаси божхона ишида кўмак тўғрисида сўров олган ёки шундай кўмак берадиган божхона органини англатади;

5. «Божхона қонунларининг бузилиши» — атамаси божхона қонунлари бузилган ёки бузишга уриниш бўлган ҳар қандай фаолиятни англатади;

6. «Шахс» — атамаси ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахсни ва Польша Республикасидаги унда қўлланиладиган қонунчиликка мувофиқ таъсис этилган ҳуқуқий мақомга эга бўлмаган ва товарларни импорт, экспорт ёки транзит қилувчи шахсларни англатади;

\* Польша Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонасининг 2006 йил 6 февралдаги DTP-II-2265-35-2004/JG/35-сонли нотасига асосан кучга кирган.

7. «Гиёҳвандлик воситалар» — атамаси Гиёҳвандлик моддалари тўғрисида Ягона Конвенцияда, Нью-Йорк шаҳри, 1961 йил 31 март ва БМТнинг Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар ноқонуний айланишига қарши Конвенцияда, Вена шаҳри, 1988 йил 20 декабрь, санаб ўтилган моддаларни англатади;

8. «Психотроп моддалар» — атамаси Психотроп моддалар тўғрисида Конвенцияда, Вена шаҳри, 1971 йил 21 февраль, санаб ўтилган моддалар;

9. «Прекурсорлар» — атамаси халқаро конвенцияларда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган кимё материаллари сифатида таснифланадиган моддалар ҳамда уларнинг тузлари;

10. «Назорат остида етказиб бериш» — атамаси Аҳдлашувчи Томонлар ваколатли органларининг рухсати ёки назорати остида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг бир тўпини Аҳдлашувчи Томонларнинг ҳудуди орқали олиб кириш, транзит қилиш ёки олиб чиқиш йўл қўйиладиган усулни англатади.

### **Битим қўлланиладиган соҳа 2-модда**

1. Божхона органлари ушбу Битимнинг қоидаларига мувофиқ қўйидаги мақсадларда ҳамкорлик қиладилар ва бир-бирларига ўзаро кўмаклашадилар:

а) божхона қонунларига тегишлича риоя этилишини таъминлашда;

б) божхона қонунлари бузилганлигини аниқлаш, бартараф этиш ва жазолашда;

в) божхона божлари ва бошқа йиғимларни тегишлича ҳисоблаш ҳамда ундиришда;

г) божхона қонунларининг қўлланилишига доир ахборот ва ҳужжатларни алмашиш.

2. Ушбу Битим доирасидаги кўмаклашув миллий қонунчиликка мувофиқ ва сўралаётган органнинг ваколати ҳамда имкониятлари доирасида амалга оширилади, зарур ҳолда у бошқа ваколатли органдан кўмак сўраб мурожаат қилиши мумкин.

3. Ушбу Битим божхона божлари, солиқлар ва бошқа ҳар қандай йиғимлар бўйича қарзларни ундиришни кўзда тутмайди.

### **Ахборот тақдим этиш 3-модда**

1. Божхона органлари ўз ташаббуслари ёки сўровномага биноан қўйидагиларда ёрдам бериши мумкин бўлган барча ахборотни бир-бирларига тақдим этадилар:

а) божхона божлари ва бошқа йиғимларнинг тўғри ундирилишини таъминлаш;

б) товарларни олиб кириш, олиб чиқиш ёки транзит қилишга нисбатан тақиқлаш, чеклаш ва назорат қилиш бўйича чораларга риоя қилиш.

2. Сўралаётган орган сўралаётган ахборотга эга бўлмаган ҳолда у ушбу ахборотни олиш учун тегишли чораларни кўради.

### **4-модда**

Божхона органлари сўровномага биноан бир-бирларини қўйидагилар тўғрисида хабардор қиладилар:

а) сўраётган орган давлатининг ҳудудига киритилаётган товар сўралаётган органнинг давлати ҳудудидан қонуний экспорт қилинганми, шунингдек мазкур товарлар жойлаштирилган жой бўлса, божхона режими тўғрисида;

б) сўраётган орган давлатининг ҳудудидан олиб чиқиладиган товар сўраётган органнинг давлати ҳудудига қонуний импорт қилинганми, шунингдек мазкур товарлар жойлаштирилган жой бўлса, божхона режими тўғрисида.

#### **5-модда**

1. Божхона органлари ўз ташаббуслари ёки сўровномага биноан, шунингдек мумкин қадар қисқа давр ичида божхона қонунбузарлигига оид барча зарур ахборотни бир-бирларига тақдим этадилар, хусусан:

а) божхона қонунбузарлигини содир этишда маълум ёки шубҳаланаётган шахслар;

б) божхона қонунбузарлиги сифатида маълум товарлар;

с) божхона қонунбузарлиги мақсадида фойдаланиладигани маълум бўлган транспорт воситалари.

2. Божхона органлари қуйидагилар бўйича ахборот алмашадилар:

а) божхона қонунбузарлиги мақсадида фойдаланиладиган ёки фойдаланилиши мумкин бўлган метод ва усуллар;

б) божхона назоратининг принцип ва янги методлари.

#### **6-модда**

1. Божхона органлари ўз ташаббуслари ёки сўровномага биноан божхона қонунбузарлигига олиб келувчи ёки олиб келиши мумкин бўлган содир этилган ёхуд режалаштириладиган иш бўйича барча мавжуд ахборотни жам қилган ҳисоботлар, баённомалар ёки ҳужжатларнинг тасдиқланган нусхаларини бир-бирларига тақдим этадилар.

2. Зарур ҳолда сўралаётган орган сўраётган органга юборган ахборот билан бир қаторда уларни талқин қилиш ёки фойдаланиш учун барча зарур қўлланмаларни тақдим этади.

3. Ҳужжатларнинг тасдиқланган нусхалари етарли бўлмаган ҳолларда ҳужжатларнинг асл нусхалари сўраб олинishi мумкин.

4. Ҳужжатларнинг асл нусхалари биринчи имкониятда қайтарилиши лозим.

5. Ушбу Битим доирасида олинган ҳужжатлар компьютерлаштирилган ахборот билан алмаштирилиши мумкин.

#### **Гиёҳвандлик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш**

#### **7-модда**

1. Гиёҳвандлик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишини бартараф этиш, аниқлаш ва қарши кураш бўйича ишни фаоллаштириш мақсадида божхона органлари сўровномасиз мумкин қадар қисқа муддатда бир-бирларига қуйидагилар тўғрисидаги ахборотни тақдим этадилар:

а) гиёҳвандлик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишида жалб этилганлиги маълум ёки шубҳаланаётган шахслар;

б) гиёҳвандлик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишида маълум ёки шубҳаланаётган транспорт воситалари, контейнер ва почта жўнатмалари.

2. Божхона органлари гиёҳвандлик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишида қўлланиладиган усул ва методлар, шунингдек

бундай айланишни назорат қилишнинг янги методлари ва уларнинг самарадорлиги тўғрисидаги ахборотни бир-бирларига сўровномасиз тақдим этадилар.

3. 1- ва 2-бандларда қайд этилган ахборот кашандалик ва гиёҳвандлик воситалар, психотроп моддалар ҳамда прекурсорларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш билан шуғулланувчи жамоат маъмуриятининг бошқа органларига берилиши мумкин.

4. Божхона органлари гиёҳвандлик воситалар, психотроп моддалар, прекурсорлар ёки уларнинг ўрнини боса оладиган моддаларни назорат остида етказиб бериш усулидан тегишлича фойдаланиш мақсадида ўз ваколатлари ва имкониятлари доирасида зарур чораларни кўрадилар.

5. Назорат остида етказиб беришдан фойдаланиш тўғрисида қарор Ахдлашувчи Томонларнинг ваколатли органлари томонидан ҳар бир алоҳида ҳолларда қабул қилинади ва зарур ҳолларда молиявий масалалар бўйича ахдлашувларни киритишлари мумкин.

### **Ахборот ва ҳужжатлардан фойдаланиш 8-модда**

1. Олинган ахборот ва ҳужжатлардан ушбу Битим мақсадларидагина фойдаланилади. Улардан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

а) Ахдлашувчи Томонлардан бирининг божхона органи ўз божхона қонунлари доирасида ҳар қандай бошқа мамлакатнинг ваколатли органи ёки Европа Иттифоқи божхона маъмурияти ёхуд иккала томонни божхона қонунларининг бузилганлиги ёки бузилишида шубҳаланаётганлиги тўғрисида хабардор қилишга мажбур;

б) сўраётган орган давлатининг ички қонунчилиги бундай фойдаланиш рухсат беришини ёзма равишда тасдиқлайди.

2. Ушбу Битим доирасида Ахдлашувчи Томонлардан бирининг божхона органига тақдим этиладиган сўровномалар, ахборот, экспертларнинг ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатлар ўша давлатнинг миллий қонунчилигига мувофиқ уларнинг давлатларида шундай характердаги ҳужжат ва ахборотга бериладиган муҳофаза билан таъминланади.

3. Божхона органлари ушбу Битим мақсадига мувофиқ ва унинг доирасида ушбу Битимга мувофиқ олинган ахборот ва ҳисоботлардан суд ҳамда маъмурий жараёнларда далил сифатида фойдаланишлари мумкин. Бундай далил Ахдлашувчи Томонларнинг миллий қонунчилигига мувофиқ фойдаланилиши мумкин.

### **Шахслар, товарлар ва транспорт воситаларини кузатиш 9-модда**

Божхона органлари ўз ваколати ва имкониятлари доирасида сўровномага биноан қуйидагилар устидан кузатув олиб борадилар:

а) божхона қонунларини бузган ёки бузиши мумкин бўлганлиги юзасидан далиллар мавжуд бўлган шахслар;

б) олиб кирилиши, олиб чиқилиши ёки транзит қилиниши божхона қонунбузарлигига олиб келиши мумкин бўлган товарлар;

с) божхона қонунларини бузиш учун фойдаланилган, фойдаланилаётган ёки фойдаланилиши мумкин бўлган транспорт воситалари ёхуд контейнерлар борасида шубҳалар мавжуд бўлса;

д) ноқонуний айирбошлаш предмети бўлиши мумкин бўлган товарларни сақлаш учун фойдаланилаётган жой.

**Аниқлаш  
10-модда**

1. Бир Ахдлашувчи Томоннинг божхона органи сўровномасига биноан бошқа Ахдлашувчи Томон божхона органи божхона қонунларига зид бўлган ёки зид бўлиши мумкин бўлган ҳаракатларни аниқлайди. Бундай аниқлашнинг натижалари сўраётган органга юборилади.

2. Сўралаётган орган сўраётган органнинг мансабдор шахсларига терговларда иштирок этишига рухсат бериши мумкин.

**Экспертлар ва гувоҳлар  
11-модда**

1. Сўровнома бўйича сўралаётган орган ўз ходимларини уларнинг розилиги билан ушбу Битимга тааллуқли бўлган масалалар бўйича суд ва маъмурий жараёнларда бошқа Ахдлашувчи Томон давлатининг божхона ҳудудида, эксперт ҳамда гувоҳ сифатида иштирок этишига ваколат бериши, шунингдек бундай жараёнларда талаб қилиб олиниши мумкин бўлган предметлар, ҳужжатлар ёки тасдиқланган нусхаларни тақдим этиши мумкин. Иштирок этиш тўғрисидаги сўровномада мансабдор шахс қайси иш юзасидан ва ким сифатида, шунингдек жараённинг ўтказилиш вақти ва жойи аниқ кўрсатилиши лозим.

2. Ушбу Битимда кўзда тутилган шароитларда божхона бошқа Ахдлашувчи Томон давлати ҳудудида ҳозир бўладиган мансабдор шахслар ўзларининг расмий ваколатларининг далилини кўрсатишлари лозим. Улар форма киймасликлари ва ўзлари билан қурол олиб юрмасликлари лозим.

**Ёрдам тўғрисида сўровноманинг шакл ва мазмуни  
12-модда**

1. Ушбу Битим доирасида кўмаклашув тўғрисида сўровнома ёзма равишда тақдим этилиши лозим. Сўровномани амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатларнинг асл нусхалари, тасдиқланган нусхалари ёки фото нусхалари унга илова қилиниши лозим.

Шошилиш ҳолларда оғзаки сўровномалар қабул қилиниши мумкин. Улар дарҳол ёзма шаклда тасдиқланиши лозим.

2. Ушбу модданинг 1-банди асосида қилинган сўровномалар ўзида қуйидаги ахборотни жам қилиши лозим:

а) сўраётган органнинг номи;

б) муҳокама тури;

с) сўровноманинг мақсад ва сабаби;

д) маълум бўлса, муҳокама объекти ҳисобланган шахсларнинг номи ва манзиллари;

е) кўрилатган ишнинг қисқача ёзма баёни ҳамда ишга тааллуқли бўлган ҳуқуқий норматив актлар.

3. Агар сўровнома ушбу модданинг 1-ва 2-бандларида қайд этилган расмий талабларга жавоб бермаса, у ҳолда унинг таҳрири ёки қўшимчаси сўраб олиниши мумкин. Айни вақтда дарҳол қўлланилиши лозим бўлган ҳар қандай чораларнинг ушланиб қолиши сабаб бўла олмайди.

### **Кўмаклашиш бўйича мажбуриятлардан қилинадиган истиснолар 13-модда**

1. Божхона органи сўровноманинг бажарилиши давлатнинг суверенитети, хавфсизлиги, жамоат тартиби ёки бошқа ҳар қандай муҳим манфаатларига, шунингдек қонун ҳимояси остига тушувчи махфийликнинг бузилишига зарар етказиши мумкин деб ҳисобласа, кўмакни рад этиши ёхуд уни маълум шартларга риоя қилган ҳолда кўрсатиши мумкин.

2. Кўмак рад этилса, унинг сабаби кўрсатилган ҳолда рад жавоби тўғрисидаги қарор сўраётган органнинг эътиборига ёзма равишда кечиктирилмасдан етказилиши лозим.

3. Божхона органларидан бири ўзи кўрсата олмайдиган кўмак тўғрисида сўраб мурожаат этса, ўзининг сўровномасида ушбу омилни кўрсатиши лозим. Бундай сўровномани бажариш сўралаётган органнинг эътиборига ҳавола қилинади.

### **Ахборот алмашиш ва ўзаро кўмаклашув 14-модда**

1. Ушбу Битим доирасида кўмаклашув Аҳдлашувчи Томонларнинг божхона органлари томонидан бевосита амалга оширилади.

2. Божхона органлари кўмаклашиш мақсадида ахборот алмашиш, божхона қонунбузарлигини бартараф этиш, аниқлаш ва жазолаш орқали уларнинг марказий ва минтақавий тезкор бўлинмалари ўртасида бевосита алоқа каналларини ўрнатишни ташкил этишлари мумкин.

### **Харажатлар 15-модда**

Божхона органлари ушбу Битимни бажариш билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплаш тўғрисидаги ҳар қандай талабларни инкор этадилар, давлат хизматида бўлмаган экспертлар, гувоҳлар ва таржимонларга ҳақ тўлаш харажатини ва ушбу Битимнинг 7-модда 5-бандида қайд этилган харажатларни қоплаш бундан мустасно.

### **Битимнинг ҳудудий амал қилиши 16-модда**

Ушбу Битим Ўзбекистон Республикаси билан Польша Республикаси ҳудудларида қўлланилади.

### **Битимнинг ижро этилиши 17-модда**

1. Божхона органлари ушбу Битим доирасида ҳамкорлик бўйича мунтазам маслаҳатлашувлар олиб борадилар.

2. Божхона органлари ўртасидаги ёзишмалар инглиз тилида амалга оширилади.

3. Аҳдлашувчи Томонларнинг ўзаро аҳдлашувларига асосан ушбу Битимга ўзгартиш ва тўлдиришлар киритилиши мумкин. Бундай ўзгартиш ва тўлдиришлар унинг ажралмас қисми ҳисобланадиган баённомалар билан расмийлаштирилиши лозим.

**Талқин қилиш  
18-модда**

Божхона органлари ушбу Битимни талқин қилиш ёки қўллашдан келиб чиқадиган муаммо ёки баҳсларни тартибга солиш бўйича ўзаро келишувга эришишга интиладилар.

**Битимнинг кучга кириши ва амал қилишдан тўхтатилиши  
19-модда**

1. Ушбу Битим ҳар бир Аҳдлашувчи Томонда амал қилувчи қонунчиликка мувофиқ қарор қабул қилинади ва у дипломатик ноталарни алмашиш орқали тасдиқланиши лозим. Битим охириги нота олинган санадан бошлаб ўттизинчи куни кучга киради.

2. Ушбу Битим белгиланмаган муддатга тузилган. Аҳдлашувчи Томонлардан бири дипломатик каналлар орқали хабардор қилинган тўхтатилиши мумкин ва бундай хабарнома олинган санадан бошлаб 6 ой ўтгач, ўз кучини йўқотади.

Варшава шахрида 2003 йил 10 июлда икки нусхада, ҳар бири ўзбек, поляк ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар аутентикдир. Талқин қилишда англашилмовчиликлар юзага келган ҳолда, инглиз тилидаги матн устунлик қилади.

Ушбунини тасдиқлаб, тегишли равишда ваколатланганлар ушбу Битимни имзолادилар.

(имзолар)

—

+

**Ўзбекистон Республикаси билан Куба Республикаси  
ўртасида дипломатик муносабатларни ўрнатиш тўғрисида  
ҚЎШМА ДЕКЛАРАЦИЯ**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Куба Республикаси Ҳукумати, иккала мамлакат халқлари ўртасида дўстона муносабатлар ва ҳамкорликка ўзаро ёрдам бериш истагини билдириб,

ҳар бир давлатнинг сиёсий тизимини ва суверенитет, ҳудудий яхлитлик, халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш, ички ишларга аралашмаслик принципларини ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставида эътироф этилган халқаро ҳуқуқнинг бошқа принципларини ҳурмат қилиб,

дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари икки давлат ўртасида иқтисодий, савдо ва маданий алоқаларга ёрдам беришига ишонч ҳосил қилиб,

Дипломатик алоқалар тўғрисида 1961 йилнинг 18 апрелидаги Вена конвенцияси ва Консуллик алоқалари тўғрисида 1963 йилнинг 24 апрелидаги Вена конвенциясининг мақсадлари ва принципларига мувофиқ,

ушбу Қўшма Декларация имзоланган санадан эътиборан Ўзбекистон Республикаси билан Куба Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатишга қарор қилдилар ва иккала давлат пойтахтларида дипломатик ваколатхоналар очишни таъминлаш учун қулай шароитлар яратиб бериш истагини билдирадилар.

---

*Ўзбекистон Республикаси Халқаро шартномалари тўплами, 2006 й.*



Ушбуни тасдиқлаб, ўзларининг муносиб Ҳукуматлари тарафидан тегишли равишда ваколатланган имзо чекувчи вакиллар ушбу Қўшма Декларацияни имзоладилар.

2006 йил 13 мартда Тошкент шаҳрида икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек, испан ва рус тилларида тузилди, барча матнлар бир хил кучга эга.

(имзолар)

**СОВМЕСТНАЯ ДЕКЛАРАЦИЯ**  
**между Республикой Узбекистан и Республикой Куба об**  
**установлении дипломатических отношений**

Правительство Республики Узбекистан и Правительство Республики Куба, желая взаимно способствовать дружеским отношениям и сотрудничеству между народами обеих стран,

уважая политическую систему каждого государства и принципы суверенитета, территориальной целостности, самоопределения народов, невмешательства во внутренние дела и другие принципы международного права, провозглашенные Уставом Организации Объединенных Наций,

убежденные, что отношения дружбы и сотрудничества будут способствовать экономическим, торговым и культурным связям между двумя государствами,

в соответствии с целями и принципами Венской конвенции о дипломатических сношениях от 18 апреля 1961 года и Венской конвенции о консульских сношениях от 24 апреля 1963 года,

решили установить дипломатические отношения между Республикой Узбекистан и Республикой Куба с даты подписания настоящей Совместной Декларации и подтверждают свою волю создать благоприятные условия, чтобы обеспечить открытие дипломатических представительств в столицах обоих государств.

В удостоверение чего нижеподписавшиеся представители, должным образом уполномоченные своими Правительствами, подписали настоящую Совместную Декларацию.

Совершено в городе Ташкенте 13 марта 2006 года в двух подлинных экземплярах, каждый на узбекском, испанском и русском языках, причем все тексты равно аутентичны.

(подписи)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Корея  
Республикаси Ҳукумати ўртасида 2006—2008 йиллар учун  
маданий алмашинув бўйича  
ДАСТУР**

*(2006 йил 29 мартдан кучга кирган)\**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Корея Республикаси Ҳукумати (бундан кейин «Икки Томон» деб аталувчилар),

икки мамлакат ўртасида маданият, санъат, спорт ва ёшлар ишлари соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш истагини билдирган ҳолда,

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Корея Республикаси Ҳукумати ўртасида маданий ҳамкорлик тўғрисида 1994 йил 6 июнда имзоланган Битимнинг қоидаларига асосланган ҳолда,

2006—2008 йиллар учун қуйидаги Дастур тўғрисида келишиб олдилар:

**I. Маданият ва санъат**

**1-модда**

Икки Томон иккала мамлакат маданий муассасалари ўртасидаги бевосита алоқаларни қўллаб-қувватлайдилар ҳамда санъаткор, ижодкорлар, шунингдек турли маданий соҳалардаги расмийлар ва мутахассисларнинг ўзаро сафарларини уюштиришда ҳамжихатлик қиладилар.

**2-модда**

Икки Томон музей, кутубхона ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилишга оид муассасалар ўртасида ҳамкорлик ўрнатишда ҳамда турли дастур ва лойиҳалар, тегишли тадбирлар ишлаб чиқиши ва амалга оширилишида, матбуот ва даврий нашрлар ҳамда илмий ишлар алмашинувида кўмаклашадилар.

Ушбу маънода икки Томон:

а) тегишли муассасаларнинг келишувларига мувофиқ икки мамлакат музейлари ва миллий галереялари ўртасида бевосита ҳамкорликни, матбуот нашрлари, кўргазмалар ва экспертлар алмашувини, айниқса этнография, археология, тасвирий ва амалий санъат, ҳайкалтарошлик, графика соҳаларида амалга оширадилар;

б) манфаатдор ташкилотлар бевосита келишувларига асосан маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ҳамда техник ва илмий тажриба алмашиш мақсадида икки мамлакатнинг тегишли муассасалари ўртасида ҳамкорликни қўллаб-қувватлайдилар;

в) ушбу дастур амал қилиш даврида маданий мерос соҳасида мутахассисларнинг ўзаро алмашинувида кўмаклашадилар;

г) номоддий маданий ёдгорликлар соҳасида алмашинув ва ҳамкорликка кўмаклашадилар;

д) археология объектлари, архитектура ва бошқа маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш, сақлаш, таъмирлаш, қадимий шаҳарларнинг тарихий марказларида сақлаш майдонлари барпо этиш ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қиладилар.

---

\* Ушбу дастур имзоланган кундан кучга кирган.

**3-модда**

Икки Томон маданият ва санъат соҳасида экспертлар алмашинуви, шунингдек ижрочилик санъати турлари ҳамда тасвирий ва амалий санъат, ҳайкалтарошлик, графика, дизайн ва фотография кўрғазмалари билан ўзаро алмашишга кўмаклашадилар.

**4-модда**

Икки Томон иккала мамлакат ҳудудида ўтказиладиган миллий ва халқаро маданий тадбирлар ҳақида бир-бирларини хабардор қиладилар ҳамда бўлиб ўтадиган танловлар, фестиваллар, кўрғазмалар ва бошқа маданий ва санъат тадбирларида ўзаро иштирокларига кўмаклашадилар.

**5-модда**

Икки Томон ижро санъати, театр, миллий ва фольклор, рақс, хонандачилик ва мусиқа соҳаларида таниқли солистлар ва ансамблларнинг гастрол алмашинувлари ҳамда ўзаро қабул қилишга оид ҳамкорликни ривожлантириш имкониятларини кўриб чиқадилар.

**6-модда**

Икки Томон академиялар, жамғармалар, рассомлар, дизайнерлар ва фотосуратчилар ассоциациялари ўртасида бевосита ҳамкорликка кўмаклашадилар.

+

**7-модда**

-

Икки Томон ёзувчилар уюшмалари ўртасида бевосита ҳамкорлик ҳамда ёзувчилар билан ўзаро алмашинувга кўмаклашадилар.

**8-модда**

Икки Томон иккала мамлакат нашриётлари ва нашр тарқатувчи ташкилотлари ўртасида бевосита ҳамкорлик қилишларига ҳамда уларнинг адабий нашрларга бағишланган халқаро тадбирларида ўзаро иштирок этишларига кўмаклашадилар.

**9-модда**

Кино санъати соҳасида икки Томон кинематография студиялари, тегишли профессионал ташкилотлар ва ижодий ассоциациялар ўртасида бевосита ҳамкорликка, Ўзбекистон Республикасида Корея кинеси кунлари ҳамда Корея Республикасида Ўзбекистон кинеси кунларини ўтказишга, икки Томоннинг қизиқишини уйғотган фильмларни ҳамкорликда яратишга кўмаклашадилар.

**10-модда**

Оммавий ахборот воситалари соҳасида икки Томон иккала мамлакатнинг тегишли ташкилотлари ва телерадиоэшиштириш компаниялари ўртасида тўғридан-тўғри ҳамкорликка ҳамжиҳатлик қиладилар.

Томонлар бошқа Томон тақдим этган маълумотларни дастурлаштириш ҳамда эфирга узатишда ёрдам кўрсатишни ва ҳамкорликни қўллаб-қувватлайдилар.

Томонлар бир-бирларининг халқаро эшиштириш тадбирларида иштирок этишни қўллаб-қувватлайдилар.

### **11-модда**

Икки Томон аудио-видео маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар ва тарқатувчилар ҳамда манфаатдор ташкилотлар ўртасида алоҳида келишувларга асосан муסיқа муассасалари ва театрларнинг муаллиф ва ижрочи гуруҳлари ўртасидаги ҳамкорликка ҳамжиҳатлик қиладилар.

## **II. Спорт ва ёшлар**

### **12-модда**

Икки Томон спорт ташкилотлари ва спорт ўқув муассасалари ўртасида бевосита ҳамкорликка, шунингдек тегишли маълумот ва тажриба билан алмашишга ҳамжиҳатлик қилади.

### **13-модда**

Икки Томон икки давлатнинг ёшлари, ёшлар ташкилотлари ва делегациялари ўртасида бевосита ҳамкорликка, шунингдек тегишли маълумот ва тажриба билан алмашишга ҳамжиҳатлик қилади.

### **14-модда**

Икки Томон халқаро мусобақалар ўтказиш, жисмоний тарбия ва спорт бўйича илмий-услубий ва илмий-тиббий тадқиқотларни амалга ошириш, ахборот технологиялари, жисмоний тарбия ва спортга оид маълумотларни киритиш ва улар билан ишлашда фойдаланиладиган компьютер ва локал-ҳисоблаш системаларини соzлаш соҳаларида тажриба алмашиш бўйича бевосита ҳамкорликка кўмаклашади.

### **15-модда**

Икки Томон спорт анжомлари ва жиҳозлари, спорт кийими, спорт нишонлари ва махсус спорт жиҳозлари ва шу каби маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларнинг бевосита ҳамкорлигига кўмаклашади.

### **16-модда**

Икки Томон:

— спорт турлари бўйича миллий федерациялар ўртасидаги ҳамкорликка, мураббий ва бошқа мутахассисларнинг ўзаро алмашинувига, иккала давлатнинг жисмоний тарбия ва спорт бўйича тегишли ташкилотлари ўртасидаги бевосита алоқаларга;

— спортчилар, тренерлар ва бошқа мутахассислар, шунингдек жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги расмий вакиллар ва мутахассисларнинг ўзаро ташрифларига;

— илмий анжуманлар, конференциялар, қўшма машғулотлар, ўртоқлик учрашувлари ва бошқа тадбирларни ўтказиш мақсадида спорт делегацияларини ўзаро қабул қилишга кўмаклашади.

### **17-модда**

Икки Томон бир-бирини бўлажак спорт турлари ва халқ ўйинлари бўйича миллий ва халқаро фестиваллар ҳақида хабардор этади. Икки Томон, шунингдек, икки мам-

лакат худудида бўлиб ўтадиган мазкур тадбирларда спорт делегацияларининг ўзаро иштирок этишларига кўмаклашадилар.

### III. Умумий қоидалар ва молиявий шартлар

#### 18-модда

Ушбу Дастур доирасида таклиф этилган барча фаолият турлари ва алмашинув ҳар икки давлат қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Ушбу Дастурда кўзда тутилмаган ҳоллатлар юзасидан икки Томон бир-бири билан дипломатик каналлар орқали маслаҳатлашади.

Ҳар бир фаолият ва алмашув Томонларнинг белгиланган молиявий манбалари доирасида амалга оширилади.

#### 19-модда

Ушбу Дастур доирасида делегациялар, мутахассислар ва бошқа ходимлар билан алмашинув, агар бу вакиллар икки Томон ўртасидаги алоҳида шартномаларда айтиб ўтилмаган бўлса, қуйидаги молиявий шартлар асосида амалга оширилади:

1. Жўнатаётган Томон мўлжалланган мамлакатга бориш ва қайтиш билан боғлиқ транспорт харажатларини қоплайди;

2. Қабул қилувчи Томон ўзининг ички қоидалари асосида тураржой, овқатланиш, мамлакат ичидаги транспорт, шунингдек шошилиш тиббий ёрдам харажатларини қоплайди.

#### 20-модда

Тегишли муассасалар турли тадбирларни амалга ошириш истагида бўлгандан бошқа ҳолларда ушбу Дастур доирасида ташкил қилинадиган кўргазмалар қуйидаги шартларга мувофиқ ўтказилади:

Жўнатадиган Томон:

а) мўлжалланган мамлакатга бориш ва қайтиш транспорт харажатларини қоплайди;

б) экспонатларнинг транспортировка вақтидаги кўргазмани суғурта қилиш харажатларини қоплайди.

Қабул қилувчи томон:

а) маҳаллий транспорт харажатларини қоплайди;

б) экспонатлар бутун сақланишини таъминлаш бўйича барча зарур чораларни кўради;

в) тадбирни ўтказиш учун маъқул жой билан таъминлайди;

г) экспонатлар йўқолган ёки уларга зарар етган ҳолларда суғурта даъвоси тайёрлаш учун барча зарур ҳужжатларни тақдим этади;

д) тадбир ўтказилиши даврида экспонатларни суғурта қилиш билан боғлиқ барча харажатларни қоплайди.

#### 21-модда

Ушбу Дастурни бажариш жараёнида ёки унинг моддаларини талқин этиш бўйича юзага келиши мумкин бўлган тафовут ва баҳсларни икки Томон музокара ва маслаҳатлашувлар йўли билан ҳал қилади.

**22-модда**

Томонларнинг ўзаро келишувларига мувофиқ ушбу Дастурга унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланадиган алоҳида баённомалар билан расмийлаштириладиган ўзгариш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

**23-модда**

Ушбу Дастур имзоланган санадан эътиборан кучга киради ва 2008 йилнинг 31 декабригача амал қилади.

Сеул шаҳрида 2006 йилнинг 29 мартда 3 нусхада ўзбек, корейс ва инглиз тилларида тузилди ва имзоланди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга. Ушбу Дастур моддаларининг талқини учун инглиз тилидаги матндан фойдаланилади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Корея  
Республикаси Ҳукумати ўртасида Иқтисодий  
Ривожланиш Ҳамкорлик Фонди (EDCF) томонидан  
кредит ажратилиши тўғрисида  
БИТИМ**

(2006 йил 28 мартдан кучга кирган)\*

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Корея Республикаси Ҳукумати (бундан кейин «Аҳдлашувчи Томонлар» деб аталувчилар),

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Корея Республикаси Ҳукумати ўртасида Иқтисодий Ривожланиш Ҳамкорлик Фонди (бундан кейин «EDCF» деб аталади) томонидан кредитлар ажратилиши тўғрисида 1999 йил 8 июлда имзоланган Битимга мувофиқ,

**қуйидагилар тўғрисида аҳдлашиб олдилар:**

**1-модда**

1. Корея Республикаси Ҳукумати Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларини ахборотлаштириш лойиҳасини (бундан кейин «Лойиҳа» деб аталади) амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига Иқтисодий Ривожланиш Ҳамкорлик Фонди учун ҳукумат агентлиги бўлган Корея Экспорт-Импорт банки (бундан кейин «Банк» деб аталади) кредитининг (бундан кейин «Кредит» деб аталади) тақдим этилишини таъминлайди.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати Кредит олувчи (бундан кейин «Кредит олувчи» деб аталувчилар) ҳисобланади.

3. Кредит суммаси Корея вонида тақдим этилади. Кредит суммаси ўттиз мил-

---

\* Ушбу битим имзоланган кундан кучга кирган.

лион АҚШ доллари (\$30,000,000)га тенг миқдоридан ошмаслиги ва Кредит олувчи билан Банк ўртасида тузиладиган кредит битими (бундан кейин «Кредит Битими» деб аталади)нинг тегишли қоидаларига мувофиқ белгиланиши лозим.

## 2-модда

Кредит шартлари ва талаблари, ҳамда уни ўзлаштириш процедураси қуйидаги принципларни *inter alia* ўз ичига олган Кредит Битимига мувофиқ тартибга солинади:

(1) Кредитни қайтариш муддати ўттиз (30) йил, ўн (10) йиллик имтиёзли муддат шу жумладан;

(2) Фоиз ставкаси йиллик икки фоиз (1.0%)ни ташкил этади;

(3) Кредитни қоплаш муддати Кредит Битими кучга кирган санадан ёки Кредит олувчи билан Банк келишиб олган бошқа муддатдан қирқ икки (42) ойни ташкил этади;

(4) Хизмат ҳақи тўғридан-тўғри тўлаш ҳолларида ҳар бир қоплаш суммасининг бир фоизининг ўндан бири (0.1%) миқдоридан, ёки мажбурият ҳолларида кафолат хатида кўрсатилган сумма миқдорда Банкка тўланади. Барча банк тўловлари ва/ёки Кредит тушумларини қоплаш, асосий суммани қайтариш ёки Кредит Битимига мувофиқ банкка тўланадиган фоизларни тўлаш билан боғлиқ банк томонидан кўрсатилаётган хизматлар учун харажатлар Кредит олувчи тайинлаган банклар билан Банк ўртасида тузиладиган банк битими билан тартибга солинади; ва

(5) Агар Кредит олувчи Кредитнинг асосий суммасининг тўла ёки ҳар қандай бир қисмини ёхуд Кредит Битимида кўрсатилган ҳар қандай бошқа суммани тўлай олмаса, тўланмай қолган суммага йилига юқорида келтирилган фоиз ставкасининг икки фоизи (2.0%) миқдоридан устама тўланади.

## 3-модда

1. Лойиҳа учун талаб қилинадиган консалтинг хизматларидан ташқари, товар ва хизматларни етказиб берувчи манба давлатлар Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ҳисобланади.

2. Лойиҳа учун талаб қилинадиган консалтинг хизматларини сотиб олиш учун манба давлат Корея Республикаси ҳисобланади ва консультант Банк томонидан таъминланган EDCF Кредити бўйича консультантларнинг иш фаолиятини ташкил этиш Қўлланмасига мувофиқ Корея консультантлари орасидан рақобат танлови асосида танлаб олинади.

3. Лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган товарлар ва хизматларни етказиб берувчилар Корея етказиб берувчилари орасидан рақобат танлови асосида танлаб олинади.

4. Кредит Битими кучга кирган санадан ўн саккиз (18) ой ичида консалтинг шартномаси тузилади.

5. Етказиб беришнинг батафсил усуллари ва тартиби Кредит Битими билан тартибга солинади.

## 4-модда

Лойиҳани тўлиқ амалга ошириш учун Кредит тушумларидан олинган маблағлар етарли бўлмаган ҳолда, Кредит олувчи зарур бўлган маблағларни таъминлаш учун дарҳол битим тузиши лозим.

**5-модда**

Кредит тушумлари Банк томонидан Кредит олувчига ёки Кредит олувчи номидан ҳаракат қилаётган етказиб берувчига Лойиҳанинг бажарилишига кўра, Кредит суммаси доирасида, Кредит Битимида кўрсатилган қоплаш муддати мобайнида ва Кредит Битимининг қоплаш тартибига мувофиқ тўланади.

**6-модда**

Кредит Битимида кўрсатиладиган бошқа шартлар ва талаблар Кредит олувчи ва Банк ўртасидаги музокаралар орқали белгиланади.

**7-модда**

Ушбу Битим имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва Аҳдлашувчи Томонлар ўзгача келишиб олмаган бўлсалар, Кредит олувчи Кредит Битимида белгиланган барча мажбуриятларни бажаргунга қадар амал қилади.

Ушбунинг тасдиқлаб, ўзларининг тегишли Ҳукуматлари томонидан ўрнатилган тартибда ваколатланган қуйида имзо чекувчилар ушбу Битимни имзоладилар.

Сеул шаҳрида 2006 йилнинг 28 мартида икки нусхада инглиз тилида тузилди.

(имзолар)

—

+

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қувайт  
Давлати Ҳукумати ўртасида икки ёқлама солиққа  
тортишнинг олдини олиш ҳамда даромад ва капитал  
солиқларини тўлашдан бош тортишни бартараф  
этиш тўғрисида  
БИТИМ**

(2006 йил 3 майдан кучга кирган)\*

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қувайт Давлати Ҳукумати, икки ёқлама солиққа тортишнинг олдини олиш ҳамда даромад ва капитал солиқларини тўлашдан бош тортишни бартараф этиш тўғрисида Битим тузиш орқали улар ўртасида иқтисодий ҳамкорликни кўллаб-қувватлаш истагида,

**қуйидагилар тўғрисида аҳдлашиб олдилар:**

**1-модда**

**Кўллаш доираси**

Ушбу Битим Аҳдлашувчи Давлатларнинг бири ёки ҳар иккаласининг резиденти бўлган шахсларга нисбатан қўлланади.

---

\* Қувайт Давлатининг Ўзбекистондаги элчихонасининг 2006 йил 3 майдаги 1/39-06-сонли нота-сига асосан кучга кирган.



**2-модда**

**Татбиқ этиладиган солиқлар**

1. Ушбу Битим Аҳдлашувчи Давлат ёки унинг маҳаллий ҳокимият органлари ёхуд маҳаллий ҳокимият идоралари номидан ундириладиган даромад ва капитал солиқларига нисбатан, уларни ундириш услубидан қатъи назар, татбиқ этилади.

2. Даромад ва капитал солиқларига, умумий даромаддан, умумий капиталдан ёки даромад ёхуд капиталнинг бир қисмидан, шу жумладан кўчар ва кўчмас мулкни бегоналаштиришдан олинган даромадлардан ҳамда корхоналар томонидан тўланадиган иш ҳақи ва мукофотларнинг умумий миқдоридан, шунингдек капитал қийматининг ўсишидан олинадиган барча солиқлар киради.

3. Ушбу Битим қўлланиладиган амалдаги солиқлар, хусусан қуйидагилардир:

а) Қувайтга нисбатан:

(1) даромаддан олинадиган корпоратив солиқ;

(2) Қувайтнинг акционерлик компаниялари соф фойдаларидан олинадиган, фанга кўмаклашиш бўйича Қувайт Жамғармасига (KFAS) тўланадиган солиқ;

(3) закот;

(4) миллий ишчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчиликка мувофиқ олинадиган солиқ;

(бундан кейин «Қувайт» солиғи деб аталади);

б) Ўзбекистон Республикасига нисбатан:

(1) юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи;

(2) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

(3) мол-мулк солиғи;

(бундан кейин «Ўзбекистон солиғи» деб аталади).

4. Мазкур Битим у имзоланган санадан сўнг ундириладиган солиқларга қўшимча ёки мавжудлари ўрнига киритилган моҳияти бўйича ўхшаш ҳар қандай солиқларга нисбатан ҳам қўлланилади. Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари ўзларининг тегишли солиқ қонунчиликларига киритилган барча мавжуд ўзгаришлар тўғрисида бир-бирларини хабардор қилиб турадилар.

**3-модда**

**Умумий таърифлар**

1. Ушбу Битим мақсадлари учун, агар матндан ўзга маъно чиқмаса:

а) «бир Аҳдлашувчи Давлат» ва «бошқа Аҳдлашувчи Давлат» атамалари матнга боғлиқ равишда Ўзбекистонни ёки Қувайтни англатади;

б) «Қувайт» атамаси Қувайт Давлати ҳудудини англатади, жумладан халқаро ҳуқуққа мувофиқ аниқланган ҳудудий денгизларига тааллуқли бўлган ҳар қандай ҳудудни ёки Қувайт қонунчилиги бўйича кейинчалик Қувайт ўз суверен ҳуқуқи ва юрисдикциясини амалга ошириши мумкин бўлган ҳудуд каби аниқланиши мумкин бўлган ҳудудни ўз ичига олади;

с) «Ўзбекистон» атамаси Ўзбекистон Республикасини ва географик маънода қўлланилганда Ўзбекистон Республикаси ҳудудини англатади, жумладан Ўзбекистон Республикаси ўз суверен ҳуқуқи ва юрисдикциясини амалга ошириши мумкин бўлган ҳудудий сувлари ва осмон кенгликларини, шу жумладан халқаро ҳуқуқ ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан ерости ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқини амалга ошириши мумкин бўлган ҳудудни ўз ичига олади;

д) «шахс» атамаси жисмоний шахсни, компания ёки шахсларнинг ҳар қандай бошқа бирлашмасини ўз ичига олади;

е) «фуқаро» атамаси;

(1) Аҳдлашувчи Давлат фуқаролигига эга бўлган ҳар қандай жисмоний шахсни ва

(2) Аҳдлашувчи Давлатнинг амалдаги қонунларига мувофиқ ўз мақомини олган ҳар қандай юридик шахсни, ширкат ва ассоциацияни англатади;

ғ) «компания» атамаси ҳар қандай корпоратив бирлашмани ёки солиққа тортиш мақсадларида корпорация сифатида қараладиган ҳар қандай ташкилотни англатади;

г) «бир Аҳдлашувчи Давлат корхонаси» ва «бошқа Аҳдлашувчи Давлат корхонаси» атамалари тегишлича бир Аҳдлашувчи Давлат резиденти бошқаруви остида иш юритаётган корхонани ва бошқа Аҳдлашувчи Давлат резиденти бошқаруви остида иш юритаётган корхонани англатади;

ҳ) «халқаро ташиш» атамаси Аҳдлашувчи Давлат корхонаси томонидан фойдаланиладиган денгиз, ҳаво кемалари ёки йўл транспортида ҳар қандай ташишни англатади, денгиз, ҳаво кемалари ёки йўл транспорти воситаларининг бошқа Аҳдлашувчи Давлат ҳудудида жойлашган нуқталар ўртасида фойдаланиш ҳоллари бундан мустасно;

и) «солиқ» атамаси матнга боғлиқ равишда Ўзбекистон солиғи ёки Қувайт солиғини англатади;

ж) «ваколатли орган» атамаси:

(1) Қувайтга нисбатан — Молия вазири ёки унинг ваколатли вакилини англатади;

(2) Ўзбекистонга нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисини ёки унинг ваколатли вакилини англатади.

2. Ушбу Битим Аҳдлашувчи Давлат томонидан ҳар қандай пайтда қўлланилганда, унда белгиланмаган ҳар қандай атама, агар матн мазмунидан бошқа маъно келиб чиқмаса, у ушбу Битим татбиқ этиладиган солиқларга нисбатан шу Аҳдлашувчи Давлатнинг ана шу даврдаги қонунчилиги бўйича белгиланган маънога эга бўлади, ана шу Аҳдлашувчи Давлатнинг тегишли солиқ қонунчилигига биноан атаманинг ҳар қандай маъноси шу Аҳдлашувчи Давлат қонунчилигининг бошқа соҳаларида ушбу атама учун белгиланган маънодан кўра устун кучга эга бўлади.

#### **4-модда** **Резидент**

1. Ушбу Битим мақсадлари учун «Аҳдлашувчи Давлат резиденти» атамаси:

а) Қувайтга нисбатан: Қувайтда ўзининг яшаш жойига эга бўлган ва Қувайтнинг фуқаролигига эга бўлган жисмоний шахсни ҳамда Қувайтда корпорация сифатида рўйхатдан ўтган компанияни англатади;

б) Ўзбекистонга нисбатан: Ўзбекистон қонунчилиги бўйича ўзининг яшаш жойи, доимий бўлиб туриш жойи, бошқарув жойи ёки бошқа ҳар қандай шунга ўхшаш мезонлар асосида солиққа тортиладиган ҳар қандай шахсни англатади.

2. 1-банд мақсадлари учун Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти қуйидаги белгиларни ўз ичига олади:

а) шу Аҳдлашувчи Давлатнинг Ҳукумати ва ҳар қандай маъмурий-ҳудудий бўлинмаларни ва тегишли тартибда маҳаллий ҳокимият идораларини;

б) корпорация, Марказий банк, жамғарма, ҳокимият идораси, агентлик ёки шунга ўхшаш муассаса каби шу Аҳдлашувчи Давлатда умумий қонунчилик асосида ташкил этилган ҳар қандай ҳукумат муассасаси;

с) барча капитали шу Аҳдлашувчи Давлат ёки маъмурий ҳудудий бўлинма ёхуд

махаллий ҳокимият идораси ёки б) кичик бандда бошқа Аҳдлашувчи Давлат билан бирга аниқланганидек ҳар қандай ҳукумат муассасаси томонидан таъминланиб, шу Аҳдлашувчи Давлатда ташкил этилган ҳар қандай ташкилот.

3. Агар 1-банд қоидаларига мувофиқ, жисмоний шахс ҳар иккала Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлса, унинг мақоми қуйидаги тарзда аниқланади:

а) у қайси Давлатда ўзи учун тўсиқсиз яшаши мумкин бўлган доимий уйга эга бўлса, фақат шу Давлатнинг резиденти ҳисобланади; агар у ҳар иккала Аҳдлашувчи Давлатда тўсиқсиз яшаши мумкин бўлган доимий уйга эга бўлса, фақат шахсий ва иқтисодий алоқалари яқинроқ бўлган (ҳаётий манфаатлар маркази) Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти ҳисобланади;

б) агар унинг ҳаётий манфаатлар маркази жойлашган Аҳдлашувчи Давлатни аниқлаб бўлмаса ёки у Аҳдлашувчи Давлатларнинг ҳеч бирида тўсиқсиз яшаши мумкин бўлган доимий уйга эга бўлмаса, у одатда яшайдиган Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти ҳисобланади;

с) агар шахс одатда ҳар иккала Аҳдлашувчи Давлатда яшаса ёки одатда уларнинг ҳеч бирида яшамаса, у фақатгина фуқароси бўлган ўша Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти ҳисобланади;

д) агар унинг мақомини а)–с) бандларга асосан аниқлаб бўлмаса, Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари ушбу масалани ўзаро келишув асосида ҳал этадилар.

4. Агар 1-банд қоидаларига асосан, жисмоний шахсдан ташқари шахс ҳар иккала Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлса, унда у фақатгина корпорация сифатида ташкил этилган жой жойлашган ўша Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти ҳисобланади.

#### **5-модда** **Доимий муассаса**

1. Ушбу Битим мақсадлари учун «доимий муассаса» атамаси корхонанинг тадбиркорлик фаолиятини тўлиқ ёки қисман амалга оширадиган доимий фаолият жойини англатади.

2. «Доимий муассаса» атамаси, хусусан қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) бошқарув жойи;

б) бўлим;

с) офис;

д) фабрика;

е) устахона;

ф) шахта, нефт ёки газ қудуғи, карер ёки табиий ресурслар қазиб олинadиган ҳар қандай бошқа жойни.

3. Қурилиш майдони, қурилиш, монтаж ёки йиғув объекти ёки улар билан боғлиқ Аҳдлашувчи Давлатда амалга ошириладиган назорат фаолияти фақатгина шундай майдон, объект ёки фаолиятнинг давомийлиги уч ойдан кўпроқ давом этса, доимий муассасани ташкил этади.

4. Аҳдлашувчи Давлат корхонаси томонидан хизматлар кўрсатиш, жумладан консалтинг ёки бошқарув хизматлари корхонанинг шу мақсадлар учун ёллаган хизматчилар ёки бошқа ходимлар орқали амалга оширилиши, агар шу мазмундаги фаолият ҳар қандай ўн икки ойлик давр доирасида жами уч ойдан ошадиган давр ёки даврлар мобайнида давом этса, бошқа Аҳдлашувчи Давлатда доимий муассасани ташкил этади.

5. Аҳдлашувчи Давлатнинг корхонаси, агар ҳар қандай ўн икки ойлик давр

доирасида уч ойдан кўпроқ давр мобайнида асосий техник, механик ёки илмий ускуна ёхуд инструментлардан фойдаланса, ёки бошқа Аҳдлашувчи Давлатда шу корхона билан тузилган шартномаларга мувофиқ ёки шартномани бажариш учун ёхуд шу шартнома бўйича инсталляция қилса, бошқа Аҳдлашувчи Давлатда доимий муассасага эга деб ҳисобланади.

6. Ушбу модданинг аввалги қоидаларига қарамай «доимий муассаса» атамаси қуйидагиларни ўз ичига олмайди:

а) иншоотлардан шу корхонага тегишли бўлган товар ёки буюмларни сақлаш ёки намойиш қилиш мақсадларида фойдаланиш;

б) шу корхонага тегишли бўлган товар ёки буюмлар захирасининг фақатгина сақлаш ёки намойиш қилиш мақсадларида ушлаб турилиши;

с) шу корхонага тегишли товар ёки буюмлар захирасининг бошқа корхона томонидан фақатгина қайта ишлаш мақсадларида ушлаб турилиши;

д) доимий фаолият жойининг фақатгина товар ёки буюмлар сотиб олиш ёки ушбу корхона учун ахборот йиғиш мақсадларида ушлаб турилиши;

е) доимий фаолият жойининг ана шу корхона мақсадлари учунгина бошқа ҳар қандай тайёргарлик ёки ёрдамчи тусдаги фаолиятни амалга ошириш мақсадлари йўлида ушлаб турилиши;

ф) доимий фаолият жойини а)-е) кичик бандларида эслатиб ўтилган фаолият турларининг ҳар қандай комбинациялашуви учунгина бундай доимий фаолият жойининг фаолияти ана шу комбинациялашувдан юзага келадиган умумий фаолият тайёргарлик ёки ёрдамчи тусда бўлган тақдирда сақлаб турилиши.

7. Ушбу модданинг 1- ва 2-бандлари қоидаларига қарамай, ушбу модданинг 8-банди қўлланиладиган мустақил мақомли агентдан бошқа шахс, Аҳдлашувчи Давлатнинг бирида бошқа Аҳдлашувчи Давлат корхонаси номидан иш юритса, унда бу корхона биринчи эслатиб ўтилган Аҳдлашувчи Давлатда ана шу шахс томонидан корхона учун амалга ошириладиган ҳар қандай фаолиятга нисбатан доимий муассасага эга деб қаралади, агар:

а) у биринчи эслатиб ўтилган Аҳдлашувчи Давлатда шундай корхона учун ёки унинг номидан шартномалар тузиш ваколатига эга бўлса ва одатда ундан фойдаланса, шундай шахснинг фаолияти 6-бандда эслатиб ўтилган фаолият билан чекланиб қолмасдан доимий фаолият жойи орқали амалга оширилса, ушбу бандга асосан ана шу доимий фаолият жойидан доимий муассасани ташкил этмайди;

б) у бундай ваколатга эга эмас, ammo биринчи эслатиб ўтилган Аҳдлашувчи Давлатда корхонага тегишли бўлган товар ва буюмлар захирасини ушлаб турса ва ундан ана шундай корхона учун ёки унинг номидан товар ва буюмлар сотса;

с) у биринчи эслатиб ўтилган Аҳдлашувчи Давлатда корхонанинг ўзи ёки шунга ўхшаш корхона ёхуд назорат қиладиган ёки унда назорат пакетига эга бўлган корхона учун тўлиқ ёки деярли тўлиқ кўрсатмаларни бажарса;

д) ўзининг шундай ваколати доирасида Аҳдлашувчи Давлатда шу корхона учун корхонага тегишли бўлган товар ёки буюмларни ишлаб чиқарса ёки қайта ишласа.

8. Аҳдлашувчи Давлатнинг корхонаси бошқа Аҳдлашувчи Давлатда брокер, коммиссионер ёки ҳар қандай бошқа мустақил мақомли агент орқали тадбиркорлик фаолиятини амалга оширса, бунда бу шахсларнинг ҳаракати ўзларининг одатдаги фаолияти доирасида бўлиши шарт билан бошқа Аҳдлашувчи Давлатда доимий муассасага эга деб қаралмайди. Агар, бундай шахснинг фаолияти ана шу корхона ёхуд назорат қиладиган ёки унда назорат пакетига эга бўлган корхона учун тўлиқ ёки деярли тўлиқ тааллуқли бўлса, у ушбу банд маъноси доирасида мустақил мақомли шахс сифатида қаралмайди.

9. Бир Аҳдлашувчи Давлат резиденти бўлган компания бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлган компанияни назорат қилса ёки назорат қилинса ёхуд ана шу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда тижорат фаолиятини (доимий муассаса орқали ёки бошқа тарзда) амалга ошираётган бўлса, бу ҳол ўз-ўзидан бу компаниялардан бирини бошқаси учун доимий муассасага айлантормайди.

#### **6-модда**

##### **Кўчмас мулкдан олинадиган даромадлар**

1. Бир Аҳдлашувчи Давлат резидентининг бошқа Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган кўчмас мулкдан оладиган даромадлари (жумладан, қишлоқ ва ўрмон хўжалигидан олинадиган даромадлар) ана шу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилиши мумкин, аммо шу тарзда ундириладиган солиқ шу солиқнинг эллик (50%) фоизига тенг бўлган суммага камайтиради.

2. «Кўчмас мулк» атамаси кўриб чиқиладиган мулк жойлашган Аҳдлашувчи Давлат қонунчилиги бўйича эга бўлган маънога эгадир. Ҳар қандай ҳолда ҳам ушбу атама ер устидаги мулкчиликка тааллуқли бўлган умумий қонунчилик қоидалари билан ҳуқуқи белгилаб берилган кўчмас мулкка тегишли бўлган мулкни, қишлоқ ва ўрмон хўжалигида ишлатиладиган чорва ва воситаларни ҳамда кўчмас мулк узфруктини, минераллар, манбалар ва бошқа табиий ресурсларнинг қатламларини қазийш учун товон сифатида тўланадиган ўзгармас тўловлар ҳуқуқини ёки минераллар, манбалар ва бошқа табиий ресурслар қатламларини қазийш ҳуқуқини ўз ичига олади; денгиз ва ҳаво кемалари ҳамда йўл транспорти воситалари кўчмас мулк сифатида қаралмайди.

3. 1-банд қоидалари кўчмас мулкдан тўғридан-тўғри фойдаланиш, ижарага бериш ёки бошқа ҳар қандай шаклда фойдаланишдан олинадиган даромадга нисбатан қўлланилади.

4. 1- ва 3-банд қоидалари корхонанинг кўчмас мулкдан олган даромадларига ва мустақил шахсий хизматларни амалга ошириш учун фойдаланадиган кўчмас мулкдан олган даромадларига ҳам қўлланилади.

#### **7-модда**

##### **Тадбиркорлик фаолиятдан олинадиган фойда**

1. Бир Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг фойдаси, агар корхона ўз тадбиркорлик фаолиятини бошқа Аҳдлашувчи Давлатда у ерда жойлашган доимий муассаса орқали амалга оширмаётган бўлса, фақат ана шу Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилади. Агар корхона ўз фаолиятини юқорида айтилганидек амалга ошираётган ёки амалга оширган бўлса, корхонанинг фойдаси бошқа Аҳдлашувчи Давлатда фақат доимий муассасага тегишли бўлган қисмигина солиққа тортилиши мумкин.

2. 3-банд қоидаларига мувофиқ, агар бир Аҳдлашувчи Давлатнинг корхонаси бошқа Аҳдлашувчи Давлатда у ерда жойлашган доимий муассаса орқали тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган бўлса, ҳар бир Аҳдлашувчи Давлатда бундай доимий муассасага ҳисобланадиган фойда у алоҳида ва мустақил корхона сифатида худди шундай ёки шунга ўхшаш фаолиятни худди шундай ёки шунга ўхшаш шартлар асосида амалга ошириб, доимий муассаса ҳисобланган корхонадан мутлақо мустақил равишда иш кўриб олиши мумкин бўлган фойда каби ўтказилади.

3. Доимий муассаса фойдасини аниқлашда ушбу доимий муассаса фаолияти мақсадлари учун сарфланган харажатларни, жумладан доимий муассаса жойлашган Давлатдаги ҳамда унинг ҳудудидан ташқаридаги каби фаолияти мақсадлари учун

сарфланган ижрочилик ва умумий маъмурий харажатларни қўлланадиган ҳар қандай қонунчилик актлари ва меъёрий ҳужжатларни ҳисобга олган ҳолда чегириб ташлашга йўл қўйилади. Бироқ, доимий муассаса томонидан унинг бош муассасасига ёки резидентнинг бошқа муассасаларидан исталган бирига роялти тўловлари, йиғимлар ёки патентлардан ёхуд бошқа ҳуқуқлардан фойдаланганлик учун бошқа шунга ўхшаш тўловлар йўли билан ёки кўрсатилган аниқ хизматлар ёки менеджментлик учун комиссия тўловларини тўлаш йўли билан ёки корхонанинг бош идорасига доимий муассасага берилган қарз миқдорига нисбатан фоизларни тўлаш йўли билан тўланган суммаларни, агарда улар ҳақиқатда мавжуд бўлса (ҳақиқий харажатларни қоплашдан ташқари) чегириб ташлашга йўл қўйилмайди. Шу тарзда доимий муассаса фойдасини аниқлашда доимий муассаса томонидан унинг бош муассасасига ёки резидентнинг бошқа муассасаларидан исталган бирига роялти тўловлари, йиғимлар ёхуд патентлардан ёки бошқа ҳуқуқлардан фойдаланганлик учун бошқа шунга ўхшаш тўловлар йўли билан ёки кўрсатилган аниқ хизматлар ёки менеджментлик учун комиссия тўловлар тўлаш йўли билан ёхуд корхонанинг бош идорасига ёки унинг бошқа идорасига берилган қарз миқдорига нисбатан фоизларни тўлаш йўли билан тўланган суммалар (ҳақиқий харажатларни қоплашдан ташқари) инobatга олинмайди.

4. Доимий муассаса томонидан корхона учун товар ёки буюмларнинг харид қилинишигагина асосланиб, доимий муассасага бирон-бир фойда ҳисобланмайди.

5. Аҳдлашувчи Давлатда доимий муассасага тегишли бўлган фойдани корхона оладиган умумий фойда миқдорини унинг турли бўлинмаларига пропорционал тақсимлаш асосида аниқлаш одатдаги амалиёт эканлигига қарамай, 2-банддаги ҳеч бир нарса, одатда қабул қилинганидек, бу Аҳдлашувчи Давлатга шундай тақсимлаш асосида солиққа тортиладиган фойдани аниқлашга ҳалақит бермайди; тақсимлашнинг танланган усули шундай бўлиши лозимки, натижа ушбу моддада мавжуд бўлган тамойилларга мувофиқ келиши лозим.

6. Агар Аҳдлашувчи Давлатнинг ваколатли органида бирон-бир шахснинг доимий муассасасига тегишли бўлган фойдасини аниқлаш учун етарли маълумот бўлмаса, ушбу моддадаги ҳеч бир нарса ана шу Аҳдлашувчи Давлатнинг шу Аҳдлашувчи Давлат ваколатли органи томонидан ушбу доимий муассасанинг солиққа тортиладиган фойдасини ҳисоблаб чиқиш йўли билан шу доимий муассасанинг солиқ жавобгарлигини аниқлашга тааллуқли бўлган ҳар қандай қонунчилик актини, бундай қонунчилик ваколатли органда мавжуд бўлган маълумотларни инobatга олган ҳолда, ушбу модда тамойилларига риоя этиш шартли билан қўлланишига ҳалақит бермайди.

7. Аввалги бандлар мақсадлари учун доимий муассасага тааллуқли бўлган фойда, агар унинг ўзгариши учун салмоқли ва етарли сабаблар бўлмаса, ҳар йили бир хил услубда аниқланади.

8. Қачонки, фойда ушбу Битимнинг бошқа моддаларида алоҳида айтиб ўтилган даромад турларини қамраб оладиган бўлса, унда бу моддаларнинг қоидаларига ушбу модда қоидалари таъсир этмайди.

## 8-модда

### Халқаро транспорт

1. Бир Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг халқаро ташишларда денгиз, ҳаво кемалари ёки йўл транспорти воситаларидан фойдаланишдан олган фойдаси фақат шу Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилади.

2. 1-банд қоидалари қўйидагиларга ҳам қўлланилади;

а) халқаро ташишларда фойдаланиладиган экипажсиз кемалар, самолётлар ёки йўл транспорти воситаларини ижарага беришдан, шу жумладан фрахтлаш асосида олинадиган тасодифий фойдаларга;

б) контейнерлардан фойдаланиш, сақлаш, ижарага бериш (жумладан трейлерлар ва контейнерларни ташиш билан боғлиқ бўлган бошқа ускуналар) бўйича олинадиган фойдаларга, агар бундай фойдалар 1-банд татбиқ этиладиган фойдаларга нисбатан қўшимча ёки тасодифий бўлса.

3. 1- ва 2-банд қоидалари пулда, қўшма фаолиятда ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш бўйича халқаро ташкилотда иштирок этишдан олинадиган фойдаларга нисбатан ҳам қўлланилади.

## 9-модда

### Бирлашган корхоналар

1. Агар:

а) Аҳдлашувчи Давлат корхонаси бошқа Аҳдлашувчи Давлат корхонасини бошқаришда, назорат қилишда ёки унинг капиталида бевосита ёки билвосита қатнашса,

б) ўша шахслар бир Аҳдлашувчи Давлат корхонасини ва бошқа Аҳдлашувчи Давлат корхонасини бошқаришда, назорат қилишда ёки капиталида бевосита ёки билвосита қатнашса ва ҳар қандай ҳолатда икки корхона ўртасида уларнинг тижорат ва молиявий муносабатларида мустақил корхоналар ўртасида яратиладигандан фарқли бўлган шароитлар вужудга келтирилса ёки белгиланса, бунда улардан бирига ҳисобланиши мумкин бўлган, аммо шундай шароитлар натижасида унга ҳисобланмаган ҳар қандай фойда ана шу корхонанинг даромади ёки фойдасига ҳисобланиши ва мувофиқ равишда солиққа тортилиши мумкин.

2. Қачонки, Аҳдлашувчи Давлат шу Давлат корхонаси фойдасига бошқа Аҳдлашувчи Давлат корхонаси бўйича ана шу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортиладиган фойдани киритса, тегишли тарзда солиққа тортса ва шу тариқа киритилган фойда, агар иккала корхона ўртасидаги муносабатлар икки мустақил корхона ўртасидаги муносабатлар каби бўлганида биринчи эслатилган Аҳдлашувчи Давлат корхонасига ҳисобланадиган фойда бўлса, у ҳолда ана шу бошқа Аҳдлашувчи Давлат шу Аҳдлашувчи Давлатга тегишли фойдадан олинадиган солиқ миқдорига зарур тузатишлар киритади. Бундай тузатишларни белгилашда ушбу Битимнинг бошқа қоидаларига тегишлича эътиборни қаратиши керак ва зарур бўлса Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари ўзаро маслаҳатлашувларни бошлашлари лозим.

## 10-модда

### Дивидендлар

1. Бир Аҳдлашувчи Давлат резиденти бўлган компания томонидан дивидендларнинг ҳақиқий эгаси ҳисобланган бошқа Аҳдлашувчи Давлат резидентига тўланадиган дивидендлар ана шу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. Бироқ, бундай дивидендлар, шунингдек дивидендларни тўлаётган компания резиденти бўлган ўша Аҳдлашувчи Давлатда, ана шу Давлатнинг қонунларига асосан ҳам солиққа тортилиши мумкин, агар олувчи дивидендларнинг ҳақиқий эгаси бўлса, унда шу тарзда ундириладиган солиқ қўйидагилардан ошмаслиги лозим;

а) агар дивидендларнинг ҳақиқий эгаси (ширкатдан бошқа) дивиденд тўлаётган компания капиталининг камида 25 фоизига бевосита ёки билвосита эга бўлган компания бўлса, дивидендлар ялпи суммасининг 5 фоизидан;

б) бошқа барча ҳолларда дивидендлар ялпи суммасининг 10 фоизидан.

Бу банд компаниянинг дивидендлар тўланадиган фойдасини солиққа тортишга тааллуқли эмас.

3. 1 - ва 2-банд қоидаларига қарамай, Аҳдлашувчи Давлат резиденти томонидан тўланадиган дивидендлар, агарда дивидендларнинг ҳақиқий эгаси 4-модданинг 2-бандида белгиланганидек, бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлса, ана шу Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилмайди.

4. «Дивидендлар» атамаси, ушбу моддада қўлланилганда акциялардан, акциялардан фойдаланиш ёки ҳуқуқлардан фойдаланиш, тоғ-кон саноати акциялари, таъсисчилар акцияларидан ёки қарз талабларидан олинadиган даромад каби фойдада иштирок этишдаги бошқа ҳуқуқлардан фойдаланишдан олинadиган даромадларни, шунингдек фойдани тақсимловчи компания резиденти бўлган Аҳдлашувчи Давлатнинг қонунларига мувофиқ акциялардан олинadиган даромад каби худди шундай солиқ бошқарувига тааллуқли бўлган бошқа ҳуқуқлардан олинadиган даромадларни англатади.

5. Агар дивидендларнинг ҳақиқий эгаси бир Аҳдлашувчи Давлат резиденти бўлган ҳолда шу дивидендларни тўлаётган компания резидент бўлган бошқа Аҳдлашувчи Давлатда ўз фаолиятини у ерда жойлашган доимий муассаса орқали амалга оширса ёки ушбу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда мустақил шахсий хизматларни у ерда жойлашган доимий база орқали кўрсатса ва дивидендлар тўланадиган ҳолдинг асида шу доимий муассаса ёки доимий база билан боғлиқ бўлса, 1-банд қоидалари қўлланилмайди.

Бундай ҳолда, вазиятга қараб, 7-модда ёки 14-модданинг қоидалари қўлланилади.

6. Агар бир Аҳдлашувчи Давлат резиденти бўлган компания бошқа Аҳдлашувчи Давлатдан фойда ёки даромад олаётган бўлса, ана шу бошқа Аҳдлашувчи Давлат компания тўлаётган дивидендларни солиққа тортмаслиги мумкин, бунда дивидендлар ана шу бошқа Аҳдлашувчи Давлат резидентига тўланадиган ёки дивидендлар тўланадиган ҳолдинг шу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган доимий муассаса ёки доимий база билан ҳақиқатда боғлиқ бўлган ҳоллар бундан мустасно, шунингдек компаниянинг тақсимланмаган фойдаси ҳатто тўланаётган дивидендлар ёки тақсимланмаган фойда ана шу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда тўла ёки қисман ҳосил бўлган фойда ёки даромаддан ташкил топган бўлса ҳам компаниянинг тақсимланмаган фойдасидан солиқлар олинмайди.

#### **11-модда** **Фоизлар**

1. Аҳдлашувчи Давлатларнинг бирида ҳосил бўлган ва бошқа Аҳдлашувчи Давлат резидентига тўланадиган фоизлар ана шу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. Бирок, бундай фоизлар, шунингдек дивидендларни тўлаётган компания резиденти бўлган ўша Аҳдлашувчи Давлатда ана шу Давлатнинг қонунларига асосан ҳам солиққа тортилиши мумкин, агар олувчи фоизларнинг ҳақиқий эгаси бўлса, унда шу тарзда ундириладиган солиқ фоизлар ялпи миқдорининг 8 фоизидан ошмаслиги керак.

3. 1 - ва 2-банд қоидаларига қарамай, Аҳдлашувчи Давлат резиденти томонидан тўланадиган фоизлар, агарда фоизнинг ҳақиқий эгаси 4-модданинг 2-бандида белгиланганидек бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти томонидан олинган бўлса, солиқдан озод этилади.



4. «Фоишлар» атамаси ушбу моддада қўлланилганда ипотека таъминотидан қатъи назар ва қарздорнинг фойдаларида иштирок этиш ҳуқуқидан ва хусусан, ҳукумат қимматбаҳо қоғозларидан олинадиган даромад ва облигация ёки қарз мажбуриятларидан олинадиган даромаддан, жумладан, ана шу қимматбаҳо қоғозлар, облигация ёки қарз мажбуриятлари бўйича олинадиган мукофот ва ютуқлардан қатъи назар, ҳар қандай турдаги қарз мажбуриятларидан олинадиган даромадни, шунингдек даромад вужудга келадиган ўша Аҳдлашувчи Давлатнинг қонунчилиги бўйича пуллик ссудадан олинадиган даромад каби солиқ бошқарувига тааллуқли бўлган даромадни англалади.

5. Агар фоишларнинг ҳақиқий эгаси Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг резиденти бўла туриб, фоишлар ҳосил бўлаётган бошқа Аҳдлашувчи Давлатда у ерда жойлашган доимий муассаса орқали тижорат фаолиятини олиб бораётган бўлса ёки ушбу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган доимий база орқали мустақил шахсий хизматлар кўрсатаётган бўлса ва фоишлар тўланаётган қарз талаблари шундай доимий муассаса ёки доимий база билан ҳақиқатда боғлиқ бўлса, 1-банд қоидалари қўлланилмайди. Бундай ҳолда, вазиятга қараб, 7-модда ёки 14-модда қоидалари қўлланилади.

6. Қачонки, фоишларни тўловчи Аҳдлашувчи Давлатнинг ўзи, шу Давлатнинг маҳаллий ҳокимияти ёки резиденти бўлса, фоишлар Аҳдлашувчи Давлатда ҳосил бўлган, деб ҳисобланади. Бироқ, фоишларни тўловчи шахс Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлиш ёки бўлмаслигидан қатъи назар, Аҳдлашувчи Давлатда доимий муассаса ёки доимий базага эга бўлса, шу туфайли қарз бўйича фоишлар тўлаш мажбурияти вужудга келган бўлса ва шундай фоишлар тўлаш бўйича харажатларни доимий муассаса ёки доимий база амалга оширса, бунда фоишлар доимий муассаса ёки доимий база жойлашган ўша Аҳдлашувчи Давлатда вужудга келган деб ҳисобланади.

7. Агар тўловчи билан амалда фоишлар олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ўртасидаги ёки улар иккаласи ва ҳар қандай бошқа шахс ўртасидаги алоҳида муносабатлар оқибатида фоишлар миқдори тўловчи билан амалда фоишлар олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ўртасида келишиб олиниши мумкин бўлган миқдордан ортик бўлса, бундай муносабатлар йўқ бўлган тақдирда, ушбу модда қоидалари фақат охириги эслатилган миқдорга нисбатан қўлланилади. Бундай ҳолда, тўловнинг ортикча қисмидан ушбу Битимнинг бошқа қоидаларини инобатга олган ҳолда, ҳар бир Аҳдлашувчи Давлат қонунчилигига мувофиқ, аввалгидек солиққа тортилади.

#### **12-модда** **Роялти**

1. Бир Аҳдлашувчи Давлатда ҳосил бўладиган ва бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резидентига тўланадиган роялтилар ана шу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. Бироқ, бу роялтилар, шунингдек улар ҳосил бўладиган Аҳдлашувчи Давлатда ана шу Аҳдлашувчи Давлатнинг қонунларига мувофиқ солиққа тортилиши мумкин, агар роялтиларнинг ҳақиқий эгаси бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлса, бундай ҳолда, шу тарзда ундириладиган солиқ роялтилар ялпи миқдорининг 20% (йигирма фоиш)дан ошмаслиги керак.

3. «Роялти» атамаси ушбу моддада қўлланилганда ҳар қандай адабиёт, санъат ва илмий асарларни, шу жумладан кинофильм ва ёзувлар ёки радио ва телевидение учун бошқа сахна ёки овозли асарлар, ҳар қандай патент, товар белгиси, чизма ёки моделлар, режа, махфий формула ёки жараёнлар учун муаллифлик ҳуқуқидан фой-

даланганлик ёки шу ҳуқуқдан фойдаланиш ҳуқуқи учун ёки саноат, тижорат, илмий асбоб-ускуналардан фойдаланиш ҳуқуқидан фойдаланганлик ёки фойдаланиш ҳуқуқи учун ёки саноат, тижорат ёхуд илмий тажрибага мансуб ахборот (ноу-хау) учун мукофот тарзида олинadиган ҳар қандай кўринишдаги тўловларни англатади.

4. Агар роялтиларнинг ҳақиқий эгаси бир Аҳдлашувчи Давлат резиденти бўла туриб, роялти ҳосил бўлаётган бошқа Аҳдлашувчи Давлатда у ерда жойлашган доимий муассаса орқали тижорат фаолиятини амалга ошираётган бўлса, ёки ушбу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда у ерда жойлашган доимий база орқали мустақил шахсий хизматларни амалга ошираётган бўлса, ва роялти тўланаётган ҳуқуқ ёки мулк шундай доимий муассаса ёки доимий база билан ҳақиқатдан боғлиқ бўлса, 1- ва 2-бандлар қоидалари қўлланилмайди. Бу ҳолда вазиятга қараб, 7-модда ёки 14-модданинг қоидалари қўлланилади.

5. Агар тўловчи шу Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлса, роялти Аҳдлашувчи Давлатда ҳосил бўлган деб ҳисобланади. Бироқ, роялтини тўловчи шахс Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлиш ёки бўлмаслигидан қатъи назар, Аҳдлашувчи Давлатда роялтини тўлаш мажбурияти зиммасига тушган доимий муассасага ёки доимий базага эга бўлса, ва бу доимий муассаса ёки база тўлов харажатларини тўласа, бундай роялтилар доимий муассаса ёки доимий база жойлашган ўша Аҳдлашувчи Давлатда вужудга келган деб ҳисобланади.

6. Агар тўловчи билан амалда роялти ҳуқуқига эга шахс ўртасидаги ёки уларнинг иккаласи ва ҳар қандай бошқа шахс ўртасидаги алоҳида муносабатлар оқиба-тида роялтидан фойдаланишга, фойдаланиш ҳуқуқига ёки ахборот учун тўланадиган роялтининг миқдори тўловчи ва амалда шу даромадлар ҳуқуқига эга шахс ўртасида келишиб олинishi мумкин бўлган миқдордан ортиқ бўлса, бундай муносабатлар йўқ бўлган тақдирда, ушбу модда қоидалари фақат охири эслатилган миқдорга нисбатан қўлланилади. Бундай ҳолда, тўловнинг ортиқча қисми ушбу Битимнинг бошқа қоидаларини инобатга олган ҳолда ҳар бир Аҳдлашувчи Давлатнинг қонунчилигига мувофиқ аввалгидек солиққа тортилади.

### 13-модда

#### Капитал қийматининг ўсишидан олинadиган даромадлар

1. Бир Аҳдлашувчи Давлат резидентининг 6-моддада кўрсатилган ва бошқа Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган кўчмас мулкни бегоналаштиришдан оладиган даромадлари ана шу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилиши мумкин, аммо бундай солиқ 50% (эллик фоиз)га камайтирилиши лозим.

2. Бир Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг бошқа Аҳдлашувчи Давлатда эга бўлган доимий муассасаси тижорат мулкнинг бир қисмини ташкил этувчи кўчар мулкни бегоналаштиришдан олган ёки бир Аҳдлашувчи Давлат резидентининг бошқа Аҳдлашувчи Давлатда мустақил шахсий хизматларни амалга оширишида бемалол фойдаланиши мумкин бўлган доимий базага тааллуқли кўчар мулкни бегоналаштиришдан олган даромадлари, жумладан ана шу доимий муассасани (алоҳида ёки корхона билан биргаликда) ёки шундай доимий базани бегоналаштиришдан олган даромадлари ана шу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилиши мумкин, аммо бундай солиқ (50%га) эллик фоизга камайтирилиши лозим.

3. Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг халқаро ташишларда фойдаланadиган денгиз, ҳаво кемалари ёки йўл транспорти воситаларини бегоналаштиришдан ёки шундай денгиз, ҳаво кемалари ёки йўл транспорти воситаларидан фойдаланишга тааллуқли бўлган кўчар мулкни бегоналаштиришдан оладиган даромадлари фақат ана шу Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилади.

4. 1-, 2- ва 3-бандларда санаб ўтилмаган ҳар қандай бошқа мулкни бегоналаштиришдан олинadиган даромадлар фақат мулкни бегоналаштирувчи шахс резиденти бўлган ўша Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

#### **14-модда**

##### **Мустақил шахсий хизматлар**

1. Бир Аҳдлашувчи Давлат резидентининг касбий хизматлар ёки мустақил тарздаги бошқа фаолиятдан олган даромадлари фақат шу Давлатда солиққа тортилади, қачонки бундай даромаднинг агар у ўз фаолиятини амалга ошириш учун бошқа Аҳдлашувчи Давлатда мунтазам қулай бўлган доимий базага эга бўлиб, шу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилиши ҳоллари бундан мустасно; бундай ҳолатда бошқа Давлатда фақатгина ана шу доимий базага тааллуқли бўлган қисмигина солиққа тортилиши мумкин.

2. «Касбий хизматлар» атамаси, хусусан мустақил илмий, адабий, бадий, таълим ва ўқитувчилик фаолиятларини, шунингдек шифокорлар, юристлар, муҳандислар, меъморлар, стоматологлар ва бухгалтерларнинг мустақил фаолиятини қамраб олади.

#### **15-модда**

##### **Ёлланма шахсий хизматлар**

1. 16-, 18- ва 19-моддаларнинг қоидаларини ҳисобга олган ҳолда, бир Аҳдлашувчи Давлат резидентининг ёлланма ишга нисбатан оладиган иш ҳақи ва шунга ўхшаш бошқа тақдирлаш ҳақлари, агар ёлланма иш бошқа Аҳдлашувчи Давлатда амалга оширилмаётган бўлса, фақат ана шу Давлатда солиққа тортилади. Агар шахсий хизматлар шу тарзда бажариладиган бўлса, унда шу муносабат билан олинган тақдирлаш ҳақлари ана шу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. 1-банд қоидаларига қарамай, бир Аҳдлашувчи Давлат резидентининг бошқа Аҳдлашувчи Давлатда амалга оширадиган ёлланма ишга нисбатан оладиган тақдирлаш ҳақлари фақат биринчи эслатилган Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилади, агар:

а) олувчи бошқа Аҳдлашувчи Давлатда кўриб чиқиладиган молия йилида бошланadиган ёки тугайдиган ҳар қандай кўриб чиқиладиган ўн икки ойлик давр доирасида жами 183 кундан ошмайдиган давр ёки даврлар мобайнида бўлиб турса;

б) тақдирлаш ҳақлари бошқа Аҳдлашувчи Давлат резиденти бўлмаган ёлловчи томонидан ёки ёлловчи номидан тўланадиган бўлса;

с) тақдирлаш ҳақлари бўйича харажатларни ёлловчи бошқа Аҳдлашувчи Давлатда эга бўлган доимий муассаса ёки доимий база ўз зиммасига олмаса.

3. Ушбу модданинг юқоридаги қоидаларига қарамай, Аҳдлашувчи Давлат корхонаси томонидан халқаро ташишларда фойдаланиладиган денгиз, ҳаво кемалари бортида ёки йўл транспорти воситаларида амалга ошириладиган ёлланма ишга нисбатан оладиган тақдирлаш ҳақлари фақат ана шу Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилади.

4. Аҳдлашувчи Давлатнинг фуқароси бўлган ва бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг бош миллий авиаташувчи идораси томонидан бошқа Аҳдлашувчи Давлатда тайинланган жисмоний шахс ана шу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда унинг тақдирлаш ҳақларидан ундириладиган солиқдан озод этилади.

**16-модда**  
**Директорлар гонорарлари**

Директорларнинг гонорарлари ва бир Аҳдлашувчи Давлат резидентининг бошқа Аҳдлашувчи Давлат резиденти бўлган компания Директорлар кенгаши ёки унинг шунга ўхшаш бошқа идораларнинг аъзоси сифатида оладиган шу каби бошқа тўловлари фақат ана шу биринчи эслатиб ўтилган Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилади.

**17-модда**  
**Санъат ходимлари ва спортчилар**

1. 14- ва 15-моддаларнинг қоидаларига қарамай, бир Аҳдлашувчи Давлат резидентининг театр, кино, радио ёки телевидение артисти ёки мусикачи каби санъат ходими сифатида ёки спортчи сифатида бошқа Аҳдлашувчи Давлатда амалга ошираётган шахсий фаолиятдан оладиган даромадлари ана шу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. Қачонки, санъат ходими ёки спортчининг амалга оширадиган шахсий фаолиятдан олинадиган даромади санъат ходими ёки спортчининг ўзига эмас, балки бошқа шахсга ёзилган ҳолатда, бу даромад 7-, 14- ва 15-моддаларнинг қоидаларига қарамай, санъат ходими ёки спортчи фаолият кўрсатаётган ўша Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилади.

3. 1- ва 2-бандларнинг қоидалари санъат ходими ёки спортчи томонидан Аҳдлашувчи Давлатда амалга ошириладиган фаолиятдан олинган даромадларга, агарда бу Давлатга бўладиган ташриф бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг жамоат жамғармалари, жумладан маъмурий-худудий бўлинма, маҳаллий ҳокимият идораси томонидан тўлиқ маблағ билан таъминланса, тааллуқли бўлмайди. Бундай ҳолатда бундай даромад фақатгина санъат ходими ёки спортчи резидент бўлган ўша Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилади.

**18-модда**  
**Нафақа ва аннуитетлар**

1. 19-модданинг 2-банди қоидаларини ҳисобга олиб, Аҳдлашувчи Давлат резидентига аввалги ёлланма иш учун товон сифатида тўланадиган нафақа ва бошқа шунга ўхшаш тақдирлаш ҳақлари ҳамда аннуитетлар фақат ана шу Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилади.

2. Ушбу моддада қўлланилганда:

а) «Нафақа ва бошқа шунга ўхшаш тақдирлаш ҳақлари» атамаси бўшагандан сўнг ёллаш бўйича аввалги ишни қоплаб бериш учун қилинган ёки охириги ёллаш бўйича иш сабабли олинган жароҳат учун товон сифатидаги тўлов йўли билан олинадиган даврий тўловларни англатади;

б) «аннуитет» атамаси белгиланган муддатда даврий равишда тўланадиган даврий тўловларни ёки шундай тўловларни тўлаш мажбуриятига мувофиқ, маълум ёки белгиланган давр мобайнида пул ёки пул қийматида қоплаб бериш эвазига жисмоний шахсга ҳаёти мобайнида тўланадиган белгиланган суммани англатади.

**19-модда**  
**Ҳукумат хизмати**

1. а) Аҳдлашувчи Давлат ёки унинг маъмурий-худудий бўлинмаси ёхуд маҳаллий ҳокимият органлари томонидан шу Аҳдлашувчи Давлатга ёки унинг маъмурий-

худудий бўлинмаси ёхуд маҳаллий ҳокимият органларига кўрсатган хизматларига нисбатан жисмоний шахсга тўланадиган иш ҳақи, маош ва шунга ўхшаш тақдирлаш ҳақлари, нафақа бундан мустасно, фақат ана шу Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилади;

б) бироқ, бундай иш ҳақи, маош ва шунга ўхшаш тақдирлаш ҳақлари фақат бошқа Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилади, агар хизматлар ана шу Аҳдлашувчи Давлатда амалга оширилса ва жисмоний шахс шу Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлса:

(1) ана шу Аҳдлашувчи Давлатнинг фуқароси бўлса;

(2) фақат шундай хизмат кўрсатиш учунгина шу Давлатнинг резиденти бўлган бўлмаса.

2. а) Аҳдлашувчи Давлат ёки маъмурий-худудий бўлинмаси ёхуд маҳаллий ҳокимият идоралари томонидан ёки улар тузган жамғармалар томонидан шу Аҳдлашувчи Давлатга ёки маъмурий-худудий бўлинмаси ёхуд унинг маҳаллий ҳокимият идорасига кўрсатилган хизматларга нисбатан тўланадиган ҳар қандай нафақа фақат ана шу Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилади;

б) бироқ, агар жисмоний шахс ана шу Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти ва фуқароси бўлса, бундай нафақа бошқа Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

3. 15-, 16- ва 18-моддаларнинг қоидалари Аҳдлашувчи Давлат ёки маъмурий-худудий бўлинмаси ёхуд унинг маҳаллий ҳокимият идоралари томонидан амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти муносабати билан кўрсатиладиган хизматларга нисбатан тўланадиган маош, иш ҳақи ва шунга ўхшаш тақдирлаш ҳақлари ва нафақаларга нисбатан қўлланилади.

## **20-модда**

### **Талаба ва стажёрлар**

Аҳдлашувчи Давлатлардан бирига келгунга қадар бевосита бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти ҳисобланиб турган ёки бўлган ва биринчи эслатилган Давлатда фақатгина ўқиш ёки маълумот олиш мақсадидагина яшаб турган талаба ёки стажёрнинг яшаши, ўқиши ва маълумот олиши учун мўлжалланган тўловлар ана шу Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилмайди.

## **21-модда**

### **Бошқа даромадлар**

Аҳдлашувчи Давлат резидентининг ушбу Битимнинг олдинги моддаларида айтиб ўтилмаган даромад турлари, даромаднинг қаерда пайдо бўлишидан қатъи назар, фақат ана шу Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилади.

## **22-модда**

### **Капитал**

1. Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг резидентига тегишли бўлган, 6-моддада эслатиб ўтилган кўчмас мулкдан иборат бўлган ва бошқа Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган капитал ана шу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. Кўчар мулкдан иборат бўлиб, бир Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг бошқа Аҳдлашувчи Давлатда эга бўлган доимий муассасаси тижорат мулкининг бир қисмини ташкил этувчи ёки бир Аҳдлашувчи Давлатнинг бошқа Аҳдлашувчи Давлатда мустақил шахсий хизматлар кўрсатиш мақсадида фойдаланиши мумкин бўлган

доимий базага тегишли кўчар мулкдан иборат бўлган капитали ана шу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

3. Аҳдлашувчи Давлат корхонаси томонидан халқаро ташишларда фойдаланиладиган кема, самолёт ва йўл транспорти воситалари тарзидаги ва шундай кема, самолёт ва йўл транспорти воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган кўчар мулк тарзидаги капитал фақат шу Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилади.

4. Аҳдлашувчи Давлат резиденти капиталининг бошқа барча элементлари фақат шу Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилади.

### **23-модда**

#### **Икки ёқлама солиққа тортишни бартараф этиш**

1. Ҳар қайси Аҳдлашувчи Давлатнинг амалдаги қонунчилиги Аҳдлашувчи Давлатда амалда бўлган солиққа тортишга нисбатан қўлланишда давом этади, қачонки, қоидалари ушбу Битимда кўзда тутилганга нисбатан қарама-қарши келган ҳоллар бундан мустасно.

2. Келишиб олиндики, икки ёқлама солиққа тортиш ушбу модданинг қуйидаги бандларига асосан бартараф этилиши мумкин:

(1) а) Қувайтга нисбатан:

Қачонки, Қувайт резиденти ушбу Битимнинг қоидаларига мувофиқ Ўзбекистонда ва Қувайтда солиққа тортилиши мумкин бўлган даромад олса, ёки мулкка эга бўлса, Қувайт резидентининг Ўзбекистонда солиққа тортиладиган даромад солиғига тенг миқдорни даромад солиғи суммасидан ва шу резидентнинг шундай капитал солиғидан чегирма сифатида Ўзбекистонда тўланган капитал солиғига тенг миқдорни чегириб ташлайди;

Ҳар қандай ҳолатда ҳам бундай чегирмалар, ушбу ҳолатдаги даромадга ёки мулкка тааллуқли чегирмагача ҳисоблаб чиқилган, вазиятга боғлиқ равишда Ўзбекистонда солиққа тортилиши мумкин бўлган даромад ёки капитал солиғи қисмидан ошиб кетмаслиги керак.

б) Ўзбекистонга нисбатан:

Қачонки, Ўзбекистон резиденти ушбу Битимнинг қоидаларига мувофиқ, Қувайтда солиққа тортилиши мумкин бўлган даромад олса ёки мулкка эга бўлса, Ўзбекистон:

1) ушбу резидентнинг даромад солиғидан Қувайтда тўланган даромад солиғига тенг миқдорни чегириб ташлашга;

2) ушбу резидентнинг мол-мулк солиғидан Қувайтда тўланган мол-мулк солиғига тенг миқдорни чегириб ташлашга рухсат бериши керак.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам бундай чегирмалар, ушбу ҳолатдаги даромадга ёки мулкка тааллуқли чегирмагача ҳисоблаб чиқилган, вазиятга боғлиқ равишда Қувайтда солиққа тортилиши мумкин бўлган даромад ёки мол-мулк солиғи қисмидан ошиб кетмаслиги керак.

(2) Ушбу кичик банднинг 1 банди мақсадлари учун 2-модданинг 3-банди а) кичик бандида эслатиб ўтилган Закоат даромад солиғи сифатида қаралади.

3. Қачонки, солиқ миқдори Аҳдлашувчи Давлатнинг ички қонунчилиги билан тақдим этиладиган белгиланган махсус имтиёзли тадбирларга мувофиқ, солиққа тортишдан озод этилса ёки камайтирилса, бунда у Аҳдлашувчи Давлатда тўланган деб ҳисобланади ва у бошқа Аҳдлашувчи Давлат солиғидан чегириб ташланади.

### **24-модда**

#### **Камситмаслик**

1. Жисмоний шахс — бир Аҳдлашувчи Давлатнинг фуқароси бошқа Аҳдлашувчи

Давлатда жисмоний шахс — бошқа Аҳдлашувчи Давлат фуқароларига айна бир хил шароитларда солиниши мумкин бўлганидан ортиқ ҳар қандай солиқ ёки унга алоқадор мажбуриятларга, солиққа тортишдан кўра мушкулроқ ёки унга алоқадор ҳолатларга дучор қилинмайдилар.

2. Бир Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг бошқа Аҳдлашувчи Давлатда эга бўлган доимий муассасасини солиққа тортиш ушбу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда айнан шундай фаолиятни бундай вазиятда амалга оширувчи учинчи давлат корхоналарини солиққа тортишдан кўра ёмонроқ бўлмайди. Ушбу қоида бир Аҳдлашувчи Давлатни бошқа Аҳдлашувчи Давлат резидентини солиққа тортиш мақсадларида ўз резидентларига уларнинг фуқаролик мавқеи ёки оилавий шароити асосида берадиган ҳар қандай шахсий солиқ имтиёзлари, камайтириш ва чегирмалар беришга мажбурловчи тарзда талқин қилинмаслиги лозим.

3. а) Ўзбекистонга нисбатан:

Капитали тўлиқ ёки қисман ёхуд бевосита ёки билвосита бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг бир ёки бир неча резидентларига тегишли бўлиб, назорат қилинаётган Аҳдлашувчи Давлат корхонаси биринчи эслатилган Давлатнинг шундай корхоналарига солинадиган ёки солиниши мумкин бўлган ҳар қандай солиқ солиш ёки унга алоқадор мажбуриятларга, бошқа ёки солиқ солишдан кўра мушкулроқ ва у билан боғлиқ бўлган мажбуриятларга дучор қилинмайди;

б) Қувайтга нисбатан:

Капитали тўлиқ ёки қисман ёхуд бевосита ёки билвосита бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг бир ёки бир неча резидентларига тегишли бўлиб назорат қилинаётган Аҳдлашувчи Давлат корхонаси биринчи эслатилган Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортиш объекти ҳисобланган, капитали тўлиқ ёки қисман ёхуд бевосита ёки билвосита ҳар қандай учинчи томоннинг бир ёки бир неча резидентларига тегишли бўлган ёки назорат қилинаётган шу каби корхоналарига солинадиган ёки солиниши мумкин бўлган ҳар қандай солиқ солиш ёки унга алоқадор мажбуриятларга, бошқа ёки солиқ солишдан кўра мушкулроқ ва у билан боғлиқ бўлган мажбуриятларга дучор қилинмайди.

4. Ушбу моддадаги ҳеч бир нарса Аҳдлашувчи Давлатда бошқа Аҳдлашувчи Давлат резидентларига биринчи эслатиб ўтилган Аҳдлашувчи Давлат томонлардан бири бўлиши мумкин бўлган божхона иттифоқлари, иқтисодий иттифоқлар, эркин савдо зонаси ёки ҳар қандай минтақавий ёхуд ички минтақавий тузилмалар ташкил этиш орқали тўлиқ ёки асосан солиққа тортиш ёхуд капитал ҳаракати билан боғлиқ бўлган ва учинчи давлатга ёки унинг резидентларига берилиши мумкин бўлган ҳар қандай шартноманинг фойдаси, переференция ёки имтиёзларни бериш бўйича юридик мажбуриятларни юклаш тарзида талқин қилинмайди.

5. Ушбу моддадаги «солиққа тортиш» атамаси ушбу Битимда қўлланиладиган солиқларни англатади.

## 25-модда

### Ўзаро келишув процедураси

1. Агар шахс Аҳдлашувчи Давлатлардан бири ёки ҳар иккаласининг фаолияти унга ушбу Битимда назарда тутилганига мувофиқ келмайдиган солиққа тортишга олиб келади ёки олиб келиши мумкин деб ҳисобланса, у ушбу давлатларнинг ички қонунчилигида назарда тутилган ҳимоя воситаларидан қатъи назар, ўз аризасини ўзи резидент бўлган Аҳдлашувчи Давлатнинг ваколатли органига ёки, агарда унинг ҳолати Битимнинг 25-моддаси 1-бандига мувофиқ келса, ўзи фуқароси бўлган Аҳдлашувчи Давлатнинг ваколатли органига тақдим этиши мумкин. Бу ариза ушбу Битим

қоидаларига номувофиқ солиққа тортишга олиб келувчи хатти-ҳаракатлар тўғрисида биринчи бор билдирилган вақтдан бошлаб уч йил мобайнида берилиши керак.

2. Ваколатли орган эътирозини асосли деб топса ва унинг ўзи қониқтирадиган қарорга кела олмаса, масалани ушбу Конвенцияга мувофиқ келмайдиган солиққа тортишни бартараф этиш мақсадида, бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг ваколатли органи билан ўзаро келишиб ҳал этишга ҳаракат қилади. Эришилган ҳар қандай келишув Аҳдлашувчи Давлатлар ички қонунчилигидаги ҳар қандай вақтинча чеклашларга қарамай бажарилиши керак.

3. Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари ушбу Битимни талқин қилиш ёки қўллашда юзага келадиган ҳар қандай қийинчилик ва иккиланишларни ўзаро келишув бўйича ҳал қилишга ҳаракат қиладилар. Улар шунингдек, Битимда кўзда тутилмаган ҳолларда икки ёклама солиққа тортишни бартараф этиш учун бир-бирлари билан маслаҳатлашишлари мумкин.

4. Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари олдинги бандлар маъносида ҳамфикрликка эришиш мақсадида, бир-бирлари билан бевосита алоқада бўлиб туришлари мумкин.

### **26-модда** **Ахборот алмашиш**

1. Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари ушбу Битим қоидаларини ёки Аҳдлашувчи Давлатларнинг ушбу Битим қамраб оладиган солиқларига тегишли бўлган ички қонунчилигини амалга ошириш учун зарур бўлган ахборот билан бу қонунчилик бўйича солиққа тортиш Битимга зид тушмайдиган даражада алмашиб турадилар. Аҳдлашувчи Давлат олган ҳар қандай ахборот, ушбу Аҳдлашувчи Давлатнинг ички қонунларига мувофиқ олинган маълумот каби махфий ҳисобланади, ва фақат аниқлаш ёки ундириш, мажбурий ундириш ёки суд орқали таъқиб этиш билан ёки ушбу Битим татбиқ этиладиган солиқларга нисбатан апелляцияларни кўриб чиқувчи шахслар ёки органларгагина, жумладан судлар ва маъмурий идораларга ҳам очилади. Бу шахслар ёки органлар ахборотдан фақат шундай мақсадларда фойдаланадилар. Улар ушбу ахборотни очик суд мажлисида ёки юридик қарорлар қабул қилиш чоғида очишлари мумкин.

2. Ҳеч қандай ҳолатда ушбу модданинг 1-банди қоидалари Аҳдлашувчи Давлатлардан бирини қуйидагиларга мажбурловчи тарзда талқин қилинмайди:

а) у ёки бу Аҳдлашувчи Давлатлар қонунчилиги ёки одатдаги маъмурий амалиётига зид маъмурий чоралар ўтказиш;

б) у ёки бу Аҳдлашувчи Давлат қонунчилигига кўра ёки одатдаги маъмурий амалиёти давомида олиниши мумкин бўлмаган ахборотни тақдим этиш;

с) савдо, тадбиркорлик, саноат, тижорат ёки касб сири ёхуд савдо жараёнини очиб ташловчи ахборотни ёки очилиши давлат сиёсатига (жамоат тартибига) зид келувчи ахборотни тақдим этиш.

### **27-модда** **Ҳар хил қоидалар**

1. Ушбу Битимнинг қоидалари ҳозирги пайтда ёхуд келгусида ҳар қандай кўринишдаги истисно тариқасида озод этиш, чегирмалар, ҳисобга олиш ёки бошқа имтиёзларни чекловчи сифатида қаралмайди:

а) Аҳдлашувчи Давлат қонунчилиги билан шу Аҳдлашувчи Давлат томонидан ундириладиган солиқларни аниқлашда;



б) Аҳдлашувчи Давлатлар ўртасида иқтисодий ёки техник ҳамкорлик муносабати билан солиққа тортиш бўйича бошқа ҳар қандай махсус қоидалар билан.

2. Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари ушбу Битимнинг қоидаларини ижро этиш тартибларини белгилашлари мумкин.

### **28-модда**

#### **Дипломатик миссия ва консуллик муассасалари аъзолари**

Ушбу Битимнинг ҳеч бир қоидаси дипломатик миссия ва консуллик муассасалари ёки халқаро ташкилотлар аъзоларининг халқаро ҳуқуқнинг умумий меъёрларига ёки махсус битимларнинг қоидаларига мувофиқ белгилаб қўйилган солиқ имтиёзларига дахл қилмайди.

### **29-модда**

#### **Кучга кириши**

Аҳдлашувчи Давлатларнинг ҳар бири ушбу Битимнинг кучга кириши учун конституциявий процедуралар тугатилганлиги тўғрисида бир-бирларига дипломатик каналлар орқали хабар берадилар, Ушбу Битим бундай сўнгги хабарнома берилган санадан бошлаб кучга киради ва унинг қоидалари ҳар икки Аҳдлашувчи Давлатда қуйидагиларга нисбатан қўлланилади:

а) ушбу Битим кучга кирадиган йилдан бевосита кейинги тақвимий йилнинг биринчи январидан бошлаб ёки шу санадан кейин олинган даромад манбаларидан ундириладиган солиқларга нисбатан;

б) ушбу Битим кучга кирадиган йилдан кейинги тақвимий йилнинг биринчи январидан бошлаб ёки шу санадан кейинги ҳар бир солиқ йили учун ундириладиган бошқа солиқларга нисбатан.

### **30-модда**

#### **Давомийлиги ва амал қилишининг тўхтатилиши**

Ушбу Битим беш йил муддат мобайнида амал қилади ва Аҳдлашувчи Давлатлардан бири ушбу Битимнинг амал қилишини тўхтатиш нияти тўғрисида олдинги ёки кейинги муддатнинг тугашига олти ой қолгунга қадар дипломатик каналлар орқали ёзма равишда бошқа Аҳдлашувчи Давлатни хабардор этмаса, кейинги худди шундай давр ёки даврларда амал қилишни давом этади. Бундай ҳолатда Битим ҳар иккала Аҳдлашувчи Давлатда:

а) амал қилишни тўхтатиш тўғрисида хабарнома берилган йилдан кейинги тақвимий йилнинг биринчи январидан бошлаб ёки шу санадан кейин олинадиган даромад манбаларидан ундириладиган солиқларга нисбатан;

б) амал қилишни тўхтатиш тўғрисида хабарнома берилган йилдан кейинги тақвимий йилнинг биринчи январидан бошлаб ёки шу санадан кейинги солиқ йиллари учун ундириладиган бошқа солиқларга нисбатан амал қилишни тўхтатади.

Ушбуни тасдиқлаган ҳолда, иккала Аҳдлашувчи Давлатнинг ваколатланганлари ушбу Битимни имзоладилар.

Ал-Қувайт шаҳрида 2004 йил 19 январда, ҳижрий 1424 йил 27 зулқидада, икки асл нусхада, ўзбек, араб ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга. Келишмовчиликлар юзага келган ҳолларда инглиз тилидаги матн асосий ҳисобланади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қувайт Давлати  
Ҳукумати ўртасида инвестицияларни рағбатлантириш ва  
ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида  
БИТИМ**

*(2006 йил 3 июндан кучга кирган)\**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қувайт Давлати Ҳукумати, бундан кейин Аҳдлашувчи Томонлар деб аталувчилар,

улар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, хусусан, бир Аҳдлашувчи Томон инвесторларининг инвестициялари учун бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида қулай шарт-шароитларни яратиш истагида,

бундай инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тадбиркорлик ташаббускорлигига ҳамда ҳар иккала Аҳдлашувчи Томон тараққиётининг ўсишига кўмаклашишини эътироф этиб,

**Қуйидагилар тўғрисида аҳдлашиб олдилар:**

**1-модда  
Атамалар**

Ушбу Битим мақсадларида:

1. «Инвестиция» атамаси бир Аҳдлашувчи Томон ҳудудида инвестиция сифатида киритилган ва бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг инвесторига тегишли бўлган ёки у томонидан бевосита ёхуд билвосита бошқарилаётган ҳар қандай маблағлар турларини англатиб, ушбу инвестициялар биринчи Аҳдлашувчи Томоннинг миллий қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади ҳамда қуйидаги шаклга эга бўлган сармояларни ўз ичига олади:

(а) Аҳдлашувчи Томоннинг ҳар қандай инвесторига тегишли бўлган улушлар, акциялар ва акциядорликда иштирок этишнинг бошқа шакллари, облигациялар, компаниядаги қарзлар билан боғлиқ бўлган мажбуриятлар ҳамда қарзларнинг бошқа шакллари, шунингдек бошқа қарз ва қимматли қоғозлар;

(б) иқтисодий қийматга эга бўлган шартномага мувофиқ пул маблағлари ва бошқа ҳар қандай қийматлар ёки улар бўйича мажбуриятларни бажаришга оид талаблар;

(с) интеллектуал мулк ҳуқуқлари, шу жумладан, аммо чекланиб қолмасдан, муаллифлик ҳуқуқлари, товар белгилари, патентлар, саноат намуналари ва нусхалар ҳамда техник жараёнлар, «ноу-хау», савдога доир сирлар, савдо номлари ва кадр-қиммати билан боғлиқ ҳуқуқлар;

(д) табиий ресурсларни қидириш, аниқлаш, қазиб олиш ёки фойдаланиш ҳуқуқлари ва хўжалик ёки савдо фаолияти билан боғлиқ ҳуқуқлар ёхуд хизматлар кўрсатишни ўз ичига қамраб олган қонунчилик, шартномадан, ёхуд ҳар қандай лицензия ёки рухсатномага кўра қонунга мувофиқ юзага келган ҳуқуқлар;

(е) кўчар ва кўчмас мулк, шунингдек улар билан боғлиқ бўлган ҳар қандай мулкӣ ҳуқуқлар, ижара, ипотека, ушлаб қолиш ва гаров каби ҳуқуқлари.

«Инвестиция» атамаси, шунингдек, таърифлари қуйида келтирилган, реинвестиция мақсадида ушлаб қолинган даромадларга ва ликвидациядан тушган тушумларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Инвестиция сифатида киритилаётган ёки қайта киритилаётган сармоялар шакл-

---

\* Қувайт давлатининг Ўзбекистондаги элчихонасининг 2006 йил 3 майдаги 1/39-06-сонли нотасига асосан кучга кирган.

ларининг ҳар қандай ўзгартирилиши уларнинг инвестиция сифатида тавсифланишига таъсир қилмайди.

2. «Инвестор» атамаси Аҳдлашувчи Томонларга нисбатан қуйидагиларни англатади:

(а) ушбу Аҳдлашувчи Томон давлатининг унинг амалдаги қонунчилигига мувофиқ фуқаролигига эга бўлган жисмоний шахс;

(б) Аҳдлашувчи Томон;

(с) ушбу Аҳдлашувчи Томоннинг миллий қонунчилигига мувофиқ таъсис этилган ёки рўйхатдан ўтган ҳар қандай юридик шахслар, чунончи, ўз фаолиятини мазкур Аҳдлашувчи Томон ҳудудида амалга ошираётган муассасалар, тараққиёт жамғармалари, агентликлар, фондлар, давлат органлари, компаниялар ва қонунчиликда белгиланган тартибда барпо этилган бошқа ташкилотлар;

3. «Даромадлар» атамаси қайси шаклда амалга оширилганидан қатъи назар, инвестиция натижасида олинган маблағларни англатади ва хусусан, фойда, фоизлар, сармоянинг ўсиши, дивидендлар, роялти ва менежмент, техник ёрдам ёки бошқа тўловлар ёхуд ҳақлар ҳамда кўринишидан қатъи назар, бошқа шаклдаги тўловларни ўз ичига олади, бироқ фақат шулардангина иборат бўлиб қолмайди.

4 «Ликвидация» атамаси инвестициядан тўла ёки қисман воз кечиш мақсадида ҳар қандай эгалик қилиш ҳуқуқини англатади.

5 «Худуд» атамаси ҳар бир Аҳдлашувчи Томонга нисбатан, Аҳдлашувчи Томон давлати ҳудудини, шу жумладан, Аҳдлашувчи Томон миллий қонунчилиги ва халқаро ҳуқуққа мувофиқ белгиланган ёки белгиланиши мумкин бўлган ва Аҳдлашувчи Томон давлати суверен ҳуқуқлари ёки юрисдикциясини амалга ошириши мумкин бўлган қуруқлик, ҳаво кенглиги, ички сувлар, ҳудудий денгиз ва ҳудудий денгиз ортидаги ҳар қандай ҳудудларни англатади.

6 «Эркин муомаладаги валюта» атамаси Халқаро Валюта Фонди вақти-вақти билан эркин қўлланиладиган валюта сифатида белгилайдиган ҳар қандай валютани англатади.

7. «Кечиктиришларсиз» атамаси тўловларни ўтказиш мақсадида зарур расмиётчиликларни ниҳоясига етказиш учун одатда сарфланадиган вақтни англатади. Кўрсатиб ўтилган вақт тўловни амалга ошириш ҳақида сўров юборилган кундан бошланиб, ҳар қандай ҳолатда уч ойдан ошмаслиги керак.

## 2-модда

### Инвестицияларни қабул қилиш ва уларни рағбатлантириш

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ўзининг миллий қонунчилигига мувофиқ, ўз ҳудудида бошқа Аҳдлашувчи Томон инвесторларининг инвестицияларини қабул қилади ва рағбатлантиради.

2. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон, ўз ҳудудида қабул қилинган инвестицияларга нисбатан ўзининг миллий қонунчилигида белгиланиши мумкин бўлган бундай ҳажмда ҳамда тартиб ва шартлар асосида инвестицияларга зарур бўлган барча руҳсатномалар, розиликлар, тасдиқномалар, лицензиялар ва бошқа руҳсатномаларни тақдим этади.

3. Аҳдлашувчи Томонлар ўзларининг тегишли ҳудудларида инвестиция имкониятларини рағбатлантириш ва енгиллаштириш учун улар зарур деб ҳисоблайдиган ҳар қандай масала юзасидан ўзаро маслаҳатлашувлар олиб боришлари мумкин.

4. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон, ўз ҳудудидаги инвестициялар мақсадларида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган етакчи бошқарув ва техник ходимлардан иборат малакали шахсий таркибнинг келиши, вақтинчалик яшаши ва унинг ҳуду-

дида ишлаши масалаларини уларнинг миллатидан қатъи назар, жисмоний шахсларнинг келиши, яшаши ва ишлашига оид ўз миллий қонунчилиги асосида ҳолисона кўриб чиқади. Ушбу шахсий таркибнинг яқин оила аъзоларига нисбатан ҳам қабул қилаётган Аҳдлашувчи Томон ҳудудига кириш ва вақтинчалик бўлиб туришга оид худди шундай тартиб қўлланилади.

### **3-модда**

#### **Инвестицияларни ҳимоя қилиш**

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон инвесторларининг инвестицияларига нисбатан бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида халқаро ҳуқуқ принциплари ва ушбу Битим қоидаларига мувофиқ ҳар доим адолатли ва тенг ҳуқуқли режим яратилади ва улар тўлиқ ҳимоя ҳамда хавфсизлик билан таъминланади. Ҳеч қайси Аҳдлашувчи Томон ҳар қандай ҳолатда, инвестициялардан фойдаланиш, бошқариш, раҳбарлик қилиш, юритиш, кенгайтириш ёки сотиш ёхуд уларни тасарруф этиш борасида асосланмаган ёки камситувчи чоралар қўллаш йўли билан тўсқинлик қилмайди.

2. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ушбу Битим қоидаларининг амал қилиши ёки ўз ҳудудидаги бошқа Аҳдлашувчи Томон инвесторларининг инвестицияларига дахлдор бўлган ёки дахлдор бўлиши мумкин бўлган ўз қонунлари, қоидалари, процедуралари, директивалари, кўрсатмалари ҳамда маъмурий қоидалари ва умумий қўлланиладиган юридик ҳулосалари, шунингдек халқаро битимларини дарҳол нашр қилиши ёки оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиши керак.

3. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон инвестициялар билан боғлиқ бўлган талабларни илгари суриш ва ҳуқуқларни амалга ошириш учун самарали шарт-шароитларни яратиб беради. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томон инвесторларининг унинг суд органлари, маъмурий трибунал ва муассасаларига ҳамда бошқа барча суд ваколатини амалга ошираётган органларига мурожаат қилиш ҳуқуқи ҳамда талабларини илгари суриш ва уларнинг инвестициялари билан боғлиқ ҳуқуқларини амалга ошириш мақсадида ўз хоҳишига кўра ваколатларни миллий қонунчиликка мувофиқ ваколатли шахсларга топшириш ҳуқуқи билан таъминлайди.

4. Ҳеч бир Аҳдлашувчи Томон ўз инвесторларининг ёки учинчи давлат инвесторларининг инвестициялари фойдаси эвазига бошқа Аҳдлашувчи Томон инвестицияларига нисбатан камситувчи характерга эга бўлган мажбурий чораларни қўлламайди.

5. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ўз ҳудудида бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг инвестори амалга ошираётган инвестициялар билан боғлиқ бўлган ҳар қандай мажбурийатлар ёки бошқа қоидаларни расмийлаштиришда ёзма шаклга риоя қилиши керак.

### **4-модда**

#### **Инвестициялар режими**

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ўз ҳудудида бошқа Аҳдлашувчи Томон инвесторлари амалга оширган инвестициялардан фойдаланиш, уларни бошқариш, раҳбарлик қилиш, юритиш, кенгайтириш ва сотиш ёки уларни тасарруф этиш борасида, ўхшаш вазиятдаги режимлардан қайси бири бундай инвестицияларга қулайроқ эканлигидан келиб чиқиб, ўзининг инвесторлари ёки ҳар қандай учинчи давлат инвесторларининг инвестицияларига яратган режимдан кам бўлмаган қулай режимни яратади.

2. Лекин, ушбу модда қоидалари бир Аҳдлашувчи Томонни қуйидагилардан келиб чиқадиган исталган режим, имтиёзлар ёки енгилликларни бошқа Аҳдлашувчи

Томон инвесторларига нисбатан татбиқ этишга мажбурловчи омил сифатида талқин қилинмаслиги лозим:

(а) ҳар қандай божхона иттифоқи, иқтисодий иттифоқ, эркин савдо зонаси, валюта иттифоқи ёки минтақавий иқтисодий ҳамкорликнинг бошқа шакллари ёхуд шу сингари бошқа халқаро битимда ҳар бир Аҳдлашувчи Томон иштирок этган ёки иштирок этиши мумкин бўлган ҳолатлар;

(б) ҳар қандай халқаро, минтақавий ёки икки томонлама битим, ёхуд шу сингари бошқа аҳдлашув ёки ҳар қандай миллий қонунчилик бўйича тўла ёки қисман солиққа тортишга оид ҳоллар.

## 5-модда

### Зарарларни қоплаш

1. Бир Аҳдлашувчи Томон, унинг ҳудудидаги уруш ёки бошқа қуроли тўқнашув, фавқулодда ҳолат, қўзғолон, фуқароларнинг тартибсизликлари, исён, ғалаён ёхуд шу сингари 6-моддада белгиланган ҳолатлардан ташқари, бошқа воқеалар оқибатида бошқа Аҳдлашувчи Томон инвестори инвестицияларига зарар етганда, мазкур Аҳдлашувчи Томон инвестицияларнинг қайта тикланиши, уларнинг тўловини ва зарарларини қоплаш ёки бошқа масалаларда бошқа Аҳдлашувчи Томон ўз инвесторларига ёки исталган учинчи давлат инвесторларига яратадиган режимдан кам бўлмаган қулай режимни яратади.

2. Ушбу модданинг 1-бандидан қатъи назар, бир Аҳдлашувчи Томоннинг бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида аввалги бандда қайд этилган ҳар қандай воқеа-ҳодисалар оқибатида қуйидагилар туфайли зарар кўрган инвесторларига:

(а) унинг қуроли кучлари ёки органлари томонидан унинг инвестициялари ёхуд уларнинг бир қисми реквизиция қилинган ҳолда;

(б) махсус кураш натижасида етказилмаган ёки вазият тақозо этмаган ҳолларда инвестицияларга унинг қуроли кучлари ёхуд органлари томонидан бутунлай ёки қисман нобуд бўлиши натижасида зарар кўрган бўлса, бошқа Аҳдлашувчи Томон инвесторига кечиктиришларсиз, айнан бир хил ва самарали равишда реституция ёки бадал тўланади.

## 6-модда

### Экспроприация

1. (а) Бир Аҳдлашувчи Томон инвесторларининг инвестициялари бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида давлат тасарруфига ўтказилмайди, экспроприация қилинмайди, тортиб олинмайди ёки уларга нисбатан давлат тасарруфига ўтказиш, экспроприация қилиш ёки тортиб олишга (бундан кейин умуман «экспроприация» деб аталади) тенг бўлган бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг бевосита ёки билвосита чоралари қўлланилмайди, бу Аҳдлашувчи Томоннинг ички эҳтиёжлари билан боғлиқ жамоатчилик мақсадларида амалга ошириладиган чора-тадбирлар бундан мустасно. Бундай чора-тадбирлар камситмаслик асосида ва тегишли ҳуқуқий тартиботларга мувофиқ ҳамда кечиктирмасдан, айнан бир хил ва самарали бадал тўловларини тўлаш тарзида амалга оширилади.

(б) Бундай бадал тўловлари инвестицияларни экспроприация қилиш давригача ёки экспроприация қилиш тўғрисидаги қарор барчага маълум қилинган вақтгача (бундан кейин «баҳолаш санаси» деб аталади), экспроприация қилинган инвестициянинг эркин бозор нархи асосида инвестицияни қабул қилаётган Аҳдлашувчи Томон миллий қонунчилиги ва халқаро миқёсда эътироф этилган баҳолаш тамоийилларига мувофиқ аниқланади ҳамда ҳисоблаб чиқилади. Бундай бадал тўловлари

экспроприация қилинган кундан бошлаб тўлов санасигача, баҳолаш санасидаги ушбу валютани эркин бозордаги алмашув курси ёки бозор асосида ўрнатилган тижорат курсига оид фоизларни ўз ичига олган, лекин LIBOR курсидан кам бўлмаган ёки унга тенг бўлган ҳолда, инвестицияни қабул қилаётган Аҳдлашувчи Томоннинг хорижий валютани айирбошлаш қоидаларига мувофиқ белгиланган эркин муомаладаги валюта ёки инвестиция амалга оширилган валютада баҳоланади.

(с) Юқорида айтиб ўтилган ҳолда эркин бозор баҳоси аниқланиши мумкин бўлмаса, бадал тўловлари тегишли барча омиллар ва ҳолатлар, шу жумладан, инвестиция қилинган маблағ, инвестициянинг моҳияти ва даври, қийматини алмаштириш, баҳолаш, кундалик даромадлар, ҳисобга олинган тушумлар, нетто-капитал ва «гудвил» кабиларни эътиборга олиб объектив тамойилларга кўра аниқланади. Тамомила аниқланган бадал тўлови инвесторга кечиктирилмасдан тўланади.

2. 1-бандда кўрсатиб ўтилган тамойиллар нуқтаи назаридан ва ушбу Битимнинг 9-моддасига мувофиқ инвестор ҳуқуқларига зиён келтирмасдан, зарар кўрган инвестор инвестицияни баҳолаш ва бадал тўлашни ўз ичига олган экспроприацияни амалга оширган Аҳдлашувчи Томоннинг суди ёки бошқа ваколатли ва мустақил органи орқали зудлик билан назорат қилиш ҳуқуқига эга.

3. Ушбу Битим мақсадлари учун «экспроприация» атамаси Аҳдлашувчи Томоннинг инвестицияни амалга оширмаслиги ёки унга тўсқинлик қилиши, инвестицияни бутунлай ёки қисман мажбурий сотиши ёхуд бошқа шу каби тадбирлар *de facto* экспроприацияга оид ҳаракатларга аралашиб ёки тартибга солиш чораларини қўллашни ҳам ўз ичига олади.

#### 7-модда

#### Инвестициялар билан боғлиқ тўловларни ўтказиш

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ўзининг миллий қонунчилигига мувофиқ тегишли солиқлар ва тўловлар тўланганидан сўнг, ўз ҳудудига инвестицияларнинг олиб кирилиши ва олиб чиқилиши билан боғлиқ тўловларнинг бошқа Аҳдлашувчи Томон инвесторларига, шунингдек қуйида келтирилган тўловларнинг эркин ўтказилишини таъминлайди:

(а) инвестицияни қўллаб-қувватлаш, бошқариш ва ривожлантиришга йўналтирилган дастлабки ва ҳар қандай кўшимча маблағ;

(b) даромадлар;

(с) қарз битимига мувофиқ амалга оширилган асосий ва устига ҳисобланган тўлов фоизларининг амортизациясини ўз ичига олган контрактга оид тўловлар;

(d) 1-модданинг 1(с) бандида кўрсатилган ҳуқуқлар учун роялти ва тўловлар;

(е) инвестициянинг тўла ёки қисман тугатилишидан ёхуд сотилишидан тушган тушумлар;

(f) инвестициянинг амалга оширилиши сабабли чет элдан жалб этилган ходимларнинг иш ҳақи ёки бошқа мукофотлари;

(g) 5- ва 6-моддаларга мувофиқ бадал тўловлари;

(h) 8-моддада кўрсатилган тўловлар;

(i) низоларни ҳал этиш билан боғлиқ бўлган тўловлар.

2. Ушбу модданинг биринчи бандига мувофиқ тўловлар, айрим тўловларнинг ўзига хослигини ҳисобга олмаганда, кечиктиришларсиз ёки чеклашларсиз эркин муомаладаги валютада амалга оширилади. Агар талаб қилинаётган ўтказишларнинг кечиктирилишига йўл қўйилса, зарар кўраётган инвестор бундай кечиктиришлар муддати учун фоиз олиш ҳуқуқига эга бўлади.

3. Тўловлар инвестицияни қабул қилаётган Аҳдлашувчи Томоннинг хорижий

валютани айирбошлаш тартиботларига мувофиқ ва тўлов ўтказиш кундаги валютани айирбошлаш учун инвестицияни қабул қилаётган Аҳдлашувчи Томонда мавжуд бўлган устувор бозор курси бўйича амалга оширилади.

### **8-модда** **Суброгация**

1. Агар Аҳдлашувчи Томон ёки у тайинлаган орган («Тўловчи томон») бошқа Аҳдлашувчи Томон (қабул қилувчи Аҳдлашувчи Томон) ҳудудида инвестицияга тааллуқли бадал тўлови ёки кафолат шартлари бўйича тўловни амалга ошираётган бўлса, бунда қабул қилувчи Аҳдлашувчи Томон:

(а) қонун ёки шундай инвестицияга асосланган барча ҳуқуқлар ва талабларни қонуний ҳал қилиш ҳақида Тўловчи Томонга огоҳлантиришларни;

(б) Тўловчи Томоннинг суброгация туфайли инвестицияга тааллуқли бундай ҳуқуқларни амалга ошириш, бундай талабларни илгари суриш ва барча мажбуриятларни қабул қилиш ҳуқуқларини эътироф этади.

2. Тўловчи Томон қуйидагиларга нисбатан барча ҳолларда бир хил муомала қилиш ҳуқуқига эга бўлади:

(а) юқорида кўрсатиб ўтилган 1-банд қоидалари туфайли ўз зиммасига олган ҳуқуқлар, талаблар ва мажбуриятлар;

(б) тегишли инвестицияга тааллуқли ҳамда ушбу Битимга кўра дастлабки инвестор таъкидлаб ўтилган ҳуқуқ ва талабларга мувофиқ олган ҳар қандай тўловлар.

### **9-модда**

#### **Аҳдлашувчи Томон билан инвестор ўртасида низоларни ҳал этиш**

1. Бир Аҳдлашувчи Томон билан бошқа Аҳдлашувчи Томон инвестори ўртасида биринчи Аҳдлашувчи Томон ҳудудида амалга оширилган инвестиция бўйича юзага келган низолар имкон қадар дўстона йўл билан ҳал этилади.

2. Бундай низо уни ҳал этиш тўғрисида ёзма хабарнома юборилган санадан бошлаб олти ой мобайнида дўстона ҳал этилмаса, инвестор ўз ихтиёрига кўра низони кўриб чиқиш учун қуйидагиларга тақдим этиши мумкин:

а) ҳудудий юрисдикцияга эга бўлган қабул қилувчи Аҳдлашувчи Томон давлат судига;

б) низо вужудга келишидан илгари, уни ҳал этиш учун аҳдлашиб олинган процедураларга мувофиқ; ёки

с) халқаро арбитражга қуйидагиларга мувофиқ:

(1) Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Комиссиясининг (UNCITRAL) арбитраж қоидаларига мувофиқ «ad hoc» арбитраж судига. Қабул қилувчи Аҳдлашувчи Томон таъкидлаб ўтилган арбитражни қабул қилиш мажбуриятини олади;

(2) 1965 йил 18 мартдаги Давлатлар ва бошқа давлатларнинг фуқаролари ўртасида инвестициявий низоларни ҳал этиш тўғрисида Вашингтон Конвенциясига мувофиқ арбитраж процедураларини бажариш мақсадида, иккала Аҳдлашувчи Томон ҳам унга қўшилган бўлса ёки қўшилганидан сўнг Инвестициявий низоларни ҳал этувчи халқаро марказга; ёки

(3) низодаги тарафлар ўртасида ўзаро келишиб олинган ҳар қандай арбитраж муассасасининг арбитраж қоидаларига мувофиқ таъсис этилган арбитраж судига.

3. Инвестор, 2-бандга кўра низони арбитражга тақдим этишига қарамасдан,

арбитраж жараёнини қўзғатишдан олдин ёки шу жараён давомида, етказилган ҳар қандай зарарни қоплаш талабини қўймаган ҳолдагина, Аҳдлашувчи Томоннинг суд ёки маъмурий органларига ўз ҳуқуқ ва манфаатларни ҳимоя қилиш бўйича мурожаат қилиши мумкин.

4. Ушбу билан ҳар бир Аҳдлашувчи Томон инвестициялар билан боғлиқ низоларни 2-бандда кўрсатилган тартибда арбитражда кўриб чиқиш учун тақдим этишга ўзининг сўзсиз розилигини беради.

5. Ҳеч бир Аҳдлашувчи Томон суд жараёни тугамагунича ва Аҳдлашувчи Томон ушбу моддага биноан чиқарилган арбитраж суди қарорини бажармагунича ва унга риоя қилмагунича, арбитраж судига берилган ҳар қандай ишга нисбатан дипломатик ҳимояни бермаслиги зарур. Лекин, низо ҳал этилишини енгиллаштириш мақсадида олиб борилган норасмий дипломатик ёзишмалар ушбу банд мақсадларидаги дипломатик ҳимояни қамраб олмайди.

6. Ушбу моддага мувофиқ таъсис этилган арбитраж суди низодаги томонлар келишиб олган ҳуқуқий меъёрлар асосида низо предмети ҳисобланган масалаларни ҳал этади. Бундай келишув бўлмаган тақдирда, ушбу Битимнинг тегишли қоидаларини ҳисобга олган ҳолда, низода иштирок этувчи Аҳдлашувчи Томон ҳуқуқи, шунингдек коллизия меъёрлар ҳамда умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрлари қўлланилади.

7. Арбитраж қарори, шунингдек фоизларнинг тўланишига оид қарор низодаги тарафлар учун қатъий ва мажбурий бўлиши керак. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ўз ҳудудида ҳар қандай бундай қарорни дарҳол бажариши ёки унинг самарали бажарилишини таъминлаши керак.

8. Ҳар қандай норозилик даъвоси ёки қарши даъво ҳеч қачон инвесторнинг суғурта шартномасига кўра ҳар қандай учинчи томондан, хоҳ давлат органи ёки хусусий ташкилотлардан, шунингдек бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳамда унинг бўлимлари, агентликлари ёки муассасаларидан юзага келиши мумкин бўлган зарарнинг тўла ёки бир қисмини қоплаш учун олган ёки олиши керак бўлган маблағлар ҳамда бадал тўловларини эътиборга олиб амалга оширилмаслиги керак.

#### 10-модда

##### Аҳдлашувчи Томонлар ўртасида низоларни ҳал этиш

1. Аҳдлашувчи Томонлар ушбу Битимни талқин қилиш ёки қўллаш бўйича ҳар қандай низоларни имкон қадар маслаҳатлашувлар ёки бошқа дипломатик йўллар орқали ҳал этадилар.

2. Агар низо ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг бундай маслаҳатлашувлар ёки дипломатик йўллар ҳақида талаби маълум бўлган кундан бошлаб олти ой мобайнида ҳал этилмаса, ва Аҳдлашувчи Томонлар ёзма равишда бошқа мурасага келмасалар, ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томонни ёзма шаклда хабардор қилиши билан низони «ad hoc» арбитраж судига ушбу модданинг қўйида белги-ланган қоидалари асосида тақдим этиши мумкин.

3. Арбитраж суди қўйидагича ташкил этилади: ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бир аъзони тайинлайди ва бу икки аъзо иккала Аҳдлашувчи Томон тайинлайдиган арбитраж суди Раиси вазифасини бажарадиган учинчи давлат фуқароси ҳақида келишиб оладилар. Аҳдлашувчи Томонлардан бири низони кўриб чиқиш учун арбитраж судига бериш нияти тўғрисида бошқа Аҳдлашувчи Томонни хабардор қилган кундан бошлаб, бундай аъзолар икки ой, Раис эса тўрт ой давомида тайинланади.

4. Агар 3-бандда кўрсатилган муддатларга амал қилинмаган бўлса, ҳар бир Аҳдлашувчи Томон, бошқа ҳар қандай келишув бўлмаган тақдирда, зарур бўлган



тайинловларни амалга ошириш учун Халқаро Суд Раисини таклиф қилиши мумкин. Агар Халқаро Суд Раиси Ахдлашувчи Томонлардан бирининг фуқароси бўлса ёки шу вазифани бошқа сабабларга кўра бажара олмаса, зарур бўлган тайинловларни амалга ошириш учун Халқаро Суд Раисининг ўринбосари таклиф қилинади. Агар Халқаро Суд Раисининг ўринбосари Ахдлашувчи Томонлардан бирининг фуқароси бўлса ёки у ҳам шу вазифани бошқа сабабларга кўра бажара олмаса, зарур бўлган тайинловларни амалга ошириш учун ҳеч бир Ахдлашувчи Томоннинг фуқароси бўлмаган, лавозими кейинги ўринда турган Халқаро Суднинг аъзоси таклиф этилади.

5. Арбитраж суди ўз қарорларини кўпчилик овоз билан қабул қилади. Бундай қарор ушбу Битим ва қўлланилиши мумкин бўлган умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ қабул қилинади ва ҳар иккала Ахдлашувчи Томон учун тугал ва мажбурий ҳисобланади. Бир Ахдлашувчи Томон тайинлаган арбитраж суд аъзоси ҳамда арбитраж жараёнида унинг вакиллиги билан боғлиқ харажатларни ҳар бир Ахдлашувчи Томон ўзи қоплайди. Раис ҳамда арбитраж жараёни билан боғлиқ ҳар қандай бошқа харажатларни иккала Ахдлашувчи Томон тенг тарзда қоплайди. Бироқ, арбитраж суди ўз ихтиёри билан Ахдлашувчи Томонлардан қайси бири бундай харажатларни бутунлай ёки қисман қоплашларини белгилаб бериши мумкин. Қолган барча ҳолларда арбитраж суди иш фаолияти тартибини ўзи белгилайди.

#### **11-модда**

##### **Ахдлашувчи Томонлар давлатлари ўртасида муносабатлар**

Ушбу Битим қоидалари Ахдлашувчи Томонлар давлатлари ўртасида дипломатик ёки консуллик муносабатлари мавжудлигидан қатъи назар, қўлланилади.

#### **12-модда**

##### **Бошқа қоидаларни қўллаш**

Агар Ахдлашувчи Томонлардан бирининг қонунчилиги, Ахдлашувчи Томонлар ўртасида мавжуд бўлган ёки келгусида қабул қилинадиган халқаро ҳуқуқ мажбуриятлари бўйича бошқа Ахдлашувчи Томон инвесторлари инвестициялари учун умумий ёки махсус меъёрларни яратишидан қатъи назар, ушбу Битимда кўрсатилган режимдан қулайроқ режимни яратиб бериш ҳуқуқини берса, бундай меъёрларнинг инвесторга нисбатан қулайроғи ушбу Битимдан устун бўлади.

#### **13-модда**

##### **Қўлланиладиган қоидалар**

1. Ушбу Битимга мувофиқ барча инвестицияларни амалга ошириш Ахдлашувчи Томон давлатида амал қилаётган миллий қонунчилик асосида тартибга солинади.

2. Ушбу модданинг 1-банди қоидаларидан қатъи назар, қабул қилувчи Ахдлашувчи Томоннинг ўз миллий хавфсизлиги ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун ёки фавқулодда вазият ҳолатида ўзининг миллий қонунчилигига мувофиқ ва камситмаслик асосида қабул қилинган чораларни қўллашига ҳеч нарса тўсқинлик қилмайди.

#### **14-модда**

##### **Битимни қўллаш доираси**

Мазкур Битим унинг кучга киришидан олдин мавжуд бўлган ёки кучга кирган санадан сўнг бошқа Ахдлашувчи Томон ҳудудида Ахдлашувчи Томонлардан бирининг инвесторлари амалга оширган барча инвестицияларга нисбатан қўлланилади.

**15-модда**  
**Битимнинг кучга кириши**

Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ушбу Битимнинг кучга кириши учун зарур бўлган конституциявий талабларнинг бажарилганлиги тўғрисида бошқа Аҳдлашувчи Томонни ёзма равишда хабардор қилади ва мазкур Битим энг сўнгги хабарнома олинган санадан ўттиз кун ўтгач кучга киради.

**16-модда**  
**Битимнинг давомийлиги ва амал қилишининг тўхтатилиши**

1. Ушбу Битим дастлабки ўн беш (15) йил давомида амал қилади ва Аҳдлашувчи Томонлардан бири ушбу Битимнинг амал қилишини тўхтатиш нияти тўғрисида дастлабки муддат ёки ҳар қандай кейинги муддат тугашидан бир йил олдин бошқа Аҳдлашувчи Томонни ёзма равишда хабардор қилгунига қадар ўн йиллик (10) муддатга ёки муддатларга узайтирилади.

2. Мазкур Битимни бекор қилиш тўғрисида хабарнома кучга киришига қадар амалга оширилган инвестицияларга нисбатан ушбу Битим қондалари Битимнинг амал қилиши тўхтатилгандан кейинги ўн йил (10) муддат ичида ўз кучини сақлаб қолади.

Ушбуни тасдиқлаган ҳолда, иккала Аҳдлашувчи Томоннинг ваколатланганлари ушбу Битимни имзоладилар.

Ал-Қувайт шаҳрида 2004 йил 19 январда, хижрий 1424 йил 27 зулқидада, икки нусхада, ўзбек, араб ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга. Келишмовчиликлар юзага келган ҳолларда инглиз тилидаги матн асосий ҳисобланади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Ҳиндистон  
Республикаси Ҳукумати ўртасида Тошкент шаҳрида  
(Ўзбекистон) Ўзбек—Ҳинд тадбиркорликни ривожлантириш  
маркази ташкил этиш тўғрисида  
АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМИ**

*(2006 йил 26 апрелдан кучга кирган)\**

Бундан кейин Томонлар деб аталувчилар, Ҳиндистон Республикаси Ҳукумати ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати,

иккала мамлакат кичик ва хусусий тадбиркорлигини ривожлантириш манфаатларидан келиб чиқиб,

тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик принципларига амал қилиб,

кичик ва хусусий тадбиркорлик секторида тажриба алмашиш соҳасида ҳамкорлик Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ривожлантиришга ёрдам беришини эътиборга олиб,

\* Имзоланган кундан кучга кирган.

ушбу ҳамкорликни ривожлантириш учун узоқ муддатли негиз ва механизм яратиш зарурлигини ҳисобга олиб,

**қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:**

#### **1-модда**

Томонлар кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам берадилар ва шу мақсадда Ўзбек—Ҳинд тадбиркорликни ривожлантириш маркази (бундан кейин — Марказ) ташкил этадилар.

#### **2-модда**

Ҳиндистон Республикаси Марказ тузиш бўйича техник маслаҳатчи сифатида Ҳиндистон тадбиркорликни ривожлантириш институти (Институт) хизматларидан фойдаланади. Ўзбекистон томонидан Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Институт ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа тегишли ташкилотлари билан лойиҳани амалга ошириш учун ҳамкорлик қилади.

#### **3-модда**

Марказ тузишнинг асосий мақсадлари:

1) кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ўз бизнесларини ташкил этишга техник хизмат кўрсатиш;

2) ахборот-коммуникация технологиялари ва инглиз тилини ўрганиш учун шароит яратиб бериш. Марказ ахборот-коммуникация технологияларини ўргатишни Жавоҳарлал Неру номидаги Ўзбекистон—Ҳиндистон ахборот технологиялари маркази билан ҳамкорликда ташкил этади;

3) делегациялар ва айрим мутахассислар билан алмашиш;

4) ахборот ва/ёки ҳужжатлар, буюмлар намуналари ва/ёки материаллар, «ноу-хау» ва/ёки лицензиялар билан алмашиш;

5) симпозиумлар, семинарлар, конференциялар ва/ёки кўргазмалар ташкил қилиш;

6) биргаликда илмий-техникавий лойиҳалар тузиш ва/ёки амалга ошириш;

7) ҳамкорликнинг ўзаро келишилган бошқа турлари.

#### **4-модда**

Марказ Тошкент шаҳрида (Ўзбекистон Республикаси) жойлашади ва унинг олий органи Марказ бошқаруви ҳисобланиб, икки Томоннинг тенг миқдордаги вакилларидан ташкил топади.

Марказ фаолият кўрсатган вақтдан бошлаб икки йил давомида унда Институтнинг доимий Маслаҳатчиси хизмат қилади. Дастлабки икки йил давомида Институт (Аҳмадобод ш.) ўзининг доимий Маслаҳатчиси орқали Марказ фаолиятини мониторинг қилиб боради. Марказга икки Томон ваколатли органлари келишуви асосида тайинланган Директор раҳбарлик қилади. Директор ва Маслаҳатчи Томонлар ваколатли органлари билан келишув асосида ўқитувчилар таркиби, кутубхоначи, техник ва маъмурият ходимларини ишга қабул қилади.

#### **5-модда**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўқиш-ўқитиш ва кутубхона учун бинолар, мебель ва Марказнинг фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган бошқа анжомларни

беради. Икки йил давомида Марказнинг ихтиёрида ўқиш-ўқитиш учун ҳамма шароитлари мавжуд бино бўлади. Мазкур давр мобайнида Ўзбекистон Ҳукумати Марказнинг ўқитувчи ва маъмурий ходимларига маош тўлаш учун молиявий ёрдам ҳам кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати Марказни тузиш ва ишлатиш мақсадида Ҳиндистон Ҳукумати томонидан юборилган ёрдамчи материаллар, китоблар ва ускуналарни божхона тўловлари ва божхона расмийлаштируви учун йиғим олмасдан ўтказишга рухсат беради.

#### **6-модда**

Ҳиндистон Республикаси Ҳукумати барча техникавий ёрдамни кўрсатади, шу жумладан, техника асбоб-ускунаси, ўқитув ёрдамчи воситалари, Марказ ўқитувчилари ва ходимлари учун ўқув дастурлари ва шунингдек, икки йил давомида тўлиқ асосдаги меҳнати учун Институтнинг маслаҳатчисига мукофот ёки гонорар беради.

#### **7-модда**

Иккала Томон 2007 йилда Марказни очиш мақсадида ушбу Меморандумнинг I ва II иловаларига мувофиқ, зиммаларига олган мажбуриятларини бажарадилар.

#### **8-модда**

Табиий офат, уруш, сув тошқини, локаутлар, эпидемиялар, кўзғолонлар, фуқаролар ғалаёнлари каби фавқулодда ҳодисалар юз берганда Томонларнинг биттаси ҳам ушбу Меморандумга мувофиқ зиммаларига олган мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгар ҳисобланмайди.

#### **9-модда**

Томонларнинг ўзаро келишуви асосида ушбу Меморандумга ёзма шаклда ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин, улар алоҳида Баённомалар билан расмийлаштирилади ва ушбу Меморандумнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Ушбу Меморандум қоидаларини бажариш ва талқин қилишда мунозара ва келишмовчиликлар пайдо бўлганда музокаралар ва маслаҳатлашувлар йўли билан ҳал қилинади.

#### **10-модда**

Ушбу Меморандум имзоланган санадан кучга киради ва Томонлардан бири бошқа Томонни Меморандумнинг амал қилишини тўхтатиш нияти борлиги тўғрисида хабардор қилмагунча кучида қолаверади. Ушбу Меморандумнинг амал қилиши бошқа Томондан хабар олингач, уч ойдан кейин тўхтади.

Ушбу Меморандум амал қилишининг тўхтатилиши, агар Томонлар бошқа тўғрисида келишиб олмасалар, ушбу Меморандум амал қилган даврда бошланган қўшма дастур ва лойиҳаларга таъсир қилмайди.

Тошкент шаҳрида 2006 йил 26 апрелда икки нусхада, ҳар бири ўзбек ва инглиз тилларида тузилди.

Ушбу Меморандум қоидалари талқин қилинганда келишмовчиликлар пайдо бўлса, томонлар инглиз тилидаги матнга амал қиладилар.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати мажбуриятлари:**

- 1) Марказ ва кутубхонани жойлаштириш учун мос келадиган офис билан таъминлаш;
- 2) Марказ аризаларига мувофиқ таклиф қилинадиган экспертларга консуллик ва бошқа йиғимлар олмасдан виза расмийлаштириш;
- 3) Марказнинг эксплуатация харажатларини қоплаш, шу жумладан ўқитувчилар таркиби ва ходимлар маошлари, коммунал харажатлар ва бошқа кўзда тутилмаган харажатлар;
- 4) таклиф қилинадиган экспертларга вазифаларни эркин бажаришлари учун бевосита ёки Марказ орқали ёрдам кўрсатиш;
- 5) Марказни очишга мўлжалланган ҳинд томонидан келтириладиган ускуна, китоблар, ёрдамчи материаллар ва бошқа нарсаларни божхона тўловлари ва йиғимларидан озод қилиш;
- 6) Ҳиндистондан юборилаётган асбоб-ускуналар ва бошқа нарсаларни аэропортдан Марказ манзилига келтиришни таъминлаш.

**Ҳиндистон Республикаси Ҳукумати мажбуриятлари:**

- +
- I) Тошкентда тадбиркорликни ривожлантириш Марказини тузиш бўйича ёрдам бериш ва шунингдек шу мақсадда, тегишли молиялаш билан, кенг қамровли техник ёрдам кўрсатади;
  - II) Марказ учун қўйидаги товарларни харид қилишга капитал харажатлар ажратилади:
    - а) ўқув қуроллари, шу жумладан нусха кўчириш машинаси, ОНР, LCD проектори, параболоид шаклидаги антенали телевизор, рақамли ва оддий фотоаппарат, VCD/DVD проекцияли экран;
    - б) офис асбоб-ускуналари, шу жумладан директор алоқаси, радиотелефон акустик система, сканер, факс машина;
    - в) LAN ва 64KBPSLAN қиймати;
    - г) компьютер ускуналари, лептоп, сервер, принтерлар;
    - д) компьютерлар учун дастурлар, кутубхона ва бухгалтерия дастурлари;
    - е) кутубхона китоблари, шу жумладан ёзилган видеокассеталар, зарур билимларни ўз ичига олган VCD/DVD дисклари;
    - ё) Маслаҳатчи фойдаланиши учун, Директор ва Марказ ўқитувчиларининг хизмати учун фойдаланиладиган автотранспорт.
  - III. Марказ маъмурияти, ўқитувчилар ва тингловчилар учун шарт-шароит яратиш дастурлари харажати қоплайди.
  - IV. Икки йил давомида Марказ мустақил равишда тўлиқ фаолият кўрсатадиган бўлганига қадар Ҳиндистон тадбиркорликни ривожлантириш институти ёрдами билан ўз ҳисобидан, техникавий қўллаб-қувватлаб туради.
  - V. Марказ директори ва ўқитувчиларини қўллаб-қувватлаш учун Марказ Маслаҳатчисини тайинлаш, икки йил давомида ички режа ва меҳнат резервларини ривожлантириш графигини яратиш, мониторинг ва дастурлар ҳамда бошқа лойиҳаларни амалга ошириш учун ўз ҳисобидан харажат қилади.
  - VI. Марказ фойдаланиши учун Институт томонидан ишлаб чиқилган ўқитиш
-

материалларига мулк ҳуқуқини лицензиялаш бўйича харажатлар қилади. Бирок, Институт томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларга интеллектуал мулк ҳуқуқини муҳофаза қилиш бўйича Марказ билан Институт битим имзолаши лозим.

VII. Институт қуйидагилар учун жавобгар:

- а) Директорни ва ўқитувчилар таркибини, курслар фаолияти дастури дастлаб-ки икки йил дарслар жадвалини тузишда Марказга ёрдам бериш;
- б) мамлакат иқтисодиётининг турли соҳалари вакиллари учун шарт-шароитлар яратиш бўйича дастурлар тузиш ва амалга оширишда ёрдам кўрсатиш;
- в) мониторингда ва Марказ амалга оширадиган турли дастурларни қайтадан кўриб чиқишда кўмаклашиш;
- г) Марказни ўргатиш макетлари, курс материаллари билан, зарур ҳолда Ҳиндистон Ҳукумати кўмаги билан тегишли жиҳозлар билан таъминлаш;
- д) тадбиркорликни ривожлантириш дастури, ижрони яхшилаш бўйича дастурлар, гуруҳларни ривожлантириш бўйича дастурлар, ўқитувчилар таркиби бўйича дастурлар ва ўқитувчиларни ўқитиш дастурлари каби айрим курслар бўйича Марказга васийлик қилади. Институт яратган бошқа дастурлардан Марказ фойдаланиши мумкин, бунинг учун ўзаро шароитларни келишилган ҳолда Институтдан лицензия олиш лозим.

— +

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон  
Ислон Республикаси Ҳукумати ўртасида халқаро  
терроризмга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида  
Битимнинг ратификация ёрлиқларини алмашиш тўғрисида  
БАЁННОМА**

Биз, қуйида имзо чекувчилар, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири жаноб Эльёр М. Фаниев ва Покистон Ислон Республикасининг Ташқи ишлар вазири жаноб Хуршид М. Касури, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2005 йил 27 августда ва Покистон Ислон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2005 йил 21 сентябрда ратификация қилинган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон Ислон Республикаси Ҳукумати ўртасида Тошкент шаҳрида 2005 йил 6 мартда имзоланган халқаро терроризмга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Битимнинг ратификация ёрлиқлари алмашувини амалга ошириш мақсадида бугун учрашдик.

Ратификация ёрлиқларини алмашишда улар тегишли шаклда ва лозим тартибда тузилганлиги белгиланган.

19-модданинг 1-бандига мувофиқ, ушбу Битим ратификация ёрлиқлари алмашинган кундан кучга киради, яъни 2006 йил 2 майда кучга киради.

Ушбунинг тасдиқлаб, мазкур Баённома Ислонбод шаҳрида 2006 йил 2 майда икки нусхада, ўзбек ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

(имзолар)

---

*Ўзбекистон Республикаси Халқаро шартномалари тўплами, 2006 й.*

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон  
Ислом Республикаси Ҳукумати ўртасида халқаро  
терроризмга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида  
БИТИМ**

*Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил  
13 сентябрдаги ЎРҚ-4-сонли Қонуни билан ратификация қилинган\**

*(2006 йил 2 майдан кучга кирган)\*\**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон Ислом Республикаси Ҳукумати, бундан кейин алоҳида «Томон», биргаликда «Томонлар» деб аталувчилар,

БМТ Низомининг мақсад ва принципларига, жумладан, халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, давлатлар ўртасида дўстона муносабатлар ҳамда ҳамкорликнинг ривожланишига амал қилиб,

давлатларнинг суверенитети, тенглиги ва ҳудудий яхлитлигини ўзаро ҳурмат принципларини қайта таъкидлаб,

халқаро терроризм давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги ҳамда хавфсизлиги, шунингдек сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорлигига таҳдид солишини англаб,

халқаро терроризм ушбу Битимда қандай белгиланган бўлса, уларнинг мақсадидан қатъи назар, ҳар қандай шароитларда ҳам оқланиши мумкин эмаслиги, халқаро терроризмни содир этган айбдор шахслар эса жавобгарликка тортилиши лозим эканлигига ишониб,

Ўзбекистон Республикаси ва Покистон Ислом Республикаси қўшилган халқаро терроризмнинг ҳар қандай кўринишларининг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликка доир халқаро конвенцияларни эътиборга олиб,

халқаро терроризм, ноқонуний миграция ва одамлар савдосини қўллаб-қувватловчи ҳаракатларнинг олдини олиш соҳасида ҳамкорликдан манфаатдор бўлиб,

Томонларнинг ушбу Битим қоидалари доирасида биргаликдаги саъй-ҳаракатлари терроризмга қарши курашнинг самарали шаклларида ҳисобланишига амин бўлиб,

**қуйидагилар тўғрисида аҳдлашиб олдилар:**

**1-модда**

**Асосий принциплар**

Томонлар давлатларининг тегишли қонун-қоидалари асосида ушбу Битим доирасида ҳамкорлик қиладилар ва ўзаро кўмаклашадилар.

**2-модда**

**Атамалар**

1. Ушбу Битим мақсадларида «терроризм» атамаси қуйидагиларни англатади:

а) ушбу Битимнинг Иловасида санаб ўтилган халқаро актлардан бирида жиноят деб тан олинган ҳаракатлар;

б) тинч аҳолининг ёки қуроли можаро даврида ҳарбий ҳаракатларда фаол иштирок этмаётган ҳар қандай шахсларнинг ўлимига сабаб бўладиган ёки оғир тан

\* Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил 37-38-сон, 276-модда.

\*\* Ратификация ёрликларини алмашиш тўғрисида Баённома имзоланган кундан кучга кирган.

жароҳати етказадиган, ёки мол-мулкка катта зарар етишига олиб келадиган ўқотар қурооллар, портловчи моддалар ёки ҳар қандай бошқа қурооллардан фойдаланиш орқали амалга ошириладиган ҳаракатлар ҳамда ўз характери ёки кўринишига кўра тинч аҳолини хавф остига қўядиган, унга зарар етказадиган, жамоат хавфсизлигига путур етказадиган ёки давлат муассасаларини маълум бир ҳаракатларни амалга оширишга мажбурлайдиган ва Томонлар давлатларининг қонунларига биноан жиноят ҳисобланадиган, ҳаракатларни ташкил этиш, режалаштириш, ундаш ёки тажовуз қилиш;

2. Ушбу модданинг қоидалари унда белгиланган атамаларнинг бошқача ёки кенгроқ таърифланиши бошқа халқаро битимлар қоидалари ёки миллий қонунларга таъсир қилмайди.

3. Томонлар ўзаро муносабатларда ушбу моддада қайд этилган ҳаракатларни жиноятлар сифатида қарайдилар.

4. Ушбу Битимни амалга оширишда экстрадиция билан боғлиқ масалаларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси билан Покистон Ислон Республикаси ўртасида экстрадиция тўғрисида (Ислонбод, 2001 йил 25 январь) Шартнома қоидаларига мувофиқ ҳамкорликни амалга оширадилар.

### **3-модда**

#### **Ҳамкорлик соҳаси**

Томонлар миллий қонунлари ва халқаро ҳуқуқ нормалари доирасида ўзларининг тегишли марказий ваколатли органлари орқали ушбу Битимнинг 2-моддасида санаб ўтилган жиноятларни содир этишнинг олдини олиш, аниқлаш, бартараф қилиш ва тергов олиб боришда ҳамкорлик қиладилар.

### **4-модда**

#### **Марказий ваколатли органлар**

1. Ушбу Битим қоидаларини амалга оширишда қуйидагилар Томонларнинг марказий ваколатли органлари (марказий орган ёки марказий органлар) этиб тайинланадилар:

Ўзбекистон Республикаси учун:

Миллий хавфсизлик хизмати;

Покистон Ислон Республикаси учун:

Ички ишлар вазирлиги.

2. Томонлар ўзларининг марказий ваколатли органлари рўйхатига киритилган ҳар қандай ўзгартишлар тўғрисида бир-бирларини имкон қадар тез хабардор қиладилар.

3. Марказий ваколатли органлар ушбу Битим доирасида бевосита ҳамкорлик қиладилар.

4. Марказий ваколатли органлар учрашувларни ўтказиш ва ҳамкорликни кенгайтириш қоидаларини ишлаб чиқадиладар.

### **5-модда**

#### **Ҳамкорлик йўналишлари**

1. Томонлар 2-модда қоидаларига мувофиқ халқаро терроризмга қарши курашда, шу жумладан қуйидаги йўналишлар бўйича ҳамкорлик қиладилар:

а) терроризмнинг жамоат хавфсизлигига тажовуз қилувчи барча кўринишларига қарши кураш;

б) бир Томон давлати хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган террорчи-



лик ташкилотлар фаолиятини, террорчиларни тайёрлаш марказлари ҳамда шахсларни аниқлаш ва бартараф этиш;

с) террорчилик ташкилотларни ўқотар қурооллар, ўқ-дорилар, кўп мақсадли ҳарбий ускуна, портловчи, заҳарловчи, биологик ва кимёвий моддалар билан таъминлаш йўлларини аниқлаш ҳамда олдини олиш;

д) террорчилик фаолиятини молиялаштириш мақсадида гиёҳвандлик воситалар ва психотроп моддалар ҳамда прекурсорларнинг ноқонуний айланмаси билан шуғулланувчи террористик ташкилотлар, гуруҳлар ва шахсларнинг фаолиятини олдини олиш;

е) терроризмни қўллаб-қувватлашда шубҳаланаётган террорчилик ташкилотлар ёки шахсларга молиявий активларни ва пул ўтказилишини амалга оширишни олдини олиш мақсадида саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш;

ф) уларнинг давлатлари ҳудудларида террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида фойдаланишни, таъминот базалари, ўқув лагерлари ва марказларининг яратилиши, террорчилик ҳаракатларини тайёрлаш ёки ташкил этишни олдини олиш бўйича чораларни қўллаш;

г) Томонлар давлатлари фуқароларини террорчилик ташкилотларга террорчилик ҳаракатларини амалга оширишда ёрдам бериш мақсадида ёлланишини бартараф этиш бўйича чораларни қўллаш;

ҳ) террорчилик ҳаракатларининг транспортнинг барча турлари, ҳаётни таъминлаш ҳамда алоқа объектларига, инсонлар ҳаёти ва саломатлиги ҳамда атроф-муҳит учун хавф солинишига қаратилган ҳар қандай шакли ва кўринишларини олдини олиш;

и) Томонлар давлатларида рўйхатга олинган ҳаво кемаларининг хавфсизлигини Томонлар давлатлари иштирок этган фуқаро авиациясига тааллуқли халқаро конвенцияларнинг қоидаларига мувофиқ таъминлаш;

ж) Томонлар ташувни амалга оширишни ўзаро келишган ҳолда қимматбаҳо ва махсус юкларни ташишда хавфсизликни таъминлаш;

к) террорчилик ҳаракатларини амалга оширишда фойдаланилиши мумкин бўлган ҳарбий аслахалар ва икки ёқлама мақсаддаги товарларни экспорт қилишни назорат қилиш;

л) террорчилик ҳаракатларининг олдини олиш, аниқлаш, бартараф қилиш ва тергов олиб бориш, шунингдек уларга дахлдор шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича ўзаро келишилган чораларни ишлаб чиқиш.

## 6-модда

### Ҳамкорлик шакллари

1. Ушбу Битим қоидаларига мувофиқ Томонлар халқаро терроризмга қарши курашда қуйидаги шаклларда ҳамкорлик қиладилар:

а) террорчилик ҳаракатларига тааллуқли жиноятларнинг олдини олиш, аниқлаш ва терговни олиб боришга кўмак бўла оладиган ахборот алмашиш;

б) шахсларни, ташкилотларни, муассасаларни ва фирмалар фаолиятини текшириш орқали террорчилик ҳаракатларни аниқлашга кўмаклашиш;

с) террорчилик ташкилотлари, гуруҳлар ҳамда шахсларнинг фаолиятини назорат қилиш ва бартараф этишга қаратилган ўзаро келишилган чораларни амалга ошириш;

д) зарур ҳолларда аксилтеррор операцияларни ўтказишда техник кўмак кўрсатиш;

е) халқаро терроризмни бартараф этиш масалалари бўйича қонунлар ва суд қарорларига оид ахборот ва ҳужжатларни алмашиш;

ф) махсус мосламалар ва алоқа воситаларидан фойдаланиш орқали халқаро терроризмни бартараф этиш бўйича режаларни ишлаб чиқиш.

#### **7-модда**

##### **Ахборот алмашиш**

Марказий ваколатли органлар ўзаро қизиқиш уйғотувчи масалалар бўйича ахборот алмашадилар, хусусан:

а) ушбу Битимнинг 2-моддасида кўрсатилган ҳаракатларни режалаштириш ва содир этиш;

б) ушбу Битимнинг 2-моддасида қайд этилган Томонлар давлатларининг давлат раҳбарлари, ҳукумат раҳбарлари, элчихоналар, консуллик муассасалари, шунингдек, уларнинг давлатларига ташриф буюраётган шахсларга нисбатан ҳаракатларни режалаштириш ва содир этиш;

с) ушбу Битимнинг 2-моддасида кўрсатилган ҳаракатларни режалаштиришда ва содир этишда иштирок этаётган ташкилотлар, гуруҳлар ва шахслар;

д) ушбу Битимнинг 2-моддасида кўрсатилган ҳаракатларни содир этиш учун кучли таъсир қилувчи заҳарли, заҳарловчи, портловчи моддалар, ўқотар қуроллар, портлатиш ускуналари, қуроллар, ўқ-дори, кимёвий ва биологик қуролларни ноқонуний тайёрлаш, сотиб олиш, сақлаш, етказиб бериш ва фойдаланиш;

е) ушбу Битимнинг 2-моддасида кўрсатилган ҳаракатларни содир этиш шакли, усули ва воситалари;

ф) марказий ваколатли органлар ўзаро келишиб олиши мумкин бўлган бошқа масалалар.

#### **8-модда**

##### **Қўмаклашиш тўғрисида сўровнома ва уни бажариш усуллари**

Ушбу Битим доирасидаги ҳамкорлик бир марказий ваколатли органнинг бошқа марказий ваколатли органга юборган қўмаклашиш тўғрисидаги сўровномалари асосида амалга оширилади.

1. Қўмаклашиш тўғрисидаги сўровнома сўраётган марказий ваколатли орган тегишли тартибда ваколат берилган шахси томонидан имзоланади ва расмий гербли муҳр билан тасдиқланади. Сўровнома сўраётган марказий ваколатли орган томонидан сўралаётган марказий ваколатли органга тўғридан-тўғри юборилади.

2. Қўмаклашиш тўғрисидаги сўровнома ёзма равишда юборилади ва қайд этилган муддатларда амалга оширилади. Қўмаклашиш тўғрисидаги сўровнома қайд этилган муддатларда бажариш имконияти йўқ бўлганда, сўраётган марказий ваколатли орган бунинг сабаблари ва сўровномани бажаришга сўралаётган муддатлар тўғрисида ёзма равишда хабардор қилинади. Сўровноманинг мазмуни ва моҳияти ноаниқ бўлган тақдирда сўралаётган марказий ваколатли орган аниқлик киритиши мумкин;

3. Қўмаклашиш тўғрисидаги сўровномада *inter-alia* қуйидаги ахборот бўлиши лозим:

а) сўровномани имзолаган мансабдор шахснинг номи ва мақоми;

б) сўровнома мазмуни;

с) ишга алоқадор шахсларнинг исми ва фамилияси, фуқаролиги, туғилган сани ва жойи ҳамда турар жойи, ташкилотнинг юридик номи ва манзили;

д) сўраётган марказий ваколатли орган давлатининг миллий қонунларига му-

вофиқ ҳаракат ёки ишнинг тавсилотлари, жиноятнинг ҳуқуқий тавсифи ва қўлланиладиган қонун матни;

- e) сўровноманинг мақсади ва сабаблари;
- f) жавоб олиш зарур бўлган муҳим саволлар рўйхати;
- g) сўровномани бажариш муддатлари;
- h) сўровномани бажаришда фойдали бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай бошқа ахборот.

#### **9-модда**

##### **Қўмаклашиш тўғрисидаги сўровномани бажариш тартиби**

1. Сўраётган марказий ваколатли орган сўралаётган ёрдамни тез бажариш учун барча зарур чораларни кўради. Агар сўровномани бажариш марказий ваколатли органнинг ваколатига таллуқли бўлмаса, ушбу орган сўровномани тегишли органга тақдим қилади ва сўраётган марказий ваколатли органни бу ҳақда хабардор қилади. Сўралаётган марказий ваколатли орган сўровномани бажариш учун зарур бўлган қўшимча маълумот ва муддатларни сўраб олиши мумкин.

2. Сўровномани бажаришда сўралаётган марказий ваколатли орган давлатининг қонунлари қўлланилади. Агар сўровноманинг бажарилиши сўралаётган марказий ваколатли органнинг давлатида амалга ошириладиган терговга ҳалал берса, унинг бажарилиши кейинга қолдирилиши мумкин.

3. Марказий ваколатли органлар ўз ваколатлари доирасида бир-бирларига қўмаклашадилар.

#### **10-модда**

##### **Қўмаклашиш тўғрисидаги сўровнома бажарилишини рад этиш**

Ушбу Битим доирасида қўмаклашиш тўғрисидаги сўровнома қуйидаги ҳолларда қисман ёки бутунлай рад этилиши мумкин:

a) агар сўровномани бажариш сўралаётган марказий ваколатли орган давлатининг суверенитети, миллий хавфсизлиги ва бошқа манфаатларига зарар етказиши ёки мамлакатнинг қонунлари ёхуд халқаро мажбуриятларига зид бўлса;

b) агар қўмаклашиш тўғрисидаги сўровномада қайд этилган ҳолат ва ҳаракатлар сўралаётган марказий ваколатли орган давлатининг миллий қонунларига мувофиқ жиноят деб ҳисобланмаса. Агар қўмаклашиш тўғрисидаги сўровнома рад этилса, сўралаётган марказий ваколатли орган сўраётган марказий ваколатли органни рад этишнинг сабаблари хусусида ёзма равишда хабардор қилади.

#### **11-модда**

##### **Ахборотдан фойдаланиш ва унинг махфийлиги**

1. Томонлар ушбу Битим доирасида бир-бирдан олган ахборотнинг махфийлигини таъминлайдилар, агар Томонлар бошқача келишувга эришмаган бўлсалар. Бир Томон бундай ахборотни учинчи томонга бундай ахборотни берган бошқа Томоннинг ёзма розилигисиз тақдим этмайди.

2. Ушбу Битим доирасида алмашилган ахборотдан фақат кўрсатилган мақсадларда фойдаланилади ва ваколатли органларга тақдим этилади. Томонлар бундай ахборотдан ўзга шахсларнинг фойдаланмаслиги, рухсатсиз ўзгартирилиши, унинг йўқ қилиниши ва ошкор этилишига қарши ҳимояни таъминлайдилар.

**12-модда**  
**Ҳамкорлик тили**

Ушбу Битим доирасидаги ҳамкорлик инглиз тилида амалга оширилади.

**13-модда**  
**Харажатлар**

1. Агар ўзгача келишиб олинмаган бўлса, ҳар бир Томон ушбу Битим қоидаларини амалга оширишда юзага келадиган харажатларни қоплайди.

2. Томонлар халқаро терроризмга қарши курашда зарурат юзага келганда бир-бирларига зарур воситалар, ускуна ва лозим бўлган материалларни ушбу Битим доирасида бепул таъминлайдилар.

**14-модда**  
**Бошқа ахдлашувлар**

Марказий ваколатли органлар ушбу Битимни бажариш учун зарур бўлган бошқа ахдлашувларни тузишлари мумкин.

**15-модда**  
**Маслаҳатлашувлар ва музокаралар**

Ушбу Битимнинг самарали бажарилишини таъминлаш мақсадида марказий ваколатли органларнинг вакиллари амалий учрашувлар, маслаҳатлашувлар ва музокараларни ўзаро келишган ҳолда ўтказишлари мумкин.

**16-модда**  
**Бошқа халқаро битимлар**

Ушбу Битим қоидалари Томонларнинг улар иштирок этган бошқа халқаро битимлардан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларга дахл қилмайди.

**17-модда**  
**Низоларни ҳал қилиш**

Ушбу Битимни талқин қилиш ва қўллаш билан боғлиқ бўлган барча низолар Томонлар ўртасида маслаҳатлашувлар ва музокаралар орқали ҳал этилади.

**18-модда**  
**Ўзгартиш ва қўшимчалар**

Ушбу Битимга қўшимча баённомалар билан расмийлаштириладиган ва ушбу Битимнинг ажралмас қисми ҳисобланадиган ўзгартиш ва қўшимчалар исталган вақтда киритилиши мумкин.

**19-модда**  
**Битимнинг кучга кириши, амал қилиши ва амал қилишининг тўхтатилиши**

1. Ушбу Битим ратификация қилиниши лозим ва ратификация ёрлиқлари алмашинган кундан кучга кирилади. У бекор қилинмагунга қадар номуайян муддат амал қилади. Ҳар бир Томон исталган вақтда олти ой илгари ушбу Битимнинг амал қилишини тўхтатиш истаги тўғрисида хабарномани бошқа Томонга юбориш орқали амал қилишини тўхтатиши мумкин.

2. Агар Томонлар ўзгача ахдлашиб олмаган бўлсалар, ушбу Битим амал қилишининг тўхтатилган куни бажарилмаган ёки амалга оширилмай қолган ушбу Битим қоидаларига мувофиқ бошланган ҳаракатлар ва юборилган сўровномага нисбатан ушбу Битим қоидаларининг амал қилиши давом этади.

3. Ушбу Битим кучга кириши билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон Ислон Республикаси Ҳукумати ўртасида терроризмга қарши кураш тўғрисида 1996 йил 19 октябрда имзоланган Битим амал қилишни тўхтатади.

Тошкент шаҳрида 2005 йил 6 мартда икки асл нусхада ўзбек ва инглиз тилларида тузилди, бунда иккала матн бир хилда аутентикдир. Матнда ёки талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган ҳолларда, инглиз тилидаги матндан фойдаланилади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон  
Ислон Республикаси Ҳукумати ўртасида савдо-иқтисодий  
ва инвестициявий ҳамкорлик тўғрисида  
АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМИ**

(2006 йил 2 майдан кучга кирган)\*

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон Ислон Республикаси Ҳукумати, бундан кейин «Томонлар» деб аталувчилар,

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон Ислон Республикаси Ҳукумати ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида 1992 йил 27 июнда имзоланган Битим ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон Ислон Республикаси Ҳукумати ўртасида инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоялаш тўғрисида 1992 йил 13 августда имзоланган Битим қоидаларини эътиборга олиб,

Томонлар давлатлари ўртасидаги ҳамкорликнинг савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, илмий-техника ва ишлаб чиқариш муносабатларини тенг ҳуқуқлилик ҳамда ўзаро манфаат принциплари асосида ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида,

инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш, замонавий илғор технологияларни жорий қилиш соҳасида ҳамкорлик, шунингдек иқтисодиёт соҳасида ишлаб чиқаришнинг иттифоқ алоқаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш муҳимлигини эътиборга олиб,

Томонлар давлатларининг хўжалик субъектлари ўртасида иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш учун мустаҳкам шартнома—ҳуқуқий асос ва қулай шарт-шароитлар яратиш зарурлигидан келиб чиқиб,

**қуйидагилар тўғрисида ахдлашиб олдилар:**

---

\* Имзоланган кундан кучга кирган.

**1-модда**

Томонлар давлатлари ўртасида барқарор ва узоқ муддатли иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши учун Томонлар барча зарур чораларни кўрадилар ва шу мақсадларда энг қулай шарт-шароитларни яратадилар.

**2-модда**

Томонлар устувор асосда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг қуйидаги муҳим йўналишларига диққат-эътиборни қаратиш зарур деб ҳисоблайдилар:

- а) углеводород хом ашёсини қидириш, разведка қилиш, қазиб олиш, қайта ишлаш ва ташиш;
- б) бошқа минерал-хом ашё ресурсларини ишлаб чиқиш;
- в) энергетика;
- г) транспорт коммуникациялари;
- д) кимё саноати;
- е) текстил саноати;
- ж) қурилиш материалларини ишлаб чиқариш;
- з) доришунослик саноати;
- и) кичик ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ҳамкорлик;
- к) қишлоқ хўжалиги;
- л) сув хўжалиги ва табиатни муҳофаза қилиш соҳалари;
- м) ўзаро манфаат уйғотувчи бошқа соҳалар.

**3-модда**

1. Томонларнинг ҳар бири ўз ҳудудида бошқа Томон инвесторининг капитал сарфлашга қаратилган фаолиятини қўллаб-қувватлайди ва ўз қонун ҳужжатларига мувофиқ қайд этилган фаолиятга қўмақлашади.

2. Томонларнинг ҳар бири ўзининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа Томон инвесторлари киритган сармояларни тўлиқ ва сўзсиз ҳуқуқий ҳимоясини кафолатлайди.

**4-модда**

Томонлар ўз давлатларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ Томонлар давлатлари ҳудудлари ўртасида юк оқими ва юкларнинг транзитини таъминлаш мақсадида транспорт инфратузилмаси соҳасида ҳамкорликни фаол ривожлантирадилар, потенциал транспорт, транзит имкониятларини аниқлаш бўйича иш олиб борадилар.

**5-модда**

Томонлар иккала давлатнинг экспорт потенциалини ошириш, икки томонлама савдо айланмасини кўтариш ва унинг мувозанатини таъминлаш мақсадида жаҳон бозорида замонавий рақобатбардош технологияларни жорий қилиш асосида ҳамкорлик лойиҳаларини режа билан амалга оширадилар.

**6-модда**

Томонлар ҳамкорликнинг устувор лойиҳаларини амалга ошириш учун миллий қонунларига мувофиқ бир-бирини имкониятидан келиб чиққан ҳолда қўллаб-қувватлайдилар ва ёрдам берадилар, шунингдек икки томонлама ҳамкорлик лойиҳаларини молиялашда иккала давлатнинг молиявий институтларини рағбатлантирадилар ва биргаликда халқаро молиявий институтларнинг пул маблағларини жалб қиладилар.

**7-модда**

Томонлар ушбу Меморандум мақсадларини амалга ошириш учун қуйидаги йўналишларда қулай шарт-шароитлар яратадилар:

- икки давлатнинг ваколатли ҳукумат органлари, ишбилармон доираларнинг вакиллари, турли профессионал уюшмалар, савдо-саноат палаталари, илмий-тадқиқот институтлари ўртасида алоқалар ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш;
- кўргазмалар, ярмаркалар ва форумларни ташкил этиш;
- семинарлар, илмий симпозиумларни ташкил этиш;
- маслаҳат бериш;
- кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини икки томонлама иқтисодий ҳамкорликда иштирок этишга жалб қилиш.

**8-модда**

Томонлар ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестицияларнинг миллий ҳуқуқий тартибга солиниши тўғрисида мунтазам равишда ахборот алмашадилар.

**9-модда**

Томонлар товарлар сифатини текшириш ва карантин инспекцияси соҳасида ҳамкорликни кучайтирадилар.

**10-модда**

Томонларнинг ўзаро розилиқларига кўра ушбу Меморандумга унинг ажралмас қисми ҳисобланадиган алоҳида баённомалар билан расмийлаштириладиган ўзгартиш ва тўлдиришлар киритилиши мумкин.

Мазкур Баённомалар ушбу Меморандумнинг 12-моддасида белгиланган тартибда кучга киради.

**11-модда**

Ушбу Меморандумнинг қоидаларини талқин қилишда баҳслар юзага келган ҳолда, Томонлар уларни ўзаро маслаҳатлашув ва музокаралар орқали ҳал қиладилар.

**12-модда**

Ушбу Меморандум имзоланган санадан бошлаб кучга киради ва беш йил давомида ўз кучини сақлаб қолади.

Томонлардан биронтаси ушбу Меморандумнинг навбатдаги амал қилиш муддати тугашидан камида олти ой илгари унинг амал қилишини тўхтатиш нияти тўғрисида бошқа Томонни ёзма равишда хабардор қилмаса, у кейинги бир йиллик муддатга ўз-ўзидан узаяверади.

Мазкур Меморандумнинг амал қилишини тўхтатиш мазкур Меморандум бўйича амалга ошириладиган ва бажарилиши бошланган ҳар қандай лойиҳанинг амал қилиши давомийлигига таъсир этмаслиги лозим.

Исломобод шаҳрида 2006 йил 2 майда икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Ушбу Меморандум қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган ҳолларда инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Россия  
Федерацияси Ҳукумати ўртасида ахборот-маданият  
марказларини таъсис этиш ва уларнинг фаолиятининг  
шарт-шароитлари тўғрисида  
БИТИМ**

*(2006 йил 16 майдан кучга кирган)\**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Россия Федерацияси Ҳукумати, бундан кейин Томонлар деб аталувчилар,

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси халқларининг инсонпарварлик ва маданий қадриятлар билан ўзаро танишишга, улар ўртасидаги анъанавий алоқаларни сақлаш, ўзаро бойитиш ва ривожлантиришга бўлган қизиқишларини ҳисобга олиб,

жамоатчиликнинг Ўзбекистон Республикасида ва Россия Федерациясида сиёсий, иқтисодий, маданий, илмий ва таълим жараёнлари ривожланиши тўғрисида хабардорлигини оширишга катта аҳамият бериб,

1992 йил 30 майдаги Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида давлатлараро муносабатлар, дўстлик ва ҳамкорлик асослари тўғрисида Шартнома, 1993 йил 19 мартдаги маданият, фан, техника, таълим, соғлиқни сақлаш, ахборот, спорт ва туризм соҳаларидаги ҳамкорлик тўғрисидаги Битим, бошқа икки томонлама ҳужжатлар руҳида икки томонлама инсонпарварлик, маданий, илмий-техникавий ва ахборот алоқаларини ривожлантиришга кўмаклашишга интилиб,

**қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:**

**1-модда**

Томонлар Москвада Ўзбекистон Республикаси ахборот, маданият-маърифат марказини ҳамда Тошкентда Россия фан ва маданият марказини, бундан кейин «Марказлар» деб аталади, таъсис этадилар.

Томонлар ўзаро келишув асосида икки давлатнинг бошқа шаҳарларида Марказларининг филиалларини очишлари мумкин.

Марказлар ва улар филиалларининг фаолиятлари халқаро ҳуқуқнинг умум тан олинган нормалари, ушбу Битим қоидалари асосида ва Марказлар жойлашган давлатларнинг қонунларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

**2-модда**

Ўзбекистон Республикасининг Москвадаги ахборот, маданият-маърифат маркази ва унинг филиаллари ўз фаолиятларини Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги дипломатик ваколатхонаси бошлиғи раҳбарлигида амалга оширади.

Россия фан ва маданият маркази ва унинг филиаллари ўз фаолиятларини Россия Федерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик ваколатхонаси бошлиғининг ва кўрсатилган Марказ ва унинг филиаллари ишини таъминлайдиган Россия Федерацияси Ҳукумати ҳузуридаги Россия халқаро илмий ва маданий ҳамкорлик маркази раҳбарлигида амалга оширади.

---

\* Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 2006 йил 16 майдаги 05/8643-сон нотаси.



### 3-модда

Ўз фаолиятини амалга ошириш мақсадида Марказлар Марказ жойлашган давлатнинг вазирликлари, бошқа давлат муассасалари ва ташкилотлари, маҳаллий ҳокимият органлари, уюшмалари, ассоциациялари, жамғармалари, шунингдек алоҳида фуқаролари билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатишлари мумкин.

Марказ жойлашган давлат Томонининг розилиги билан Марказлар ўз биноларидан ташқарида фаолиятларини амалга оширишлари мумкин.

### 4-модда

Қуйидагилар Марказларнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

— икки томонлама инсонпарварлик, маданий, илмий-техникавий, ахборот ҳамкорлик дастурларини бажаришда қатнашиш;

— Марказ жойлашган давлат жамоатчилигини ўз мамлакатининг тарихи ва маданияти, ички ва ташқи сиёсати ва унинг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида рўй бераётган ҳодисалар билан таништириш;

— икки давлат ижодий, маданий-маърифий, илмий ва профессионал ташкилотлари ўртасида алоқаларни ўрнатишга ва ҳамкорликни кенгайтиришга кўмаклашиш;

— икки давлат тилларини ўрганишда кўмаклашиш;

— иккала давлат илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлигини кенгайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Марказларнинг ахборот имкониятларидан фойдаланиш;

— Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси шаҳарлари ва ўлкалари ўртасида шериклик муносабатларини ўрнатиш ва ривожлантиришда кўмаклашиш;

— маданият, фан ва техника соҳасида ахборот-реклама ишларини ташкил этиш.

### 5-модда

Марказлар ўз зиммаларига юкланган вазифаларга мувофиқ:

— ўз мамлакатларининг маданий, илмий-техникавий, жамоат-сиёсий ва иқтисодий ривожланиши масалалари бўйича ахборот-маълумот фондлари ва банкларини ташкил қиладилар, халқаро, инсонпарварлик, илмий, маданий ва амалий ҳамкорлик муаммолари бўйича конференция, симпозиум, семинар, маслаҳатлашишлар ўтказадилар;

— Марказ жойлашган мамлакатнинг манфаатдор ташкилотларига, алоҳида фуқароларига ўз давлатларининг маданий-маърифий, илмий таълим ва профессионал ташкилотлари билан алоқалар ўрнатиш масалалари бўйича ахборот ва маслаҳат хизматини амалга оширадилар;

— Марказ жойлашган давлатда доимий яшовчи ватандошлар ўртасида маданий-маърифий ва ахборот ишини амалга оширадилар, уларнинг бирлашмалари билан алоқада бўладилар, профессионал туристик гуруҳлар билан ўзаро алмашишда кўмаклашадилар;

— бадий жамоаларнинг ва алоҳида ижрочиларнинг чиқишларини, теле- ва кино томошаларни ташкил қиладилар;

— экспонатлар, фотосуратлар, бадий асарлар ва халқ ижодкорлиги буюмлари, китоб кўргазмаларини ўтказадилар;

— ўз фаолиятининг турли йўналишлари бўйича жамоат кенгашлари ва клубларини ташкил қиладилар, уларнинг ишларига маҳаллий жамоатчиликнинг ва ишбилармон доираларнинг нуфузли вакилларини, таниқли фан ва маданият арбобла-

рини, шунингдек иккала давлат хорижий ваколатхоналари, ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакилларини жалб этадилар;

— давлатлари халқларининг тили ва маданиятини ўрганиш курсларини, Марказ жойлашган давлат фуқаролари учун ўқув стажировкаларини ташкил қиладилар, маҳаллий илмий ва ўқув муассасаларида ишлаётган илмий ходимларга ҳамда тил ва адабиёт ўқитувчиларига услубий ёрдам кўрсатадилар;

— Марказ жойлашган давлат фуқароларини ўз давлатларига ўқишга ва стажировкага танлаш ва юборишда кўмаклашадилар;

— ўз давлатларининг Марказ жойлашган давлатдаги ўқув юртлари битирувчиларининг уюшма ва клубларининг ишига кўмаклашадилар, шундай ассоциация ва клубларнинг бу ўқув юртлари билан алоқаларини қўллашга ёрдам кўрсатадилар, шунингдек Марказ жойлашган давлатда битирувчилар учун малака ошириш бўйича семинарлар ташкил қиладилар;

— Марказ жойлашган давлатнинг манфаатдор ташкилотлари ва алоҳида фуқаролари учун Марказларда кутубхоналар ва бошқа ахборот хизматлари ишини таъминлайдилар;

— Марказ жойлашган давлатнинг дўстлик ассоциациялари ва жамиятлари, ўқув, маданий ва илмий муассасалари, учинчи мамлакатларнинг маданий-ахборот марказлари билан ҳамкорлик қиладилар.

Марказ жойлашган давлат қоидаларини ҳисобга олган ҳолда Марказлар ушбу Битим мақсадига жавоб берувчи фаолиятнинг бошқа турларини амалга оширишлари мумкин.

#### 6-модда

Марказ жойлашган давлатнинг қонунларига мувофиқ Марказлар юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланадилар.

#### 7-модда

Томонлар Марказ ўтказадиган тадбирларга жамоатчиликнинг тўсиксиз киришини таъминлайдилар,

Томонлар ўзаролик асосида марказлар ходимлари ва биноларининг, шунингдек улар ўтказадиган тадбирларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича зарур чораларни кўрадилар.

#### 8-модда

Марказларнинг фаолияти нотижорат асосда амалга оширилади. Айни бир вақтда Марказлар ўз харажатларини қисман қоплаш учун:

— ўзлари ташкил қиладиган тадбирларда қатнашиш, тил ўрганиш курсларида ўқитиш ва фаолиятнинг бошқа турлари учун ҳақ олишлари;

— вақтли нашрлар, каталог, афиша, дастур, китоб, картина ва репродукцияларни, ахборотни ёзиб олиш усулидан қатъи назар, аудиовизуал, шунингдек дидактик материалларни, улар уюштирадиган тадбирлар билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа буюмларни, ушбу буюмлар уларни турилган мамлакатнинг савдо тармоқлари орқали сотмаслик ва бу савдо фаолияти қоидаларига зарар етказмаслиги, шунингдек интеллектуал мулк эгалари ҳуқуқларини бузмаслиги билан сотишлари;

— Марказ биноларида унга келувчиларга хизмат кўрсатиш учун китоб дўконлари, ресторанлар, кафе, кафетерийлар ва совға дўконларига, шунингдек Марказ меҳмонлари вақтинча яшаш учун меҳмонхона биноларига эга бўлишлари;

— Марказга қарашли биноларни ижарага беришлари мумкин.

**9-модда**

Томонлар ўзаролик шартларида қабул қилувчи давлат қоидаларига мувофиқ бир-бирларига Марказлар учун қулай ер участкалари берилишига, шунингдек бинолар ижарага беришига, олинishiга ёки қурилишига кўмаклашадилар.

Марказларнинг биноларини лойиҳалаш, қуриш ва ободонлаштириш бўйича ишларни, уларни қуриш ёки ободонлаштиришга рухсат олингандан кейин, Марказ жойлашган давлатнинг шаҳарсозлик қоидаларига мувофиқ ҳолда, юбораётган томон амалга оширади. Юборувчи Томон тегишли ишларни бажариш учун пудратчиларни мустақил равишда тайинлаш ҳуқуқига эга.

**10-модда**

Марказлар ва уларнинг ходимлари учун солиқ режими ўзаролик принципини ҳисобга олган ҳолда Марказ жойлашган давлат қонунлари билан белгиланади.

**11-модда**

Томонлардан ҳар бири ўз Марказининг ходимларини тайинлайди. Ушбу ходимлар юбораётган давлат, Марказ жойлашган давлат ёки учинчи давлат фуқароларидан иборат бўлиши мумкин. Учинчи давлат фуқаросини тайинлаш Марказ жойлашган давлатнинг ваколатли органлари билан мувофиқлаштирилиши керак.

Марказларнинг директорлари ва уларнинг ўринбосарлари юборувчи давлат элчихонасининг дипломатик ходимлари бўлишлари мумкин.

Марказлар ходимларининг сони ўзаро аҳдлашув бўйича белгиланади.

Томонлар Марказларни ходимлар билан бутлаш тўғрисида, шунингдек ходимларнинг вазифасини бажаришга киришиши ва улар ишининг тўхтатилиши тўғрисида бир-бирларини ўзаро хабардор қиладилар.

**12-модда**

Марказларнинг юборувчи давлат фуқаролари бўлган ва жойлашган мамлакатда доимий яшамайдиган ходимларига ва уларнинг оила аъзоларига юборувчи давлатнинг меҳнат тўғрисидаги қонунлари ва ижтимоий таъминот режими татбиқ этилади.

**13-модда**

Қабул қилувчи Томон юборувчи Томон Маркази ходимларига ҳамда улар билан бирга яшовчи оила аъзоларига марказда ишлаш муддати даврида уларга тегишли кўчириш мумкин бўлган, шу жумладан транспорт воситаларини, божхона тўловларидан озод қилган ҳолда, олиб келиш ва олиб кетиш учун рухсат беради, божхона расмийлаштирилиши, сақлаш ва шу каби бошқа хизматлар учун йиғимлар бундан мустасно. Қайд этилган буюмлар фақат божхона тўловлари тўланган ва турилган давлат қонунлари билан белгиланган бошқа талаблар бажарилган тақдирда бегоналаштирилиши мумкин. Ушбу моддада кўзда тутилган имтиёзларнинг амал қилиши Марказ жойлашган давлатнинг фуқаролари бўлган ёки унинг ҳудудида доимий яшайдиган шахслар бўлган Марказ ходимларига тааллуқли бўлмайди.

**14-модда**

Ҳар бир Томон ўзаролик асосида бошқа Томон Маркази ходимлари аъзолари-

га, шунингдек уларнинг бирга яшайдиган оила аъзоларига унинг давлати қонунларида қўзда тутилган визалар ва қабул қилувчи давлатда яшашга рухсатномалар бериш масалалари бўйича имтиёزلарни беради.

#### **15-модда**

Томонлардан ҳар бири зарурат бўлганда бошқа Томонга унинг Марказининг ходимлари учун турар жой танлашда қўмаклашади.

#### **16-модда**

Ушбу Битимни талқин қилиш ва қўллаш билан юзага келадиган масалалар музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

#### **17-модда**

Ушбу Битим Томонларнинг унинг кучга кириши учун зарур бўлган тегишли давлат ички процедураларини бажарганликларини тасдиқловчи охириги ёзма билдиришнома санасидан бошлаб кучга киради.

Ушбу Битим беш йил муддатга тузилади. Томонлардан бири ўзининг Битимнинг амал қилишини тўхтатиш нияти тўғрисида тегишли давр тугашидан камида олти ой олдин бошқа Томонни ёзма равишда хабардор қилмагунча унинг амал қилиши кейинги беш йиллик даврларга ўз-ўзидан узайтирилади.

Москва шаҳрида 1998 йил 6 майда икки нусхада, ҳар бири ўзбек ва рус тилларида тузилди, иккала матн бир хил кучга эга.

(имзолар)

## **СОГЛАШЕНИЕ**

### **между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Российской Федерации об учреждении и условиях деятельности информационно-культурных центров**

*(Вступило в силу 16 мая 2006 года)\**

Правительство Республики Узбекистан и Правительство Российской Федерации, именуемые далее Сторонами,

учитывая интерес народов Республики Узбекистан и Российской Федерации к взаимному ознакомлению с гуманитарными и культурными ценностями, сохранению, взаимообогащению и развитию традиционных связей между ними,

придавая большое значение повышению информированности общественности о развитии политических, экономических, культурных, научных и образовательных процессов в Республике Узбекистан и Российской Федерации,

стремясь содействовать развитию двусторонних гуманитарных, культурных,

---

\* Нота Министерства иностранных дел РУз от 16 мая 2006 года № 05/8643.

научно-технических и информационных связей в духе Договора об основах межгосударственных отношений, дружбе и сотрудничестве между Республикой Узбекистан и Российской Федерацией от 30 мая 1992 года, Соглашения о сотрудничестве в области культуры, науки и техники, образования, здравоохранения, информации, спорта и туризма от 19 марта 1993 года и других двусторонних документов,

**согласились о нижеследующем:**

### **Статья 1**

Стороны учреждают Информационный культурно-просветительский центр Республики Узбекистан в Москве и Российский центр науки и культуры в Ташкенте, именуемые далее Центрами.

Стороны могут на основе взаимной договоренности открывать филиалы Центров в других городах обоих государств.

Деятельность Центров и их филиалов строится на основе общепризнанных норм международного права, положений настоящего Соглашения и с учетом законодательства государства пребывания.

### **Статья 2**

Информационный культурно-просветительский центр Республики Узбекистан в Москве и его филиалы осуществляют свою деятельность под руководством главы дипломатического представительства Республики Узбекистан в Российской Федерации.

Российский центр науки и культуры и его филиалы осуществляют свою деятельность под руководством главы дипломатического представительства Российской Федерации в Республике Узбекистан и Российского центра международного научного и культурного сотрудничества при Правительстве Российской Федерации, обеспечивающего работу указанного Центра и его филиалов.

### **Статья 3**

С целью осуществления своей деятельности Центры могут устанавливать прямые связи с министерствами, другими государственными учреждениями и организациями, местными органами власти, обществами, ассоциациями, фондами, а также с отдельными гражданами государства пребывания.

С согласия Стороны государства пребывания Центры могут осуществлять свою деятельность вне своих помещений.

### **Статья 4**

Основными задачами Центров являются:

участие в реализации программ двустороннего гуманитарного, культурного, научно-технического, информационного сотрудничества;

ознакомление общественности государства пребывания с историей и культурой своей страны, внутренней и внешней политикой, событиями, происходящими в ее общественной и экономической жизни;

содействие установлению контактов и расширению сотрудничества между творческими, культурно-просветительскими, научными и профессиональными организациями двух государств;

содействие изучению языков народов двух государств;

использование информационных возможностей Центров в интересах создания

благоприятных условий для расширения научно-технического и культурного сотрудничества двух государств;

содействие установлению и развитию партнерских отношений между городами и регионами Республики Узбекистан и Российской Федерации;

организация информационно-рекламной работы в области культуры, науки и техники.

### Статья 5

Центры в соответствии с возложенными на них задачами:

создают информационно-справочные фонды и банки данных по вопросам культурного, научно-технического, общественно-политического и экономического развития своих государств, проводят конференции, симпозиумы, семинары, консультации по проблемам международного гуманитарного, научного, культурного и делового сотрудничества;

осуществляют информационное и консультационное обслуживание заинтересованных организаций, отдельных граждан государства пребывания по вопросам установления контактов с культурно-просветительскими, научными, образовательными и профессиональными организациями своих государств;

проводят культурно-просветительскую и информационную работу среди соотечественников, постоянно проживающих в государстве пребывания, поддерживают связи с их объединениями, оказывают содействие в обмене профессиональными туристическими группами;

организуют выступления художественных коллективов и отдельных исполнителей, теле- и кинопросмотры;

проводят экспонатные выставки, фотовыставки, выставки художественных произведений и изделий народного творчества, книжные выставки;

создают общественные советы и клубы по различным направлениям своей деятельности с привлечением к их работе авторитетных представителей местной общественности и деловых кругов, видных деятелей науки и культуры, а также зарубежных представительств, организаций обоих государств, средств массовой информации;

организуют курсы по изучению языков и культур народов их государств, учебные стажировки для граждан государства пребывания, оказывают методическую помощь научным работникам и преподавателям языка и литературы, работающим в местных научных и учебных заведениях;

оказывают содействие в подборе и направлении на учебу и стажировку в свои государства граждан государства пребывания;

содействуют работе ассоциаций и клубов выпускников учебных заведений своего государства в государстве пребывания, способствуют поддержанию связей таких ассоциаций и клубов с этими учебными заведениями, а также организуют семинары по повышению квалификации для выпускников в государстве пребывания;

обеспечивают работу библиотек и других информационных служб в Центрах для заинтересованных организаций, отдельных граждан государства пребывания;

сотрудничают с ассоциациями и обществами дружбы, учебными, культурными и научными учреждениями государства пребывания, культурно-информационными центрами третьих стран.

Центры могут осуществлять и другие виды деятельности, отвечающие целям настоящего Соглашения, с учетом законодательства государства пребывания.

### **Статья 6**

Центры пользуются правами юридического лица в соответствии с законодательством государства пребывания.

### **Статья 7**

Стороны обеспечивают беспрепятственный доступ общественности на мероприятия, проводимые Центрами.

Стороны на основе взаимности принимают необходимые меры по обеспечению безопасности персонала и помещений Центров, а также проводимых ими мероприятий.

### **Статья 8**

Деятельность Центров осуществляется на некоммерческой основе. В то же время для частичного возмещения своих затрат Центры могут:

взимать плату за посещение мероприятий, которые они организуют, за обучение на языковых курсах и другие виды деятельности;

продавать периодические издания, каталоги, афиши, программы, книги, картины и репродукции, аудиовизуальные, а также дидактические материалы независимо от способа записи информации, другие предметы, непосредственно имеющие отношение к мероприятиям, которые они организуют, при условии, что эти предметы не будут продаваться через торговую сеть государства пребывания и что это не нанесет вреда правилам торговой деятельности, а также не нарушит права владельцев интеллектуальной собственности;

иметь в помещениях Центра книжные магазины, рестораны, кафе, кафетерии и сувенирные киоски для обслуживания его посетителей, а также гостиничные помещения для временного проживания гостей Центра;

сдавать в аренду помещения, принадлежащие Центру.

### **Статья 9**

Стороны на условиях взаимности будут содействовать друг другу в предоставлении подходящих земельных участков, а также в аренде, приобретении или строительстве зданий (помещений) под Центры в соответствии с законодательством принимающего государства.

Работы по проектированию, строительству и обустройству зданий (помещений) Центров, после получения разрешения на их строительство или обустройство, будут осуществляться направляющей Стороной в соответствии с правилами пребывания. При этом направляющая Сторона вправе самостоятельно назначать подрядчиков на проведение соответствующих работ.

### **Статья 10**

Налоговый режим для Центров и их персонала определяется законодательством государства пребывания с учетом принципа взаимности.

### **Статья 11**

Каждая из Сторон назначает персонал своего Центра. Этот персонал может состоять из числа граждан направляющего государства, государства пребывания или

третьего государства. В последнем случае назначение должно быть согласовано с компетентными органами власти государства пребывания.

Директора Центров и их заместители могут являться членами дипломатического персонала посольства направляющего государства.

Численность персонала Центров устанавливается по взаимной договоренности.

Стороны будут взаимно информировать друг друга о комплектовании персонала Центров, а также о вступлении сотрудников в должность и о прекращении их работы в Центрах.

### **Статья 12**

На сотрудников Центров и членов их семей, являющихся гражданами направляющего государства и не проживающих постоянно в государстве пребывания, распространяется трудовое законодательство и режим социального обеспечения направляющего государства.

### **Статья 13**

Принимающая Сторона разрешает сотрудникам Центра направляющей Стороны и проживающим с ними членам их семей ввоз и вывоз в период всего срока работы в Центре принадлежащего им движимого имущества, в том числе транспортных средств, с освобождением от уплаты таможенных платежей, за исключением сборов за таможенное оформление, хранение и иные подобного рода услуги. Упомянутые предметы могут быть отчуждены на территории государства пребывания только при условии уплаты таможенных платежей и выполнения иных требований, установленных законодательством этого государства. Действие предусмотренных настоящей статьей льгот не распространяется на членов персонала Центров, являющихся гражданами государства пребывания или лиц, постоянно проживающих на его территории.

### **Статья 14**

Каждая Сторона на основе взаимности предоставляет членам персонала Центра другой Стороны, а также совместно проживающим с ними членам семьи льготы, предусмотренные законодательством ее государства в вопросах выдачи виз и разрешений на проживание в принимающем государстве.

### **Статья 15**

Каждая из Сторон в случае необходимости окажет содействие другой Стороне в подборе подходящих жилых помещений для сотрудников ее Центра.

### **Статья 16**

Вопросы, возникающие в связи с толкованием и применением настоящего Соглашения, будут разрешаться путем переговоров.

### **Статья 17**

Настоящее Соглашение вступает в силу с даты последнего письменного уведомления, подтверждающего выполнение Сторонами соответствующих внутригосударственных процедур, необходимых для вступления его в силу.



Настоящее Соглашение заключается сроком на пять лет. Его действие будет автоматически продлеваться на последующие пятилетние периоды до тех пор, пока одна из Сторон, не менее чем за шесть месяцев до истечения соответствующего периода, не уведомит в письменном виде другую Сторону о своем намерении прекратить его действие.

Совершено в Москве 6 мая 1998 года, в двух экземплярах, каждый на узбекском и русском языках, причем оба текста имеют одинаковую силу.

(подписи)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Латвия  
Республикаси Ҳукумати ўртасида саноат ва иқтисодий  
ҳамкорлик тўғрисида  
БИТИМ**

*(2006 йил 29 июндан кучга кирган)\**

+

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Латвия Республикаси Ҳукумати, бундан буён Томонлар деб аталувчилар,

1996 йил 21 июндаги бир томондан Ўзбекистон Республикаси ва иккинчи томондан Европа ҳамжамиятлари ва уларнинг аъзо давлатлари ўртасида шерикчиликни ўрнатувчи Шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисида Битим қоидаларига асосланиб, узоқ муддатли анъанавий иқтисодий муносабатларни инobatга олиб,

Латвия Республикасининг Европа Иттифоқига аъзо-давлат бўлганлигини эътиборга олиб,

иқтисодий, саноат ва илмий-техникавий соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш, мустаҳкамлаш ҳамда кенгайтиришга интилиб,

халқаро ҳуқуқ принципларига амал қилган ҳолда,

қуйидагилар тўғрисида аҳдлашиб олдилар:

**1-модда**

Томонлар икки мамлакат манфаатлари доирасида иқтисодий ва саноат соҳаларида ҳамкорликни ривожлантиришга, мустаҳкамлашга ва кенгайтиришга интиладилар.

**2-модда**

Узоқ йиллик икки томонлама муносабатларни ҳамда эришилган иқтисодий, саноат ва илмий-техникавий ҳамкорлик даражасини инobatга олиб, Томонлар асосан қуйидаги соҳаларда узоқ муддатли ҳамкорлик учун қулай имкониятлар мавжудлиги тўғрисида яқдил фикрдалигини билдирадилар:

енгил саноат;

---

\* Имзоланган кундан кучга кирган.

транспорт, шу жумладан, транспорт воситалари, транзит ва портлардан фойдаланиш;  
озик-овқат саноати;  
соғлиқни сақлаш ва фармацевтика саноати;  
кимё ва нефт-кимё саноати;  
машинасозлик, қишлоқ хўжалиги техникалари ва қайта ишлаш саноати учун усқуналарни ўз ичига олган ҳолда;  
энергетика;  
электрон ва электротехника саноати;  
қурилиш саноати;  
туризм;  
фан, техника ва технология;  
телекоммуникация;  
экологик хавфсизлик ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш;  
ўзаро манфаатларни ифодаловчи ҳамкорликнинг бошқа соҳалари.

### 3-модда

Томонлар икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш, ўзаро кўмаклашиш ва рағбатлантириш орқали:

хукумат органлари, ишбилармон доиралар вакиллари, турли профессионал ва жамоат ташкилотлари, агентликлар ва уюшмалар, савдо-саноат палаталари, ҳудудий ва маҳаллий ташкилотлар ўртасида ўзаро манфаатли ахборотлар алмашишни рағбатлантириш, шунингдек уларнинг вакиллари ва бошқа иқтисодий ва техник делегациялар ташрифини уюштириш орқали алоқалар ва ҳамкорликни;

Томонлар давлатларининг юқорида таъкидланган субъектларини икки томонлама иқтисодий муносабатларда фаол иштирокини;

Томонлар давлатлари ҳудудида ўтказиладиган ярмарка ва кўргазмалар, ишбилармонлар учрашувлари, семинарлар, симпозиумлар ва конференцияларда иштирок этишни;

ўзаро манфаатлар доирасида маркетинг ва консалтинг хизматлари соҳасидаги ҳамкорликни;

Томонлар давлатларининг молия ва банк ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик алоқалари ва уларни мустаҳкамлашни;

инвестиция фаолияти, жумладан қўшма корхоналар тузиш, компанияларнинг ваколатхоналари ва филиалларини таъсис этишни;

кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари ўртасида ҳамкорлик, жумладан учинчи давлатлар ва халқаро молия институтлари томонидан молиялаштириладиган дастурлар доирасидаги ҳамкорликни;

Томонлар ўртасида келишилган бошқа ҳамкорлик шакллари ривожлантиришга, мустаҳкамлашга ва кенгайтиришга интиладилар.

### 4-модда

Ушбу Битимнинг 2-моддасида белгиланган соҳаларда ҳамкорликни таъминлаш мақсадида ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Латвия Республикаси Ҳукумати ўртасида 1995 йил 6 июнда имзоланган фан-техника соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Битим қоидаларини инобатга олиб, Томонлар ҳукумат органларининг тегишли вакилларида ташкил топадиган Ўзбекистон Республикаси ва Латвия Республикаси ўртасида иқтисодий, саноат ва фан-техника соҳасида ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро Комиссия (келгусида — «Ҳукуматлараро Комиссия») тузилади.

Хукуматлараро Комиссия ўз ишига ишбилармон доиралар вакиллари иштирок этиш учун таклиф этиши мумкин.

#### **5-модда**

Хукуматлараро Комиссия йиғилишлари лозим бўлганда, бироқ бир йилда камида бир марта навбатма-навбат Ўзбекистон Республикаси ва Латвия Республикасида ўтказилади. Хукуматлараро Комиссия Регламенти у томонидан қабул қилинадиган Низомда белгиланади.

#### **6-модда**

Хукуматлараро Комиссия фаолиятининг асосий вазифалари қуйидагилардир:

а) ўзбек—латиш иқтисодий, саноат ва илмий-техникавий ҳамкорлик ҳолатини таҳлил қилиш ва баҳолаш, унинг устувор йўналишларини ва ўзаро ҳамкорлик шаклларини такомиллаштириш йўллари аниқлаш;

б) ўзаро манфаатларни акс эттирувчи соҳаларда Томонларнинг иқтисодий, саноат ва илмий-техникавий ҳамкорлик дастурларини ишлаб чиқиш;

в) икки давлат ҳукуматларига иқтисодий, саноат ва илмий-техник ҳамкорликни такомиллаштириш ва юзага келувчи муаммоларни ҳал қилишга қаратилган таклифларни тайёрлаш ва киритиш;

г) Ўзбекистон Республикаси ва Латвия Республикаси ўртасида имзоланган иқтисодий, саноат ва фан-техника соҳаларидаги халқаро шартномалар ҳамда бошқа икки томонлама келишувлар, жумладан ҳукуматлараро комиссия йиғилишларида қабул қилинган қарорларни ижро этишни назорат қилиш ва эришилган келишувлар қоидаларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни қўллаш;

д) Томонлар давлатларининг вазирликлари, идоралари, ташкилотлари ва ишбилармон доиралари ўртасида иқтисодий, саноат ва илмий-техникавий ҳамкорлик дастурларини ишлаб чиқишда ва ижро этишда қўмақлашиш;

е) иқтисодий, саноат ва илмий-техникавий соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш, мустаҳкамлаш ҳамда кенгайтиришга йўналтирилган бошқа вазифалар.

#### **7-модда**

Ушбу Битим қоидалари бир томондан Ўзбекистон Республикаси ва иккинчи томондан Европа ҳамжамиятлари ва уларнинг аъзо давлатлари ўртасидаги халқаро шартномалар ҳамда Томонлар аъзо бўлган бошқа халқаро шартномалардан келиб чиқувчи мажбуриятларига таъсир этмайди. Мазкур Битим қоидалари Латвия Республикасининг Европа Иттифоқига аъзолигидан келиб чиқадиган мажбуриятларига ҳар қандай таъсир этувчи ёки ўзгартирувчи тарзда қўлланилиши ёки талқин қилиниши мумкин эмас.

#### **8-модда**

Томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ, ушбу Битимга унинг ажралмас қисми ҳисобланадиган алоҳида баённомалар билан расмийлаштириладиган ҳамда ушбу Битимнинг 10-моддасида белгиланган тартибга мувофиқ кучга кирадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

#### **9-модда**

Ушбу Битимнинг қўлланилиши ва талқин этилиши билан боғлиқ низолар То-

монларнинг музокара ва маслаҳатлар ўтказиши йўли билан Ҳукуматлараро Комиссия доирасида ҳал этилади.

#### 10-модда

1. Ушбу Битим имзоланган кундан бошлаб кучга киради.
2. Ушбу Битим кучга кирган кундан бошлаб 1997 йил 11 апрелда имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Латвия Республикаси Ҳукумати ўртасида Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ўзбек—латвия Ҳукуматлараро Комиссиясини тузиш тўғрисидаги Битим ўз кучини йўқотади.
3. Мазкур Битим номуайян муддатга тузилади.
4. Ҳар бир Томон бошқа Томонни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда Битимни денонсация қилиши мумкин. Ушбу ҳолда Битим иккинчи Томон шундай ёзма хабар олган ойдан кейин келувчи олтинчи ойнинг биринчи кунини ўз кучини йўқотади. Рига шаҳрида 2006 йил 29 июнда икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек, латиш ва рус тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга. Ушбу Битимни талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келса, Томонлар рус тилидаги матнга амал қиладилар.

(имзолар)

—

## СОГЛАШЕНИЕ

### между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Латвийской Республики об экономическом и промышленном сотрудничестве

+

*(Вступило в силу 29 июня 2006 года)\**

Правительство Республики Узбекистан и Правительство Латвийской Республики, далее именуемые Сторонами, основываясь на положениях Соглашения о партнерстве и сотрудничестве, учреждающего партнерство между Республикой Узбекистан, с одной стороны, и Европейскими сообществами и их государствами-членами, с другой стороны, от 21 июня 1996 года,

учитывая долголетние традиционные экономические отношения, принимая во внимание, что Латвийская Республика стала страной — членом Европейского Союза,

стремясь развивать, укреплять и расширять экономическое, промышленное и научно-техническое сотрудничество, следуя принципам международного права,  
**согласились о следующем:**

#### Статья 1

Стороны будут стремиться развивать, укреплять и расширять экономическое и промышленное сотрудничество в интересах обеих стран.

---

\* Вступило в силу со дня подписания.

## Статья 2

Принимая во внимание долгие двусторонние отношения и достигнутый уровень экономического, промышленного и научно-технического сотрудничества, Стороны едины во мнении, что существуют благоприятные возможности для сотрудничества на долгосрочной основе, главным образом, в следующих областях:

- легкая промышленность;
- транспорт, включая транспортные средства, транзит и использование портов;
- пищевая промышленность;
- здравоохранение и фармацевтическая промышленность;
- химическая и нефтехимическая промышленности;
- машиностроение, включая оборудование для перерабатывающей промышленности и сельскохозяйственную технику;
- энергетика;
- электронная и электротехническая промышленность;
- строительная индустрия;
- туризм;
- наука, техника и технологии;
- телекоммуникации;
- охрана окружающей среды и экологическая безопасность;
- другие области сотрудничества, представляющие взаимный интерес.

## Статья 3

Стороны будут прилагать усилия для развития, укрепления и расширения сотрудничества между двумя странами путем поддержания, содействия и поощрения: связей и сотрудничества между правительственными органами, представителями деловых кругов, различными профессиональными и общественными организациями, агентствами и ассоциациями, Торгово-промышленными палатами, региональными и местными организациями, поощряя обмен информацией взаимного интереса, а также визитов их представителей и других экономических и технических делегаций;

активного участия вышеупомянутых субъектов государств Сторон в двусторонних экономических отношениях;

участия на ярмарках и выставках, организации деловых встреч, семинаров, симпозиумов и конференций, проводимых на территориях государств Сторон;

сотрудничества в сфере маркетинга и консалтинговых услуг в областях взаимного интереса;

контактов и укрепления сотрудничества финансовых и банковских организаций государств Сторон;

инвестиционной деятельности, включая формирования совместных предприятий, учреждения представительств и филиалов компаний;

сотрудничества между субъектами малого и среднего предпринимательства, в том числе в рамках программ, финансируемых третьими странами и международными финансовыми институтами;

иных форм взаимодействия, согласованных между Сторонами.

## Статья 4

В целях обеспечения сотрудничества в областях, определенных в статье 2 настоящего Соглашения и принимая во внимание положения Соглашения между

Правительством Республики Узбекистан и Правительством Латвийской Республики о научно-техническом сотрудничестве, подписанного 6 июня 1995 года, будет создана Межправительственная Комиссия по экономическому, промышленному и научно-техническому сотрудничеству между Республикой Узбекистан и Латвийской Республикой (далее — «Межправительственная Комиссия»), состоящая из представителей соответствующих правительственных органов Сторон.

Межправительственная Комиссия может приглашать к участию в ее работе представителей деловых кругов.

#### **Статья 5**

Заседания Межправительственной Комиссии будут проводиться по необходимости, но не реже одного раза в год поочередно в Республике Узбекистан и Латвийской Республике. Регламент Межправительственной Комиссии определяется Положением, принимаемым ею.

#### **Статья 6**

Основными задачами Межправительственной Комиссии являются:

- а) анализ и оценка состояния узбекско-латвийского экономического, промышленного и научно-технического сотрудничества, выявления его наиболее перспективных направлений и путей совершенствования форм взаимодействия;
- б) разработка программ экономического, промышленного и научно-технического сотрудничества Сторон в областях, представляющих взаимный интерес;
- в) подготовка и внесение в Правительства обоих государств предложений, направленных на совершенствование экономического, промышленного и научно-технического сотрудничества и решение возникающих проблем;
- г) контроль за ходом выполнения международных договоров, заключенных между Республикой Узбекистан и Латвийской Республикой в экономической, промышленной и научно-технической областях, и иных двусторонних договоренностей, включая решения, принятые на заседаниях Межправительственной Комиссии, и принятие практических мер по реализации положений достигнутых договоренностей;
- д) оказание содействия в разработке и выполнении программ экономического, промышленного и научно-технического сотрудничества между министерствами, ведомствами, организациями и деловыми кругами государств Сторон;
- е) иные задачи, направленные на развитие, укрепление и расширение экономического, промышленного и научно-технического сотрудничества.

#### **Статья 7**

Положения настоящего Соглашения не затрагивают обязательств Сторон, вытекающих из международных договоров между Европейскими сообществами и их государствами-членами, с одной стороны, и Республикой Узбекистан, с другой стороны, а также иных международных договоров, участниками которых являются Стороны. Положения настоящего Соглашения не могут быть использованы или истолкованы как каким-либо образом влияющие или изменяющие обязательства Латвийской Республики, вытекающие из ее членства в Европейском Союзе.

#### **Статья 8**

По взаимному согласию Сторон в настоящее Соглашение могут быть внесены изменения и дополнения, которые оформляются отдельными протоколами, яв-

ляющимися неотъемлемой частью настоящего Соглашения, и вступающими в силу в порядке, установленном в статье 10 настоящего Соглашения.

#### **Статья 9**

Спорные вопросы, связанные с применением и толкованием настоящего Соглашения, будут разрешаться путем переговоров и консультаций в рамках Межправительственной комиссии.

#### **Статья 10**

1. Настоящее Соглашение вступает в силу с даты его подписания.

2. С даты вступления в силу настоящего Соглашения прекращает свое действие Соглашение между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Латвийской Республики о создании узбекско-латвийской Межправительственной Комиссии по торгово-экономическому и научно-техническому сотрудничеству, подписанное 11 апреля 1997 года.

3. Настоящее Соглашение заключается на неопределенный срок.

4. Любая Сторона может денонсировать Соглашение, уведомив другую Сторону в письменной форме. В данном случае действие Соглашения прекращается в первый день шестого месяца, следующего за месяцем, в котором второй Стороной получено такое письменное уведомление.

Совершено в городе Риге 29 июня 2006 года в двух подлинных экземплярах, каждый на узбекском, латышском и русском языках, причем все тексты имеют одинаковую силу.

В случае расхождений в толковании положений настоящего Соглашения Стороны будут руководствоваться текстом на русском языке.

(подписи)

**ПОПРАВКА**

**в Сборник международных договоров Республики Узбекистан,  
2005 год, № 2—4**

1. В содержании наименование Соглашения между Правительством Республики Узбекистан и Программой развития Организации Объединенных Наций читать в следующей редакции: «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасида Битим (Тошкент, 1993 йил 10 июнь)».

2. На страницах 5—16:

текст Соглашения между Правительством Республики Узбекистан и Программой развития Организации Объединенных Наций читать в следующей редакции:

**«Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури ва  
Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасида  
БИТИМ\*»**

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси қўйида қисқача БМТТД деб аталувчи Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт Дастурини ёрдам олувчи мамлакатларнинг ўз иқтисодий тараққиётларининг муҳим муаммоларини ҳал этиш ҳамда уларнинг ижтимоий тараққиёти ва ҳаёт даражасини кўтаришга кўмаклашиш мақсадида, миллий саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш ва тўлдириш учун тузганлигини эътиборга олиб; ва

Ўзбекистон Ҳукумати БМТТДга ўз халқи манфаати йўлида ёрдам учун талабнома тақдим этиш истагида эканлигини назарда тутиб;

Қўйида Томонлар деб аталувчи Ҳукумат ва БМТТД дўстона ҳамкорлик руҳида ҳаракат қилиб, ушбу Битимни туздилар.

**I-модда**

**Битим татбиқ этиладиган соҳалар**

1. Ушбу Битим БМТТД ва унинг ижрочи-мусасалари ҳукуматга унинг тараққиёт лойиҳаларини бажариш ва БМТТД сармояси асосида бажариладиган лойиҳалар юзасидан бўлган асосий шартларни ўз ичига олади. Унинг қоидалари БМТТД томонидан берилладиган ҳар қандай ёрдамга, шунингдек мазкур ёрдамни тақдим этиш ва ушбу Битимга мувофиқ шу каби лойиҳалар бўйича ҳамда ижрочи-мусасаларнинг тегишли мажбуриятларини батафсилроқ белгилаш мақсадида Томонлар ишлаб чиқиши мумкин бўлган қўйида лойиҳалар бўйича ҳужжатлар деб аталувчи лойиҳалар, бошқа ҳужжатларга нисбатан татбиқ этилади.

2. БМТТД ушбу Битимга мувофиқ Ҳукумат тақдим этган ва БМТТД маъқуллаган талабномага жавоб тарзидагина ёрдамни амалга оширади. Бундай ёрдам Ҳукуматга ёки у тайинлаши мумкин бўлган юридик шахсга берилади. Унинг берилиши ва олиниши БМТТД ваколатли идораларининг тегишли ва қўлланиладиган резолюциялари ва қарорлари асосида белгиланади, шунингдек БМТТДда зарур фондлар мавжудлигига боғлиқ бўлади.

---

\* Шуни маълум қиламизки, ушбу шартнома 2005 йил 7 апрелдан бошлаб *mutatis mutandis* (алмаштирилиши лозим бўлган ҳолда алмаштирилиб) БМТнинг аҳолишунослик бўйича жамғармасининг (UNFPA) фаолияти ва ходимларига нисбатан қўлланилади.



**II-модда**  
**Ёрдам шакллари**

1. Ушбу Битим асосида Ҳукуматга БМТТД томонидан бериладиган ёрдам қўйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

а) эксперт-маслаҳатчилар ва консультантлар, шу жумладан БМТТД ёки тегишли ижрочи-муассасалар томонидан тайинланадиган ва улар олдида масъул бўлган алоҳида ширкатлар ва ташкилотлар консультантларининг хизматларидан;

б) тезкор, бошқарув ёки маъмурий вазифаларни Ҳукуматнинг фуқаро хизматчилари ёки Ҳукумат ушбу Битимнинг I-моддаси 2-бандига мувофиқ танлаши мумкин бўлган юридик шахслар сифатида бажариш учун ижрочи-муассаса тайинлайдиган техник экспертлар хизматларидан;

в) қўйида кўнгиллилар деб аталувчи Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўнгиллилари хизматларидан;

г) қўйида мамлакат деб аталувчи Ўзбекистонда олиш қийин бўлган асбоб-ускуна ва ашёлардан;

д) семинарлар, кадрлар тайёрлаш дастури, кўргазмавий лойиҳалар, экспертларнинг ишчи гуруҳлари ва шунга ўхшаш тадбирларни ташкил этишдан;

е) талабалар ва аспирантларга стипендиялар бериш ёки Ҳукумат томонидан тайинланиб, тегишли ижрочи-муассаса тасдиқлаган номзодларнинг умумий таълим ёки касб тайёрловини олишларини таъминлайдиган шунга ўхшаш тадбирларга маблағ ажратишдан;

ж) Ҳукумат ва БМТТД ўзаро келишиб олиши мумкин бўлган ёрдамнинг ҳар қандай туридан.

2. Ёрдам кўрсатиш ҳақидаги талабнома Ҳукумат томонидан БМТТД номига ушбу мамлакатдаги БМТТДнинг вакил-резиденти (у ҳақида ушбу модданинг 4а-бандида қайд этилади) орқали БМТТДнинг бундай талабномалар учун белгиланган шакл ва тартибига мувофиқ юборилади. Ҳукумат БМТТДга талабномани баҳолаш учун барча зарур хизматларни ва, шу жумладан келгусида сармоя қўйилиши назарда тутилган лойиҳалар бўйича фаолиятга нисбатан ўз нияти ҳақида барча тегишли маълумотларни тақдим этади.

3. БМТТД мақсадга мувофиқ деб қараладиган ташқи ёрдамдан фойдаланиб, ёрдамни бевосита Ҳукуматга ёки БМТТД томонидан лойиҳани рўёбга чиқаришда ҳамда ёрдамни амалга оширишда асосий жавобгарлик юклатиладиган ва шу мақсадда мустақил пудратчи мақоми бериладиган ижроси-муассаса орқали амалга оширилади. Башарти, ёрдам БМТТД томонидан бевосита Ҳукуматга берилса, ушбу Битимда ижрочи-муассасага ҳар қандай мурожаат этиб, иш кўриш БМТТДга мансуб деб шарҳланиши лозим ва матндан бошқа нарса англаниши ҳоллари бундан мустасно.

4. а) БМТТДнинг вакили бўлиш ва Дастурга тегишли барча масалалар бўйича Ҳукумат билан асосий алоқа канали вазифасини бажариш учун БМТТД мамлакатда вакил-резидент бошчилик қиладиган доимий миссияга эга бўлиши мумкин. Вакил-резидент БМТТД маъмурияти номидан иш кўриб, мазкур мамлакатда БМТТД маблағ билан таъминлаётган Дастурнинг барча жиҳатларига нисбатан тўлиқ жавобгар бўлади ва унга дескрипцион ҳуқуқлар берилади ҳамда БМТ тизимидаги бошқа ташкилотларнинг мамлакатдаги гуруҳларининг касб ваколати ва Ҳукуматнинг тегишли идоралари билан муносабатларини эътиборга олиб, уларнинг ишига раҳбарлик қиладди. Вакил-резидент Дастур номидан Ҳукуматнинг тегишли идоралари билан, жумладан ташқи ёрдамни мувофиқлаштириш бўйича Ҳукумат муассасалари билан алоқада бўлиб туради ва БМТТД ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бошқа тегишли Дастурларининг умумий сиёсат масалалари, мезонлари ва тартиб-

қоидалари тўғрисида Ҳукуматга билдириб туради. У Ҳукуматнинг илтимосига биноан унга БМТТДнинг шу мамлакат бўйича дастурларини, лойиҳалар бўйича талабномаларни, шу мамлакат бўйича дастур юзасидан таклифларни тайёрлашда, лойиҳага таклиф этилган ўзгаришларни баён этишда қўмаклашади, турли хил ижрочи-муассаса ёки улар ўз консультантлари орқали БММТД бераётган ёрдамнинг барча турларини тегишлича мувофиқлаштиришни таъминлайди. Агар Ҳукумат илтимос қилса, БМТТДнинг фаолиятини мамлакатда ўтказилаётган миллий икки томонлама ва кўп томонлама дастурлар билан мувофиқлаштиришда унга ёрдам беради ҳамда маъмурият ёки ижрочи-муассаса унга юклайдиган бошқа вазифаларни бажаради.

б) БМТТДнинг миссияси мамлакатда БМТТД ўзининг фаолиятини муносиб бажариши керак деб ҳисоблайдиган ходимлар штатига эга бўлиши мумкин. БМТТД вақти-вақти билан миссия ходимлари ва уларнинг оила аъзолари номларини Ҳукуматга маълум қилиб туради ва бундай шахсларнинг лавозим мақомидаги ўзгаришлар ҳақида ҳам унга хабар беради.

### III-модда

#### Лойиҳаларнинг амалга оширилиши

1. Ҳукумат БМТТД ёрдам бераётган ўзининг тараққиёт лойиҳалари ва тегишли лойиҳа ҳужжатларида қайд этилган вазифаларни бажаришда масъул бўлиб қолади ва ушбу Битим қоидалари ва лойиҳа ҳужжатларида алоҳида айтиб ўтилиши мумкин бўлган лойиҳаларнинг таркибий қисмларини бажаради. БМТТД Ҳукуматга ушбу Битим қоидалари ва лойиҳа ҳужжатларининг бир қисмини ташкил этувчи иш режасига кўра ва лойиҳага келгусида сармоялар қўйишга оид унинг ниятини рўйбага чиқартиришда қўмаклашиб, Ҳукуматни қўллаб-қувватлаш ва унинг лойиҳалардаги иштирокини тўлдириш мажбуриятини зиммасига олади. Ҳукумат БМТТД маблағ билан таъминлайдиган ҳар бир лойиҳа бўйича унинг иштирокида бевосита жавобгарлик зиммасида бўлган Ҳукуматнинг ҳамкорлик этувчи муассасаси тўғрисида БМТТДга хабар беради. Ҳукуматнинг ўз лойиҳалари учун умумий жавобгарлиги доирасига тегмай, Томонлар у ёки бу ижрочи-муассаса зиммасига у ёки бу лойиҳани ҳамкорлик қилаётган муассаса билан маслаҳатлашиб ва келишиб бажаришида асосий жавобгарликни юклаш тўғрисида аҳдлашиб олишлари мумкин; ҳар қандай шу каби чора, лойиҳаларни амалга оширишда жавобгарлик Ҳукумат ёки у тайинлаган юридик шахсга ўтказилиши ҳақида лойиҳа ҳужжатларининг бир қисмини ташкил этувчи иш режаси лойиҳасида, башарти улар тузилган бўлса битимларда, алоҳида қайд этиб ўтилиши лозим.

2. Ҳукумат муайян лойиҳа учун БМТТД ёрдани олиш мақсадида зарур ёки мақсадга мувофиқ деб билган муқаддам ўз зиммасига олган ҳар қандай мажбурият ушбу лойиҳага нисбатан БМТТД ва ижрочи-муассасанинг ўз мажбуриятларини бажаришда дастлабки шарт ҳисобланади. Башарти, ёрдам ушбу дастлабки мажбуриятлар бажарилишига қадар берилган бошланган бўлса, БМТТДнинг ихтиёрига қараб, хабар берилмасдан тугатилиши ёки тўхтатиб қўйилиши мумкин.

3. БМТТД томонидан маблағ билан таъминланадиган бирон-бир лойиҳани бажаришга нисбатан Ҳукумат ва ижрочи-муассаса ўртасида эришилиши мумкин бўлган ҳар қандай масала юзасидан келишув ёки Ҳукумат ва техник эксперт ўртасидаги келишув ушбу Битимнинг қоидаларига мувофиқ тартибга солинади.

4. Ҳамкорлик этувчи муассаса тегишли тарзда ва ижрочи-муассаса билан маслаҳатлашиб, ҳар бир лойиҳага раҳбарлик этиш учун ҳамкорлик этувчи муассаса юклаган мажбуриятларни бажарадиган штатли мудирни тайинлайди. Ижрочи-муассаса тегишли ҳолларда Ҳукумат билан мастлаҳатлашиб, ижрочи-муассаса олдида

лойиха даражасида амалга оширишида иштирок этишини умумий тарзда назорат қилувчи бош техник маслаҳатчи ёки мувофиқлаштирувчини тайинлайди. У ижрочи-муассасанинг экспертлари ва бошқа ходимлари фаолиятига раҳбарлик қилади ва уни мувофиқлаштиради, Ҳукуматнинг ишлаб чиқаришдан ажралмаган миллий параллел ходимларини тайёрлашда масъул бўлади. У БМТТД маблағ билан таъминлайдиган сармояларни, жумладан лойиха учун тақдим этиладиган асбоб-ускуналарни бошқариш ва улардан самарали фойдаланишда масъул бўлади.

5. Эксперт-маслаҳатчилар, консультантлар ва кўнгиллилар ўз мажбуриятларини бажариш мақсадида Ҳукумат, у тайинлайдиган шахслар ёки идоралар билан атофлича маслаҳатлашиб иш тутадилар ва уларнинг мажбуриятлари характери ва БМТТД, тегишли ижрочи-муассаса ва Ҳукумат келишиб оладиган ёрдам характери ни ҳисобга олиб, мақсадга мувофиқ бўлган Ҳукуматнинг йўриқларига риоя этадилар. Техник экспертлар — фақат Ҳукумат олдида ёки улар йўллаган юридик шахслар олдида масъулдирлар ва улар фақат Ҳукумат ёки шундай юридик шахснинг тасарруфида бўладилар, лекин улар ўзларининг халқаро мақомига ёки БМТТД ёхуд ижрочи-муассаса топшириқларига зид бўлган бирон бир вазифани бажаришга мажбур эмаслар. Ҳукумат ҳар бир техник эксперт унинг хизматида келган сана унинг тегишли ижрочи-муассаса билан тузган шартномасининг ҳақиқий санасига мос келишини таъминлаш мажбуриятини олади.

6. Стипендиялар учун номзодлар ижрочи-муассаса томонидан танланади. Стипендиялар ушбу ижрочи-муассаса йўл тутадиган сиёсат ва амалиёт бўйича тақдим этилади.

7. БМТТД маблағ билан таъминлайдиган ёки тақдим этадиган техникавий ёки ўзга асбоб-ускуна, материаллар, таъминот ашё-буюмлари ва бошқа мол-мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқи Ҳукумат ва БМТТД келишиб олган тартибда ва шартларда Ҳукуматга ёки у тайинлайдиган юридик шахсга ўтказилмагандагина ва шунга қадар БМТТДга тегишли бўлади.

8. Патент ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи ва шунга ўхшаш ушбу Битимга мувофиқ БМТТД берадиган ёрдам натижаси бўлган ҳар қандай кашфиёт ёки ишга бўлган ҳар қандай ҳуқуқлар БМТТДга тегишли бўлади. Лекин, башарти ҳар бир алоҳида ҳолда Томонлар бошқача келишиб олмаган бўлсалар, Ҳукумат мамлакат ичида фойдаланиш учун чегирмаларсиз ёки шу каби тўловларсиз ҳар қандай кашфиётлар ёки иш натижаларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

#### IV-модда

#### Лойиҳаларга тегишли ахборот

1. Ҳукумат БМТТД маблағ билан таъминлайдиган лойиҳанинг келгусидаги ривожланиши истиқболи ва унинг рентабеллиги ёки ушбу Битим ва унинг лойиҳа ҳужжатларидан келиб чиқадиган мажбуриятларга Ҳукумат риоя этишига оид сўраши мумкин бўлган тегишли маълумотлар, хариталар, ҳисоб-китоб варақалари, ёзувлар, аризалар, ҳужжатлар ва бошқа маълумотларни БМТТДга тақдим қилади.

2. БМТТД ушбу Битимга мувофиқ амалга ошириладиган ўзининг ёрдам бериш фаолияти тўғрисида Ҳукуматга маълум қилиб туриш мажбуриятини зиммасига олади. Битимдаги Томонлардан ҳар бири БМТТД маблағ билан таъминлаётган лойиҳаларнинг амалга оширилишини ҳар қандай вақтда назорат этишга ҳақлидир.

3. БМТТД маблағ билан таъминланган лойиҳа бажарилгандан сўнг унинг илтимосига биноан ушбу лойиҳа бўйича эришилган натижалар ва келгусида рўйбага чиқариладиган мақсадларни янада ривожлантириш учун амалга ошириладиган наф ҳақида, шу жумладан уни ёки БМТТД ёрдамини баҳолаш учун зарур ёки мақсадга

мувофиқ маълумотларни Ҳукумат БМТТДга тақдим этади, ушбу мақсад учун БМТТД билан маслаҳатлашиб туради ва унга мазкур фаолиятни кузатиб туришга рухсат беради.

4. Ушбу моддага мувофиқ Ҳукумат БМТТДга тақдим этиши лозим бўлган ҳар қандай маълумот ва материаллар тегишли ижрочи-муассасанинг илтимосига биноан унинг ихтиёрига Ҳукумат томонидан тақдим қилинади.

5. Битимдаги Томонлар, лозим ҳолларда БМТТД маблағ билан таъминлайдиган лойиҳа ёки ундан олинadиган фойдага доир ҳар қандай маълумотни нашр этиш тўғрисида бир-бирлари билан мастлаҳатлашиб турадилар. Бироқ келгусида сармоя билан таъминланиши кўзда тутилган ҳар қандай лойиҳага оид ҳар қандай маълумот, башарти Ҳукумат БМТТДга ёзма равишда бундай лойиҳага нисбатан маълумот беришни чеклаш тўғрисида мурожаат этмаганда ёки шундай илтимос билан мурожаат этадиган пайтга қадаргина, БМТТД томонидан иқтидорли сармоядорлар ихтиёрига тақдим этилиши мумкин.

#### **V-модда**

##### **Лойиҳани амалга оширишда Ҳукуматнинг иштироки ва бадали**

1. Ушбу Битимга мувофиқ БМТТД маблағ билан таъминлайдиган лойиҳаларни амалга оширишда қатнашиш ва ҳамкорлик этиш юзасидан ўз мажбуриятларини бажариш учун Ҳукумат тегишли лойиҳа ҳужжатларида ҳажми ва характери батафсил белгиланган кўйда кўрсатилганларни ўз бадали сифатида натура шаклида таъминлайди:

а) маҳаллий параллел мутахассислар ва бошқа ходимлар, жумладан бир-бирига ўхшаш техник экспертларнинг хизматларини;

б) ер участкалари, бинолар, кадрларни тайёрлаш учун ўқув базалари ва мавжуд бўлган ёки мамлакатда ишлаб чиқиладиган инфраструктуранинг бошқа таркибий қисмлари;

в) мавжуд бўлган ёки мамлакатда ишлаб чиқариладиган асбоб-ускуна, материаллар ва таъминот ашё-буюмлари.

2. Асбоб-ускуналарни етказиб бериш Ҳукуматга БМТТД берадиган ёрдамнинг бир қисмини ташкил этадиган барча ҳолларда, Ҳукумат бундай асбоб-ускуналарни олиб киришда солинадиган божни тўлаш, уни портдан лойиҳа амалга ошириладиган жойгача ташиш, сақлаш ва шунга ўхшаш харажатларини, уларни лойиҳа жойлашган жойга етказгандан кейин суғурта қилиш, ўрнатиш таъминлаш бўйича ҳам ҳар қандай тасодифий харажатларни кўтаради.

3. Шунингдек, Ҳукумат стажёрлар ва стипендия олувчиларга стипендиялар муддати давомида нафақалар тўлаб туришни ўз зиммасига олади.

4. Башарти, ушбу лойиҳа ҳужжатларида кўзда тутилган бўлса, Ҳукумат мазкур модданинг 1-бандида санаб ўтилган ашё-буюмлардан бирон-бири тақдим этилганлиги учун талаб этилган суммаларни лойиҳа ҳужжатлари бюджетида кўрсатилган ҳажмда БМТТД ёки ижрочи-муассасага тўлайди ёки уларнинг тўлашларини бошқача тарзда таъминлайди ва БМТТДга бу бандда назарда тутилган тўловлар ҳисобига сарфланган барча маблағлар ҳусусида йиллик ҳисобот бериб туради.

5. Олдинги бандга мувофиқ БМТТДга тўланиши лозим бўлган пул маблағлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Котиби белгилаган ҳисобга топширилади ва уларнинг бошқариш БМТТДнинг амалдаги молиявий қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

6. Ҳукуматнинг лойиҳа учун бадалини ташкил этувчи предметлар қиймати ва ушбу Битимга мувофиқ Ҳукумат тўлаши лозим бўлган лойиҳа бюджетларида ба-

тафсил кўрсатилган ҳар қандай суммалар лойиҳа бюджетларини тайёрлаш пайти энг янги маълумотларга асосланган ҳисоб-китоб сифатида қаралади. Келгусида ҳарид этиладиган ҳар қандай ашё-буюмнинг ҳақиқий қийматини кўрсатиш керак бўлган ҳолларда, бундай суммаларга тузатишлар киритилиб турилиши лозим бўлади.

7. Ҳукумат ҳар қандай лойиҳа жойлашган ерда ушбу лойиҳанинг БМТТД ва ижрочи-муассасаси маблағлари ҳисобига амалга оширилаётганлигини билдирувчи тегишли белгилар ўрнатилишини таъминлайди.

#### VI-модда

#### **Маҳаллий валютада тўлаш лозим бўлган Дастур бўйича ҳисоблаб чиқилган харажатлар ва бошқа харажат моддалари**

1. Юқоридаги V-моддада кўрсатилган бадалга қўшимча равишда Ҳукумат тегишли лойиҳа ҳужжатларида ёки БМТТД томонидан унинг раҳбар органларининг тегишли қарорларига мувофиқ суммаларда белгиланган қўйида қайд этиладиган маҳаллий харажатлар ёхуд хизматларни ўз зиммасига олиб ёки бошқача тарзда тўловларни таъминлаб, БМТТДга қўмаклашади:

- а) мамлакатдаги лойиҳаларга юборилган эксперт-маслаҳатчилар ва консультантларнинг истиқомат этишлари учун маҳаллий харажатлар;
- б) маҳаллий-маъмурий ва идора ходимларининг, шу жумладан маҳаллий котиблар, оғзаки ва ёзма таржимонлар хизматлари ҳамда шунга монанд қўмаклашув;
- в) мамлакат ичида ходимларни ташиш;
- г) расмий мақсадлар учун почта жўнатмалари ва электр алоқаси.

2. Ҳукумат ҳар бир техник экспертга ўзининг фуқаросини айти шундай техник эксперт лавозимига тайинланганида тўлаганидек маош, қўшимча пул ёки мукофот пулларини тўлайди. Тегишли ижрочи-муассаса ўз хизматчиларига қандай йиллик отпускази ва касаллик туфайли отпусказлар берса, у ҳам техник-экспертга шундай отпусказлар беради. Тегишли ижрочи-муассасада ўз хизмати шартларига мувофиқ ватанига боришга ҳақли бўлган ўз ходимларига отпусказ бериш учун зарур чораларни кўради. Башарти, ижрочи-муассаса зиммасига техник-эксперт билан тузилган шартнома шартларига мувофиқ товон тўлашни юклайдиган ҳолатларда Ҳукумат техник-эксперт хизматини тўхтатса, Ҳукумат шу каби ҳолатларда хизмати тўхтатилдиган ушбу мамлакат фуқаро хизматчисига ёки даражаси жиҳатидан тенг ходимга хизмат тугаганда нормал тарзда тўланадиган товонда иштирок этади.

3. Ҳукумат қўйидаги маҳаллий хизматларни ва биноларни натура билан таъминлаш мажбуриятини олади:

- а) зарур девон бинолари ва бошқа бинолар;
- б) миллий фуқаро хизматчиларига кўрсатилганидек халқаро ходимлар учун ҳам тиббий ва касалхона хизмати;
- в) кўнгиллилар учун оддий, лекин қулай бинолар;
- г) халқаро хизматчилар учун тегишли уй-жой қидириб топишда қўмаклашиши ва тенг даражадаги миллий фуқаро хизматчиларига бериладиган шартлар асосида техник экспертлар учун квартиралар бериш.

4. Ҳукумат, шунингдек Томонлар ўртасида қўйидаги харажатлар моддаларини тўлаш учун эришилган келишув бўйича белгиланган бир марталик суммани ҳар йили БМТТДга тўлаб, унинг мамлакатдаги миссиясини харажатларида қатнашади:

- а) мамлакатда штаб-квартира сифатида зарур ускуналар ва таъминот буюмлари билан жиҳозланган тегишли идора бинолари;
- б) тегишли маҳаллий котиблар ва идора ходимлари, оғзаки ва ёзма таржимонлар ҳамда шунга ўхшаш ёрдам;

в) вакил-резидент ва унинг ходимларини мамлакат ичида расмий сафарлар учун транспорт билан таъминлаш;

г) почта жўнатмалари ва электр алоқа;

д) вакил-резидент ва унинг ходимларини мамлакат ичидаги расмий сафарлари даврида кундалик тўловлар.

5. Ҳукумат юқоридаги 4-бандда қайд этилганларни натура шаклида ҳам тақдим этишга ҳақли. «б» ва «д» бандларида кўрсатилганлар бундан мустасно.

6. Ушбу модданинг қоидаларига биноан тўланиши лозим бўлган пул маблағлари Ҳукумат томонидан тўланади ва V-модданинг 5-бандига мувофиқ БМТТДнинг ихтиёрига келиб тушади. 2-банд қоидалари бундан мустаснодир.

#### **VII-модда**

##### **Бошқа манбалардан бериладиган ёрдам билан алоқа**

Башарти лойиҳани амалга оширишда Томонлардан бири бошқа манбалардан ёрдам тақдим этса, Ҳукумат барча манбалардан олаётган ёрдамни самарали мувофиқлаштириш ва ундан фойдаланиш мақсадида Томонлар ўзаро ва ижрочи-орган билан маслаҳатлашиб турадилар. Ушбу моддадан Ҳукумат учун келиб чиқадиган мажбуриятлар унинг билан лойиҳани амалга оширишда ҳамкорлик қилувчи бошқа юридик шахслар билан тузиши мумкин бўлган бирон-бир битим томонидан ўзгартирилиши мумкин эмас.

#### **VIII-модда**

##### **Ёрдамдан фойдаланиш**

Ҳукумат БМТТД томонидан бериладиган ёрдамдан ҳар томонлама самарали фойдаланиш учун бор имкониятларини ишга солади, бу ёрдамдан кўзда тутилган мақсадларда фойдаланади. Қуйида қайд этилган қоидаларнинг қўллаш доирасини чекламай, Ҳукумат лойиҳа ҳужжатида кўзда тутилган мақсадларни рўёбга чиқариш учун аниқ тадбирларни амалга оширади.

#### **IX-модда**

##### **Имтиёзлар ва иммунитетлар**

1. Ҳукумат Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамда унинг органларига, жумладан БМТТД ва ижрочи-муассаса сифатида иш кўрувчи ёрдамчи органларга нисбатан уларнинг мол-мулклари, фондлари, авуарлари, шунингдек уларнинг ходимлари, жумладан вакил-президент ва мамлакатдаги БМТТД миссиясининг бошқа ходимларига дахлдор ҳолатларда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг имтиёзлар ва иммунитет тўғрисида Конвенцияси қоидаларини татбиқ этади.

2. Ҳукумат ижрочи-муассаса сифатида иш кўрувчи ҳар бир ихтисослашган муассасага нисбатан уларнинг мол-мулки, фондлари ва авуарларига доир ҳолатда ҳамда унинг ходимларига нисбатан ихтисослашган муассасаларнинг имтиёзлари ва иммунитетлари тўғрисида Конвенция қоидаларини, шу жумладан ушбу муассасага нисбатан қўлланиладиган Конвенция иловасини татбиқ этади. Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) ижрочи-муассаса сифатида иш тутган ҳолларда Ҳукумат унинг мол-мулки, фондлари ва авуарлари ҳамда унинг ходимлари ва экспертларига нисбатан МАГАТЭнинг имтиёзлари ва иммунитетлари тўғрисида Битим қоидаларини татбиқ этади.

3. Мамлакатдаги БМТТД миссияси аъзоларига ўз вазифаларини самарали бажариши учун лозим бўлган қўшимча имтиёзлар ва иммунитетлар берилади.

4. а) Башарти, Томонлар аниқ лойиҳаларга алоқадор лойиҳа ҳужжатлари бўйича бошқача тарзда келишиб олишмаса, Ҳукумат барча шахсларга Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тегишли ихтисослашган муассасаси ва МАГАТЭ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг имтиёзлар ва иммунитетларга доир 18 ҳамда 19-бўлимларига ёки ихтисослашган муассасаларнинг шундай Конвенциясининг 18-бўлимига ёки МАГАТЭнинг имтиёзлар ва иммунитетлар тўғрисида Битимига мувофиқ бериладиган имтиёз ва иммунитетларни беради. Жойларда Ҳукуматнинг фуқароларидан танланган, БМТТД, бирон-бир ихтисослашган муассаса ёки МАГАТЭ хизматидаги юқорида қайд этилган 1 ва 2-банд қоидалари таъсирига тушмайдиган ходимлар бундан мустаснодир.

б) Ушбу модданинг олдинги бўлимларида зикр этилган имтиёзлар ва иммунитетларга тааллуқли ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш мақсадида:

1) юқорида қайд этилган 4а-бандида кўрсатилган шахсларнинг тасарруфида ёки ихтиёрида мавжуд бўлган бирон-бир лойиҳага мансуб барча ҳужжатлар ҳолатларга қараб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, тегишли ихтисослашган муассаса ёки МАГАТЭга тегишли ҳужжатлар сифатида қаралади ва;

2) лойиҳа мақсадлари учун олиб кирилган мамлакат ичида сотиб олинган ёки ижарага олинган асбоб-ускуна, материаллар ва таъминот ашё-буюмлари ҳолатларига қараб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, тегишли ихтисослашган муассаса ёки МАГАТЭнинг мулки сифатида қаралади.

5. Ушбу Битимнинг IX, X ва XIII-моддаларида ишлатиладиган «хизмат вазифасини бажараётган шахслар» ибораси техник ходимлар, кўнгилчилар, консультантлар ҳамда юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек уларнинг ходимларига нисбатан қўлланилади. У БМТТД томонидан ижрочи-муассаса сифатида ёки бошқача тарзда БМТТД томонидан маблағ билан таъминланаётган лойиҳани бажаришда ва унинг ходимларига кўмаклашишда ижрочи-муассаса сифатида БМТТД жалб этадиган Ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлари ёки ширкатларини қамраб олади. Ушбу Битимнинг бирон-бир қоидаси бундай ташкилотлар ёки ширкатларга ҳамда уларнинг ходимларига ҳуқуқий ҳужжатлар асосида бериладиган иммунитетлар ва енгилликларни чеклайдиган тарзда шарҳланмаслиги лозим.

#### **X-модда**

##### **БМТТД ёрдами амалга оширилишида бериладиган имтиёзлар**

1. Ҳукумат БМТТД, унинг ижрочи-идоралари, экспертлар ва уларнинг хизматида бўлган бошқа шахсларни ушбу Битимга мувофиқ адо этаётган мажбуриятларига зид бўлиши мумкин бўлган қарорлар ва бошқа ҳуқуқий қоидаларнинг қўлланиши доирасидан чиқариш учун керак бўлган барча чораларни кўради, тез самарали қўллаш учун лозим бўлиши мумкин бўлган шу каби бошқа имтиёзларни кафолатлайди. Хусусан, у уларга қуйидаги ҳуқуқ ва имтиёзларни кафолатлайди:

а) тезлик билан БМТТД ёки бирон-бир ижрочи-муассасада хизмат қилаётган эксперт ва бошқа ходимларни ишончли эканликларини текшириш;

б) тезда зарур виза, лицензия ва рухсатномаларни бепул тарзда бериш;

в) иш жойига кириш учун ижозат ва ҳамма зарур имтиёзлар;

г) БМТТД ёрдами тегишлича қўллаш лозим бўлганда, мамлакат ичида эркин ҳаракатланиш, мамлакатга кириш ва чиқиб кетиш;

д) энг қулай валюта курси;

е) ускуналар, материаллар, таъминот ашё-буюмларини олиб кириш ва кейинчалик олиб чиқишга оид ҳар қандай зарур рухсатномалар;

ж) БМТТД ходимлари, унинг ижрочи-муассасалари ёки уларнинг хизматида

бўлган бошқа шахсларга тегишли шахсий фойдаланиш ёки истеъмол учун ва кейинчалик олиб чиқиб кетиладиган мол-мулкни олиб киришда зарур бўлган ҳар қандай рухсатномалар;

з) «е» ва «ж» бандларида қайд этилган буюмларни божхонадан тезлик билан ўтказиш.

2. Ушбу Битимга кўра ёрдам Ўзбекистон халқи ва Ҳукумати фойдасини кўзлаб берилиши боисидан Ҳукумат ушбу Битимдан келиб чиқадиган операцияларга боғлиқ барча масъулиятни ўз зиммасига олади. У ижрочи-муассасалар, уларнинг ходимлари ва улар хизматида бўлган ва бошқа шахсларга нисбатан учинчи томонлар даъво қилган тақдирда, ўз зиммасига даъволарни кўриб чиқиш масъулиятини олади ҳамда уларни ушбу Битимга оид операциялардан келиб чиқадиган талаблар ёки бошқа хил мажбуриятларни бажаришдан озод қилади. Башарти, Томонлар ва ижрочи-муассаса юқорида қайд этилган шахсларнинг қўпол эҳтиётсизлиги ёки қасдан ҳуқуққа хилоф ҳаракатлари натижасида талаб ёки мажбурият келиб чиқишига оид келишиб олишган бўлса, юқорида баён этилган қоидалар татбиқ этилмайди.

### **XI-модда**

#### **Ёрдамни вақтинча тўхтатиб қўйиш ва тўхтатиш**

1. Башарти, БМТТД фикрича лойиҳани муваффақиятли тугатиш ва унинг мақсадига эришиш учун тўсқинлик қилаётган ёки қилиши мумкин бўлган ҳолатлар келиб чиқса, БМТТД ёзма тарзда Ҳукумат ва тегишли ижрочи-муассасани огоҳлантириб, ҳар қандай лойиҳа учун берилаётган ёрдамни тўхтатиши мумкин. БМТТД ушбу хатида ёки кейинги хатида қандай шароитларда лойиҳа учун ўз ёрдамини давом эттиришга тайёрлигини билдириши мумкин. Ҳар қандай бу каби тўхтатиш унинг қайд этган шартларини Ҳукумат қабул қилмагунча ва БМТТД ёзма равишда Ҳукумат ва ижрочи-муассасани ёрдамини тиклашга тайёр эканлиги ҳақида билдирмагунча давом этаверади.

2. Башарти ушбу модданинг 1-бандида баён этилган ҳар қандай вазият у тўғрида ҳамда Ҳукуматга БМТТД ва ижрочи-муассаса ёрдамнинг вақтинча тўхтатиб қўйиш ҳақида хабар берилгандан сўнг 14 кун давом этса, ушбудан сўнг ҳар қандай вақтда вазият давом этиш жараёнида БМТТД Ҳукуматга ва ижрочи муассасага юборадиган ёзма билдириши билан лойиҳага ёрдам беришни тўхтатиши мумкин.

3. Ушбу модда қоидалари эътироф этилган ҳуқуқий нормалар ва ҳар қандай бошқа асос бўйича мазкур ҳолатларда БМТТД ихтиёрида бўладиган бошқа ҳеч қандай ҳуқуқлар ёки ундириш воситаларига дахл қилмайди.

### **XII-модда**

#### **Низоларни ҳал этиш**

1. БМТТД ва Ҳукумат ўртасида ушбу Битим натижасида ёки у сабабли юзага келган ҳар қандай низо музокаралар ёки тортишувни бошқача ҳал этиш усуллари билан ҳал этилмаса, Томонлардан бирон-бирининг илтимосига кўра у ҳакамлар муҳокамасига берилиши мумкин. Ҳар бир томон бир ҳакамни тайинлайди. Томонлар тайинланган ҳакамлар муҳокама жараёнида раислик этувчи учинчи ҳакамни тайинлайдилар. Башарти ҳакамлар муҳокамаси тўғрисида илтимосдан сўнг 30 кун ичида Томонлардан бирон-бири ҳакам тайинланмаса, икки ҳакам тайинлангандан кейин 15 кун ичида учинчи ҳакам тайинланмаса, ҳар қандай Томон Халқаро суднинг раисидан ҳакам тайинлашни сўраши мумкин. Ҳакамлар муҳокамаси тартиб-қоидалари ҳакамлар томонидан ўрнатилади, ҳакамлик бўйича харажатлар миқдорини ҳакамлар белгилайди ва уларни низолашувчи томонлар кўтардилар. Чиқарилган ҳакам-



лар қарори асослантирилган сабабларнинг баёнотини ўз ичига олиши ва Томонлар уни низо юзасидан қатъий қарор сифатида қабул этишлари лозим.

2. Ҳукумат ва техник эксперт ўртасида Ҳукумат хизматида бўлгандаги шароитларда келиб чиқувчи ҳар қандай низо Ҳукумат ёки шу манфаатдор техник эксперт томонидан мазкур техник экспертнинг вакили бўлган ижрочи-муассаса муҳокамасига берилиши мумкин ва тегишли ижрочи-муассаса низони ҳал этишда хайрли хизматлар вазифасини бажаради. Башарти низони юқорида қайд этилган тартибда ёки бошқа ҳар қандай келишув услубида ҳал этиш мумкин бўлмаса, Томонлардан бирон-бирининг илтимосига кўра масала ушбу модданинг 1-бандида баён этилган қоидаларга мувофиқ ҳакамлик муҳокамасига берилади ва бунда Томонлардан бирон-бири ёки улар тайинлаган ҳакамлар томонидан тайинламаган ҳакамни доимий ҳакамлик судининг Бош Котиби тайинлашигина мустаснодир.

### **ХIII-модда** **Умумий қоидалар**

1. Ушбу Битим имзолангандан сўнг кучга киради ва қўйидаги 3-бандга мувофиқ тўхтатилгунча кучга эга бўлади. Ушбу Битим кучга кириши билан БМТТД ва унинг мамлакатдаги штаб квартираси маблағлари ҳисобига Ҳукуматга ёрдам беришга оид илгари амалда бўлган битимлар бекор қилинади ва унинг қоидалари Ҳукуматга берилаётган ва эндиликда бекор қилинган Битимлар асосида мамлакатда ташкил топган БМТТД штаб-квартирасига келаётган ҳар қандай турдаги ёрдамларга жорий этилади.

2. Ушбу Битимга Томонлар ёзма равишда келишиб олишлари орқали ўзгаришлар киритилиши мумкин. Ушбу Битим қамраб олмаган барча алоқадор масалаларни Томонлар БМТнинг тегишли идоралари резолюциялари ва қарорларига мувофиқ ҳал қиладилар. Ҳар бир Томон ушбу бандга оид бошқа Томоннинг ҳар қандай таклифни ҳар томонлама ижобий тарзда инobatга олиши лозим.

3. Ушбу битим бирон-бир Томон бошқа Томонни билдириш хати билан огоҳлантиргандан сўнг тўхтатиши мумкин ва ушбу билдириш хати олингандан сўнг 60 кун ўтгач, Битимнинг амал қилиши тўхтайд.

4. Томонлар ушбу Битимнинг IV-моддасига мувофиқ (лойиҳаларга тааллуқли маълумотлар) ва VIII-моддасига кўра (ёрдамни ишлатиш) ўз зиммаларига олган мажбуриятлар ушбу Битимнинг амал қилиши тўхтагандан сўнг ҳам кучда қолади. Ушбу Битимнинг IX-моддасида қайд этилган (имтиёзлар ва иммунитетлар), X-моддасида кўрсатилган (лойиҳасини бажариш учун зарур имтиёзлар) ва XII-моддасидаги (низоларни ҳал этиш) тўғрисида Ҳукумат ўз зиммасига олган мажбуриятлар БМТТДга, ҳар қандай ижрочи-муассасага ёки ушбу Битимга мувофиқ уларнинг хизматида бўлган шахсларга тегишли ходимларни чақириб олиш, фондлар ва мол-мулкни қайтариб олишни режали тартибда амалга оширишга доир қисмида Битимнинг амал қилиш муддати тугагач ёки унинг амал қилиши тўхтатилгач ҳам кучда қолади.

Юқоридагиларни тасдиқлаш мақсадида қўйида имзо чеккан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг ва Ҳукуматнинг тегишли тарзда тайинланган вакиллари тегишли Томонлар номидан ушбу Битимни имзоладилар.

Тошкент шаҳрида 1993 йил 10 июнь куни инглиз ва ўзбек тилида, икки нусхада тайёрланди.

*(имзолар)».*

3. На странице 17:

а) в наименовании Конвенции слова «Парижский акт от 24 июля 1971 года, измененный 28 сентября 1979 года» заключить в скобки;

б) сведения о ратификации и вступлении в силу читать в следующей редакции:

«Республика Узбекистан присоединилась к данной Конвенции постановлением Олий Мажлиса Республики Узбекистан от 27 августа 2004 года № 681-П\*

(Вступила в силу для Республики Узбекистан 19 апреля 2005 года)\*\*»;

в) дополнить сноской 2 следующего содержания: «\*\* Уведомление Всемирной Организации Интеллектуальной собственности № 24-4 от 19 января 2005 года»

4. На страницах 49 и 52:

а) сведения о вступлении в силу читать в следующей редакции:

«(Вступил в силу для Республики Узбекистан 13 мая 2005 года)\*\*»;

б) дополнить сноской 2 следующего содержания: «\*\* Согласно уведомлению Всемирного почтового союза № 2320 (DER. PAR) от 13 мая 2005 года.»

5. На страницах 54, 73 и 104:

а) слова «Ратифицировано постановлением Олий Мажлиса Республики Узбекистан от 27 августа 2004 года № 678-П\*» заменить соответственно словами «Утверждено постановлением Президента Республики Узбекистан от 18 мая 2005 года № ПП-78»;

б) сноски «\* Собрание законодательства РУз, 2004 г., № 34-35, ст. 386.» исключить;

в) дополнить сносками к сведениям о вступлении в силу следующего содержания: «\* Согласно уведомлению ВПС № 2320 (DER.PAR) от 28 июня 2005 года.»

6. На странице 116:

а) сведения о ратификации и вступлении в силу читать в следующей редакции:

«Подписано Республикой Узбекистан 26 апреля 2004 года

(Вступило в силу 4 июля 2005 года)\*»;

б) сноску «\* Собрание законодательства РУз, 2004 г., № 34-35, ст. 380.» исключить;

в) дополнить сноску следующего содержания: «\* Уведомление ООН N-C.N.243.2005.TREATIES-2 от 5 апреля 2005 года.»

7. На страницах 136, 139, 206 исключить разделы даты вступления в силу.

8. На страницах 207, 208 в сведениях о вступлении в силу слова «25 майдан» и «25 мая» читать в следующей редакции: «18 июлдан» и «18 июля».

**Министерство иностранных дел  
Республики Узбекистан  
сообщает:  
сведения об утрате силы Международных договоров Республики  
Узбекистан за I-II кварталы 2006 года**

1. Конвенция государств-участников ГУУАМ о взаимном предоставлении помощи по консульским вопросам (Ялта, 7 июня 2001 года).

*Денонсирована Законом Республики Узбекистан от 9 марта 2006 года № ЗРУ-23.*

2. Соглашение между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Латвийской Республики о создании узбекско-латвийской Межправительственной комиссии по торгово-экономическому и научно-техническому сотрудничеству от 11 апреля 1997 года.

*Прекратило свое действие с 29 июня 2006 года в соответствии с Соглашением между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Латвийской Республики об экономическом и промышленном сотрудничестве (Рига, 29 июня 2006 года).*

+

-

67.412.1  
Ў 32

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРИ ТЎПЛАМИ**

**Ў 32** Ўзбекистон Республикаси Халқаро шартномалари тўплами / Сборник  
Международных договоров Республики Узбекистан. 1-2 (9-10)-сон, 2006, / Тах-  
рир кенгаши: Б. Мустафоев, В.И. Норов, Е.С. Каньязов ва бошқ. — Т.: Ўзбекистон  
Республикаси Адлия вазирлиги, 2006. — 204 б.

**ББК 67.412.1**

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2006 й.

**Тахрир кенгаши:**

*Б. Мустафоев, В.И. Норов, Е.С. Каньязов, И.Т. Неъматов,  
М.М. Икромов, У.Т. Аюбов, К.К. Рашидов,  
М.М. Хакимов, Ф.А. Вахобов*

---

Тахририят манзили:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 700047, Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 5.  
Тел.: 133-73-28, 136-73-98.

---

**Нашрга тайёрлаганлар:**

*М.И. Ишбеков, А.И. Ўралов, Д.А. Ибрагимова,  
В.Н. Хошимов, А. Шакарова*

**Компьютерда саҳифаловчи:** *Ш.Ш. Қурбонбоев*  
**Мусаҳҳихлар:** *Д.Д. Дўстжонова, С.В. Артикова*

---

Босишга рухсат этилди 21.09.2006. Бичими 70×108<sup>1</sup>/16.  
Ҳажми 12,75 б.т. Адади 445 нусха.

«КОҶИ NUR» босмахонасида чоп этилди, Тошкент ш., Муқимий, 178.  
171 — 445 нусха — 2006 йил